

В. В. РЕШЕТОВ, Л. В. РЕШЕТОВА

РУС ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ

Юқори синф ўқувчилари ва ўзбек группалари студентлари учун қўлланма

*ЎзССР Маориф минчстрлиги
тасдиқ этган*

УЧИНИЧИ НАШРИ

«ЎЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ

Т О Ш К Е Н Т — 1979

На узбекском языке

ВИКТОР ВАСИЛЬЕВИЧ РЕШЕТОВ, ЛИЯ ВИКТОРОВНА РЕШЕТОВА

ГРАММАТИКА РУССКОГО ЯЗЫКА

Пособие для учащихся старших классов средней школы
и студентов узбекских групп ВУЗов

Третье издание

Издательство «Ўқитувчи»

Ташкент — 1979

Махсус редактор Ю. Эшонкулов
Редактор М. Мадалиева
Бадий редактор П. А. Бродский
Техн. редактор Т. Ф. Скиба
Корректорлар М. Муратова, Д. Нуритдинова

Р $\frac{60602 \ 191}{353 \ (04) - 79}$ 118 — 79 4602010000

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1979

ИБ № 1080



Тертига берилди 3.11. 1978 й. Босишга рухсат этилди 21.05. 1979 й. Формат 60x90¹/₁₆.
Т.п. қоғози № 1 Кегли 10 шпониз. Юқори бозма усулида босилди. Шартли б. л. 11,5.
Нашр л 10,8. Тиражи 20000. Зак. № 2152. Баҳоси 65 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 117 — 78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинати,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. 1979 й.

Полиграфкомбинат Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот»
Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли,
Ташкент, ул. Навои, 30.

Рус тилини ўрганиш зўр аҳамиятга эга. У ЎзССР даги ўқув юртларининг ҳаммасида асосий фан сифатида ўқитилади. Рус тили халқ демократияси мамлакатларида ҳам кенг равишда ўрганилмоқда.

Бу — тасодифий бир ҳол эмас.

Бундан икки аср бурун улуғ рус олими, шоир ва адиб М. В. Ломоносов рус тилининг қудрати ва афзаллиги тўғрисида ўз фикрини қуйидагича баён қилган эди: «Рим императори Карл бешинчи испан тилида худо билан гаплашиш, француз тилида дўстлар билан, немис тилида ёвлар билан, итальян тилида аёллар жинси билан гаплашиш муносиб деган эди. Агар у рус тилини билганида юқоридаги тилларга хос барча хислатларнинг рус тилида мавжуд эканлигига тан берган бўлар эди.

Чунки у испан тилидаги гўзалликни, француз тилидаги жонлиликни, немис тилидаги мухтасарликни, итальян тилидаги нозикликни шу тилнинг ўзидан топа олар эди. Бунинг устига, юнон ва латин тилларининг бойлиги ва тасвирлашдаги жуда қисқалик фазилатини ҳам шу тилдан топа олар эди». (Рус грамматикаси. 1755.)

Карамзиндан тортиб Пушкингача, Пушкиндан Горький ва Маяковскийгача ўтган кўпгина атоқли рус мутафаккирлари, ёзувчилари ва шоирлари рус тилининг бойлиги ва қудратини ўринли таъкидлаб ўтдилар. Рус тилининг бойлиги, битмас-туганмас хазиналари марксизм-ленинизм асосчиларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Рус тили ифода воситаларининг турли-туманлиги, унинг қудрати бир қанча жонли ва ўлик тилларни билган Ф. Энгельснинг гоят ҳайратда қолдирган эди. У рус тилини « ... энг кучли ва энг бой жонли тиллардан биридир...» деб ёзган эди (Маркс ва Энгельс, Асарлар, XV том, 239- бет).

Ватанимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини янада яқинлаштиришда рус тилининг аҳамияти беқиёс каттадир. Бу ҳақда В. И. Ленин шундай

деган эди: «... Биз ... Россияда яшовчи эзилган синфлар орасида, уларнинг қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, мумкин қадар мустаҳкам алоқа ва биродарлик ҳамжиҳатлиги бўлмоғини истаймиз. Шунингдек, биз, табиий, Россияда яшовчи ҳар бир кишининг улуғ рус тилини ўрганиш имкониятига эга бўлишига тарафдоримиз ...» (В. И. Ленин, Асарлар, XXII том, 180- бет).

Бизнинг кўп миллатли социалистик ватанимиз шароитида рус тили СССР халқлари томонидан миллатлараро алоқа қуроли сифатида меҳр-муҳаббат билан қабул этилган. «Турмушда она тили билан бир қаторда рус тилини ҳам ихтиёрий суратда ўрганиш процесси кетаётганлиги ижобий аҳамиятга эгадир,— дейилади КПСС программасида,— чунки рус тили ўзаро тажриба алмашишга ва ҳар бир миллат ва халқнинг СССР даги бошқа барча халқларнинг маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига ёрдам беради. Рус тили амалда СССР даги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида умумий тил бўлиб қолди». (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1962, 116- бет.)

Совет Иттифоқидаги барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам, ўз тилини ўрганиб ва юксалтириб бориш билан бирга, улуғ рус тилини ҳам зўр хоҳиш билан эгалламоқда. Рус тилини эгаллаб олишга ва рус тилининг ўқитилиши самарали бўлишига кўмаклашиш мақсадида авторлар шу китобни тақдим қиладилар.

Китобдан рус тилини ўрганаётган ўқувчилар, студентлар ва ўзбек мактабларида рус тилидан дарс бераётган ўқитувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

Китоб қўлланма тариқасида тузилган, бинобарин, унга рус тили дарсликларига қўйиладиган талаблар асосида ёндашиб бўлмайди. Авторлар бундай вазифани ўз олдига қўйган ҳам эмас.

ФОНЕТИКА

ОБЩИЕ СВЕДЕНИЯ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

§ 1. Предмет и задачи фонетики Фонетиканинг предмети ва вазифаси.

Фонетика тилшуносликнинг алоҳида ва мустақил бир қисмидир.

Фонетика тилдаги товушларни текширади.

Фонетика товушларнинг алмашиниши ва ўзгаришини, адабий талаффуз нормалари (тўғри талаффуз қилиш қондалари), бўгин ва урғу, уларнинг турларини, урғуни тўғри ишлатиш йўллари ҳам ўрганади.

Фонетика ҳақида зарур маълумотга эга бўлмай туриб, тўғри талаффуз қилиш билан алоқадор бўлган грамматика қондаларини пухта ўзлаштириш мумкин эмас.

Ҳар бир тилнинг ўз фонетик хусусиятларини ўрганувчи ўз фонетикаси бор.

§ 2. Звук. Товуш.

Ҳар қандай товуш бирор жисмнинг ҳаво тўлқинида тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Бирор жисм (масалан, дутор тори) нинг тебраниши ҳавони товуш чиқарадиган қилиб тўлқинлантиради. Ҳавонинг бу тўлқинланишидан қулоғимизга товуш эшитилади.

§ 3. Звуки речи. Нутқ товушлари.

Нутқ товушлари нутқ органларининг талаффуз вақтидаги ҳаракати натижасида вужудга келади.



Талаффуз қилишда турли товушлар ҳосил бўлади: *а, о, и, э, у* каби (гласные — унлилар) ёки *б, в, г, д, ж, з, к, л, м, н* каби (согласные — ундошлар).

§ 4. Органы речи и их функции. Нутқ органлари ва уларнинг вазифаси.

Инсоннинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг сўзлаш қобилиятига эгалигидир. Бирор тилдаги товушларнинг турлича кўриниши кишининг нутқ органлари фаолияти натижасида

пайдо бўлади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашадиган нутқ органлари: легкие — ўпка, глотка — ҳалқум, гортань — бўғиз, полость носа — бурун бўшлиғи, язык — тил, небо — танглай, зубы — тиш, полость рта — оғиз бўшлиғи ва, ниҳоят губы — лабдир.

Нутқ органларн товуш ҳосил қилишдаги хизматига кўра икки хил: активные — актив ва пассивные — пассив бўлади.



1 - расм. I — полость рта (оғиз бўшлиғи); II — глотка (ҳалқум) III — полость носа (бурун бўшлиғи); IV — гортань (бўғиз) ёки гортанная полость (бўғиз бўшлиғи); V — носоглотка (бурун-ҳалқум бўшлиғи). I — голосовая щель между голосовыми связками (товуш пайчалари орасидаги очиқлик); 2 — щитовидный хрящ (қалқонсимон кемирчак); 3 — перстневидный хрящ (ҳалқасимон кемирчак); 4 — подъязычная кость (тил ости суюғи); 5 — надгортанник (лак-лук); 6 — перстневидный хрящ (ҳалқасимон кемирчак); 7 — пирамидальный хрящ (пирамидасимон кемирчак); 8 — пищевод (томоқ); 9 — трахея; 10 — язык (тил); 11 — передняя часть языка (тилнинг олдинги қисми); 12 — средняя часть языка (тилнинг ўрта қисми); 13 — задняя часть языка (тилнинг орқа қисми); 14 — корень языка (тил туби); 15 — нижние зубы (пастки тиш); 16 — нижняя губа (пастки лаб), 17 — верхняя губа (устки лаб); 18 — верхние зубы (устки тиш); 19 — альвеолы; 20 — твёрдое небо (қаттиқ танглай); 21 — мягкое небо (юмшоқ танглай); 22 — язычок (кичик тил).

2-расм. Активные органы (Актив органлар):

1—голосовые связки (товуш пайчалари); 2—язык (тил); 3—передняя часть языка (тилнинг олдинги қисми); 4—средняя часть языка (тилнинг ўрта қисми); 5—задняя часть языка (тилнинг орқа қисми); 6—корень языка (тил туби); 7—мягкое небо (юмшоқ танглай); 8—нижняя челюсть (пастки жағ); 9—верхняя губа (устки лаб); 10—нижняя губа (пастки лаб). Пассивные органы (Пассив органлар): 11—верхняя челюсть (устки жағ); 12—верхние зубы (устки тиш); 13—нижние зубы (пастки тиш); 14—твёрдое небо (қаттиқ танглай); 15—полость носа (бурун бўшлиғи).

§ 5. Речевой аппарат. Нутқ аппарати.

Дыхательный аппарат — нафас аппарати. Нафас аппарати кўкрак қафаси (грудная клетка), диафрагма, ўпка (легкие), бронхлар ва нафас йўли (дыхательное горло) дан иборат бўлиб, бу органлар ҳавонинг манбаи ва ҳаво ўтказувчидир. Сўзлаш (нутқ) нафас чиқариш натижасида ҳосил бўлади. Упкадан чиқаётган ҳаво нафас йўлидан бўғизга ўтади.

Гортань — бўғиз. Нафас йўлининг юқори қисми кенгая бориб, бўғизни ташкил этади. Бўғиз бўшлиғида товуш пайчалари ҳаракатини бошқариб турувчи тўртта (ҳалқасимон, иккита пирамидасимон ва қалқонсимон) кемирчак бордир.

Голосовые связи — товуш пайчалари. Товушлар товуш пайчаларининг титраши натижасида ҳосил бўлади. Товуш пайчалари иккита эластик мускулчадан иборат бўлиб, бўғиз устига горизонтал (кўндаланг) тортилган бўлади. Чиқаётган ҳаво таъсирида товуш пайчалари титрайди. Бу титраш натижасида товуш ҳосил бўлиши учун: а) ҳавонинг бўғизда сиқилиши, б) маълум миқдорда товуш пайчаларининг таранглашиши, бир-бирига яқинлашиш шарт.

Товуш пайчаларининг ўзаро бир-бирига яқинлашуви турлича, яъни улар орасидаги очиқлик кенг ёки тор бўлиши мумкин. Товуш пайчалари ўртасидаги очиқлик товуш чиқариш оралиғи дейилади.

Агар товуш пайчалари сиқиқ ва бири иккинчисига жуда яқинлашган бўлса, ўпкадан чиқаётган ҳаво бу пайчаларни бир тартибда тебратиши билан мусиқий товушлар ҳосил қилади. Товуш пайчаларининг титрамаслиги натижасида шивирлаш ҳосил бўлади.

Полость рта — оғиз бўшлиғи. Оғиз бўшлиғи товушни қабул қилади. Шу билан бирга, у товушларни турли тусга киритувчи резонаторлик вазифасини бажаради. Оғиз бўшлиғининг ҳажми ва шакли бошқа нутқ органлари (тил, лаб, юмшоқ танглай, пастки жағ) нинг таъсирида турлича ҳолатга кириши мумкин. Буларда тил катта аҳамиятга эга. Оғиз бўшлиғида бирор товушни талаффуз қилиш учун нутқ органларининг ўзаро мувофиқлашуви **артикуляция** дейилади. Бу артикуляция натижасида унли ва ундош товушлар ҳосил бўлади.

Оғиз бўшлиғида танглай (нёбо) икки қисмдан иборат: қаттиқ ва юмшоқ танглай. Қаттиқ танглай (твёрдое нёбо) — танглайнинг олдинги, ҳаракат қилмайдиган қисми; юмшоқ танглай (мягкое нёбо) ёки танглай пардаси (нёбная занавеска) — танглайнинг ортки қисмидир.

Язык — тил. Тил оғиз бўшлиғидаги ҳаракатчанлиги билан товуш ҳосил қилишда бошқа нутқ органларига нисбатан асосий роль ўйнайди,

Нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўрнига қараб тилни учга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1) тилнинг орқа қисми — тилнинг юмшоқ танглайга қарама-қарши қисми;

2) тилнинг ўрта қисми — тилнинг қаттиқ танглайга қарама-қарши қисми;

3) тилнинг олдинги қисми — тилнинг учи.

Оғиз бўшлиғида тил тишларга қаттиқ жипслашиш ёки жипслашмай, улар ўртасида тор оралиқ ҳосил қилиши мумкин. Тил тишларга жипслашганда чиқариладиган ҳаво оқимининг ёриб ўтиши натижасида портловчи товушлар ҳосил бўлади. Агар ҳаво оқими тил ва тиш ўртасидаги тор оралиқдан ишқаланиб ўтса, сирғалувчи ёки фрикатив товушлар ҳосил бўлади.

Оғиз бўшлиғидан ҳавонинг ҳеч қандай қаршиликсиз чиқиши натижасида турли унли товушлар пайдо бўлади.

Губы — лаб. Товуш ҳосил қилишда лаб ҳам актив иштирок этади. Айрим товушлар икки лаб орасида (масалан, ўзбек тилида *в* товушининг икки лаб орасида ҳосил бўлиши каби) ёки пастки лабнинг юқори тиш учларига тегишида (масалан, рус тилидаги *в* каби) ҳосил бўлади. Баъзи товуш ҳосил қилишда икки лаб бир-бири билан қаттиқ жипслашади (масалан, *п, б* товушларнинг талаффузи каби).

Полость носа — бурун бўшлиғи. Оғиз бўшлиғида юмшоқ танглай (танглай пардаси) нинг туширилиши натижасида қўшимча резонаторлик вазифасини бажарувчи бурун бўшлиғига йўл очилади. Бунда чиқарилаётган ҳаво оқими асосан бурун бўшлиғидан ўтиши билан товушларга алоҳида оттенка берилади. Шу усулда ҳосил бўладиган товушлар (масалан, *м, н, нг*) бурун товушлари дейилади. Бурун товушларининг ҳосил бўлишида ҳаво оқими қисман оғиз бўшлиғидан ҳам ўтади.

Нижняя челюсть — пастки жағ. Оғизнинг кенгайиши ёки торайиши пастки жағнинг кўтарилиш ва тушиш даражасига боғлиқ. Унли товушларни ҳосил қилишда пастки жағ туширилади, ундош товушларни ҳосил қилишда эса кўтарилади.

Шундай қилиб, нутқ товушларининг пайдо бўлиши ва турлича тусга киришиши ҳаракатланувчи нутқ органлари — актив органлар (товуш пайчалари, тил, лаб, юмшоқ танглай, пастки жағ) нинг ишига боғлиқдир.

§ 6. Артикуляционная база. Артикуляцион база.

Нутқ аппарати товушларни вужудга келтиради. Ҳар бир товушнинг ўзига хос артикуляцияси бор. Бу кўникма адабий тилда сўзлашувчи ҳамма кишиларга хос бўлиб, унинг йиғиндиси *артикуляцион база* номи билан юритилади.

Рус ва ўзбек тилларининг артикуляцион базаларида жид-

дий фарқлар мавжуд. Бу фарқларни умумий тарзда тубандагича кўрсатиш мумкин.

1. Рус тилида лабнинг ҳаракати натижасида *о* ва *у* товушлари вужудга келади. Ўзбек тилида эса *о* товушининг талаффузида (бу товуш яққа ҳолда турганда) лаб унча чўччаймайди. *О* фонемасининг лабланган ҳолати лаб ундошлари билан ёндош келганда, айниқса *в* товуши билан ёнма-ён келганда содир бўлади.

Ўзбек тилидаги *у* товушининг талаффузида лаб, рус тилидаги *у* талаффузига нисбатан, кучсизроқ ҳаракат қилади. Бунинг натижасида нутқ жараёнида *у* товуши лабсизланиб, *и* товушига ўтади; *у* товушининг лабланмаган ҳолати ўзбек жонли тилида учрайди.

Ўзбек тилидаги лабланган *ў* унлиси рус тилида учрамайди.

2. Ўзбек тилидаги *и*, *у* унлилари ўз артикуляцион хусусиятларига кўра, рус тилидаги ўша товушларга нисбатан бир қадар қисқа ва тез талаффуз қилинади. Ўзбек тили артикуляцион базасидаги бу хусусиятни рус тилини ўрганаётган кишилар баъзан рус тилидаги *и*, *у* унлиларига ҳам татбиқ қиладилар. Натижада *директор* ўрнига *дректор* каби талаффуз қилинади.

3. Актив нутқ органларининг ҳаракатига боғлиқ бўлган қаттиқ ва юмшоқ ундошлар рус тилида мустақил фонема сифатида сўз маъноларини фарқлайди (масалан: *угол* — бурчак, *уголь* — кўмир каби). Бу ҳодиса рус тили артикуляцион базасининг характерли хусусиятларидан биридир.

Рус тилида ундошлар қаттиқлик ёки юмшоқлик белгисига кўра ўз жуфтларига эгадир: *б — бь*, *в — вь*, *г — гь*, *д — дь*, *з — зь*, *к — кь*, *л — ль* каби. Лекин баъзи ундошлар бу хусусиятга эга эмас, масалан *ж*, *ш*, *ц* товушлари ҳамма вақт қаттиқ, *ч* товуши эса барча ҳолларда юмшоқ бўлади.

Ўзбек тилидаги *қ — қ*, *ғ — ғ*, *х — х* қарама-қарши жуфт ундошлари эса ўзларининг хусусиятларига кўра тамомила бошқа товушлардир.

4. Ўзбек тилидаги тил орқа ундош товушлар (*қ*, *ҳ*, каби) рус тили артикуляцион базасига хос эмас.

Агар ўзбек адабий тилидан фарқ қиладиган ўзбек шева-ларини ҳам эътиборга олсак, рус ва ўзбек артикуляцион базаларидаги фарқ янада кўпаяди.

§ 7. Звук и фонема. Товуш ва фонема.

Товушни фонемадан фарқ қилмоқ керак. Фонема — бу фақат нутқ товушидир.

Фонема сўз маъноларини ифодалаш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган нутқ товушидир. Масалан, русча *стол* ва *стул*, ўзбекча *қўл* ва *қул* сўзларини товуш состави жиҳатидан қиёс қилганимизда, *стол* — *стул* сўзларининг тўрт товушдан, *қўл* — *қул*

сўзларининг эса уч товушдан иборат эканлигини кўрамиз. Агар *стол* сўзида *о* ни *у* билан ёки *қўл* сўзида *ў* ни *у* билан алмаштирадиган сўзнинг маъноси ўзгариб кетади. Демак, мисолларда *о* ва *у*, *ў* ва *у* товушлари сўз маъноларини фарқлайди, яъни мустақил фонема сифатида ишлатилади.

Тилда асосий фонемалардан ташқари, уларнинг вариантлари (товуш ўзгаликлари) ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек адабий тилидаги *и* фонемаси жонли талаффузда ҳар хил ўзгаликка эга бўлиши мумкин. *Ишлади, билди, сингиси* каби сўзлардаги *и* товушининг талаффузига эътибор қилсак, бу товушнинг биринчи бўғиндаги талаффузи охириги бўғиндаги талаффуздан фарқ қилганлигини кўрамиз. *Қил, ғишт, хилма-хил* сўзларидаги *и* товушининг талаффузи ҳам юқоридаги *ишлади, билди, сингиси* сўзларидаги *и* товушининг талаффузидан сезиларли даражада фарқ қилади. Лекин талаффуздаги бу фарқлар ўзбек ёзувида ўз аксини топмаган ва ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг ўзaro алоқаларига (бир-бирларини тушунишига) тўсиқ бўла олмайди. Биз ўзбек адабий тилидаги биргина *и* фонемаси ҳақида сўз юритиб, унинг талаффуздаги ўзгаликларини вариант сифатида қарамоқдамиз.

Рус тилидаги қаттиқ ва юмшоқ жуфт ундошлар сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилади, масалан: *мел* (бўр) ва *мель* (саёзлик, саёз жой), *шест* (хода, узун ёғоч) ва *шесть* (олти) каби. Бунда сўз охиридаги қаттиқ *л* ва *т* ҳамда юмшоқ *ль* ва *ть* товушларининг ҳар бири мустақил фонемадир. Лекин ўша сўзлардаги *е* товушининг талаффузи бир хил эмас: *шест* сўзидаги *е* товуши *шесть* сўзидаги *е* товушдан фарқ қилади. Аммо бунга асосланиб рус тилида бир-биридан фарқ қиладиган икки хил *е* фонемаси бор деб айтишга асос йўқ. Чунки биринчи сўзда бир қадар кенг, иккинчисида эса бирмунча тор ҳолатга эга бўлган *е* товуши маъно фарқлаш вазифасини бажармайди, балки ёндош ҳолатда келган қаттиқ ва юмшоқ *т* ва *ть* ундошларининг таъсирида икки хил ўзгаликка эга бўлади.

Ҳар бир тилнинг фонемалар системаси сифат ва миқдори жиҳатидан бир хил эмас, бир тилда фонемалар кўпроқ, иккинчи тилда эса озроқ бўлиши мумкин.

Аммо муайян бир адабий тилнинг фонемалари маълум миқдор ва сифатга эгадир. Булар ёзувда ҳарфлар орқали ифодланади.

§ 8. Звук и буква. Товуш ва ҳарф

Товушни ҳарф билан аралаштириш ярамайди. Товушни биз талаффуз қиламиз ва эшитамиз, ҳарфни эса ёзамиз ва кўрамиз.

Ҳар бир ҳарф, асосан, бир мустақил фонеманинг ёзувдаги белгисидир. Аммо баъзан айрим ҳарфлар икки фонемани ифодалаш ҳам мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек ёзувида *дж* ва

ж фонемалари бир ж ҳарфи билан ифодаланади: 1) *жуда* сўзидаги каби бириккан ҳолда талаффуз қилинадиган *д* ва *ж* товушларини (бу портловчи қоришиқ товуш) ва 2) *журнал* сўзидаги *ж* каби сирғалувчи товушни ифодалайди.

Русча *щ* ҳарфи ўзбек алфавитида йўқ — бу ҳарф *шч* бирикмаси орқали берилади. Шунингдек, русча *ы* ҳарфи ҳам йўқ — бу ҳарф ўзбек ёзувида барча ўринларда *и* ҳарфи билан алмаштиради.

Тўртта ҳарф (*е, ё, ю, я*) ёлашган товушларни, яъни $e = \dot{й} + \dot{э}$, $\dot{ё} = \dot{й} + \dot{о}$, $\dot{ю} = \dot{й} + \dot{у}$, $\dot{я} = \dot{й} + \dot{а}$ типидagi товушлар бирикмасини ифодалаш учун қўлланилади.

Демак, нутқ товушларини ёзувда ифодалаш учун хизмат қиладиган шартли белгилар **ҳарфлар** дейилади.

Одатда ҳарфлар маълум тартибда (алфавит тартибида) берилади.

§ 9. Русский алфавит. Рус алфавити.

Рус алфавити қуйидаги ўттиз уч ҳарфдан иборат:

Аа, Бб, Вв, Гг, Дд, Ее, Ёё, Жж, Зз.
 а бэ вэ гэ дэ е ё жэ зэ

Ии, Йй, Кк, Лл, Мм, Нн, Оо, Пп, Рр,
 и й ка эль эм эн о п эр

Сс, Тт, Уу, Фф, Хх, Цц, Чч, Шш, Щщ,
 эс тэ у эф ха цэ че ша ща

Ъ, Ы, Ь, Ээ, Юю, Яя,
 айириш юмшатиш
 белгиси ы белгиси э ю я

Кўрсатилган ўттиз уч ҳарфдан олтитаси — *а, о, и, у, э, ы* — унли фонемаларни, тўрттаси — *е, ё, ю, я* — товушлар бирикмасини, *й* — ярим унли, *ъ* — айириш белгисини, *ь* — юмшатиш белгисини, қолган йиғирматаси ундош товушларни ифодалайди.

§ 10. Слог. Бўғин.

Бир нафас билан айтилган бир ёки бир неча товуш бирикмаси **бўғин** деб аталади.

Рус тилида бўғин унли товушнинг иштироки билан тузилади; ёлғиз ундош товушлардан бўғин тузилмайди.

Сўзнинг унли товуши қанча бўлса, бўғини ҳам шунча бўлади, яъни ҳар бир унли товуш алоҳида бўғин ҳосил қилади.

Унли товуш билан тугаган бўғин **открытый слог** — очик бўғин, ундош товуш билан тугаган бўғин **закрытый слог** — ёпиқ бўғин деб аталади.

Рус тилида сўзлар бир, икки, уч ва ундан ортиқ бўғиндан иборат. Бўғинлар қуйидагича тузилиши мумкин:

1. Бир унли товушдан — *а, и*.
2. Ундош + унли — *та, но*.
3. Ундош + унли + ундош — *так, мой*;
4. Ундош + ундош + унли — *бро-сить, кни-га*.
5. Ундош + ундош + унли + ундош — *знать, брать*.
6. Ундош + унли + ундош + ундош — *мозг, лист*.
7. Ундош + ундош + ундош + унли — *се-стра*.
8. Ундош + унли + ундош + ундош + ундош — *дарст (государ-ство сўзида)*.
9. Ундош + ундош + ундош + ундош + унли — *встре-ча*.
10. Ундош + ундош + ундош + ундош + унли + ундош — *встреч (встречный сўзида)*.

§. 11. Ударение. Урғу.

Сўз ичидаги бўғинлардан бирининг бошқа бўғинларга қараганда кучлироқ айтилиши, яъни сўз бўғинларининг биттасида ун (овоз) кучайиб, нисбатан кучлироқ айтилиш ҳодисаси **урғу** деб аталади.

Урғу тушган бўғин — урғули бўғин — **ударный ёки ударяемый слог**, қолганлари эса — урғусиз бўғин — **безударный ёки неударяемый слог** дейилади. Урғу (‘) белгиси билан кўрсатилади.

Ўзбек тилида урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади. Шунга кўра сўзларга ясовчи ёки турловчи аффикс қўшилганда урғу ҳам кўпинча сўз ўзагидан аффиксларга, яъни сўзнинг охириги бўғинига кўчади, масалан: *қишлоқ, қишлоқлар, қишлоқларда; ўртоқ, ўртоқлар, ўртоқларга* каби.

Рус тилида эса урғунинг муайян ўрни йўқ. Турли сўзларда урғу турли бўғинларга тушиши мумкин. Сўзнинг ўзгаришига қараб, урғу ҳам бир бўғиндан бошқа бўғинга кўчиши мумкин, масалан: *ход, ходитъ, ходит*.

Баъзан урғунинг бир бўғиндан бошқа бўғинга кўчиши билан: а) сўзнинг маъноси ўзгаради, масалан: *замок (қулаф) — замок (қалъа), мука (ун) — мўка (азоб)*;

б) сўзнинг грамматик формаси ўзгаради, масалан: *зёмли — землі, вóды — воды*.

Боғловчи, кўмакчи ва юкламалар одатда урғусиз бўлади. Баъзан эса урғу отдан олдин келган олд кўмакчига ўтиши мумкин, масалан: *на пол, на гору* каби.

§ 12. Гласные звуки. Унли товушлар.

Оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиқликка учрамай, ун (овоз) билан айгиладиган товушлар **унлилар** деб аталади.

Тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг чўччайиши билан оғиз бўшлиғининг ҳажми ўзгаради. Шу билан бирга, унлиларнинг ҳар бири ўзига хос тус олади.

Рус тилида унли товушларни ёзувда ифода этиш учун қуйидаги 10 ҳарф ишлатилади: *а, я, и, ы, э, е, о, ё, у, ю*.

§ 13. Классификация гласных звуков. Унли товушларнинг таснифи.

Унли товушлар: а) тилнинг ҳолатига ва б) лабнинг вазиятига қараб текширилади.

1. Унлилар тилнинг танглай томонга кўтарилиш ўрнига кўра қуйидагичадир:

а) олдинги қатор (тил олди) унлилар: *э, и;*

б) ўрта қатор (тил ўрта) унлилар: *а, ы;*

в) орқа қатор (тил орқа) унлилар: *о, у.*

Олдинги қатор унлиларни талаффуз қилишда тилнинг олд қисми қаттиқ танглай томонга кўтарилади. Орқа қатор унлиларни талаффуз қилишда эса тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томонга кўтарилади.

2. Тилнинг кўтарилиш даражасига кўра (яъни оғизнинг очилиш даражасига қараб) унлилар қуйидагичадир:

а) юқори кўтарилиш унлилари ёки тор, ёпиқ унлилар, масалан: *у, и, ы;*

б) ўрта кўтарилиш унлилари ёки ўрта кенг унлилар, масалан: *о, э;*

в) қуйи кўтарилиш унлилари ёки кенг, очиқ унлилар, масалан: *а.*

3. Лабнинг вазиятига кўра унлилар қуйидагича бўлади:

а) лабланган;

б) лабланмаган.

Лабланган унлиларни талаффуз қилишда лаблар олдинга қараб чўзилади (чўччаяди). Лабларнинг бу ҳолати лабланиш (лабиализация) дейилади.

Лабланмаган унлиларни талаффуз қилишда лабларнинг иштироки пассив бўлади.

Лабланган унлилар — *у, о*; лабланмаган унлилар — *и, ы, э, а.*

§ 14. Таблица гласных звуков. Унли товушларнинг жадвали.

По месту подъёма языка Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра	Передние Тил олди унлилари	Средние Тил ўрта унлилари	Задние Тил орқа унлилари
Верхнего подъёма. Юқори кўтарилиш унлилари (ёки узкие — тор унлилар).	<i>и</i>	<i>ы</i>	<i>у</i>
Среднего подъёма. Ўрта кўтарилиш унлилари (ёки средние — ўрта-кенг унлилар).	<i>э</i>	—	<i>о</i>
Нижнего подъёма. Қуйи кўтарилиш (ёки широкие — кенг унлилар).	—	<i>а</i>	—

§ 15. Произношение гласных звуков.
Унли товушларнинг талаффуз этилиши.

Рус тилида унли товушларнинг талаффузи урғуга боғлиқ. Урғули бўғинларда унлилар аниқ талаффуз этилади, урғусиз бўғинларда эса аниқ талаффуз этилмайди.

§ 16. Гласный *а*. *А* унлиси.

Рус тилида *а* унлиси — кенг, лабланмаган товуш. Бу товуш ўзбекча *ватан* сўзидаги *а* унлисига яқинроқдир.

А унлиси урғусиз бўғинларда турлича талаффуз этилади:

1) *ч, щ, ж*, ҳарфлари бўлмаган сўзларда *а* унлиси ундошлардан кейин *ы* ва *а* товушлари орасидаги бир товуш каби эшитилади, масалан:



3-расм. Русча *а* унлисининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати.

Этилади:

сапогі
самовáр
са́хар

Талаффуз этилади

сытагі
сымава́р
са́хыр

Бу ҳодиса урғудан олдин ва урғудан кейин келган бўғинлардагина кўринади.

2) *ч, щ, ж* ундошларидан кейин *а* унлиси *и* ёки *ы* товушларига яқинроқ бир товуш сингари айтилади:

а) *ч, щ* ундошларидан кейин *и* га яқинроқ, масалан:

Ёзилади:
часы́
часовщи́к

Талаффуз этилади:
чисы́
чисавщи́к

б) *ж, ш* ундошларидан кейин *ы* га яқинроқ, масалан:

Ёзилади:
пожалёл

Талаффуз этилади:
пыжылёл каби.

Юмшоқ ундошлардан кейин *а* товуши ёзувда *я* ҳарфи билан ифода этилади.

§ 17. Гласный *о*. *О* унлиси.

Рус тилида *о* товуши лабнинг бир оз чўччайиши билан ҳосил бўлади.


О унлиси урғусиз бўғинларда қуйидагича талаффуз этилади:

1) сўз бошида ва урғули бўғинлардан олдин келган урғусиз бўғинларда *а* сингари айтилади:

а) сўз бошида:

Ёзилади:
оте́ц
они́
охотник
обе́д

Талаффуз этилади:
атéц
анí
ахотник
абéт



4-расм. Русча *о* унлисининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати.

б) урғули бўғинлардан олдин келган урғусиз бўғинларда:

Ёзилади:
дрова́
вода́

Талаффуз этилади:
дравá
вада́

в) *ы* ва *а* унлилари орасидаги бир товушни билдиради:

Ёзилади:
городо́к

Талаффуз этилади:
гырадо́к

Юмшоқ ундошлардан кейин *о* товуши ёзувда *ё* ҳарфи билан ифода этилади.

§ 18. Гласный э (е). Э (е) унлиси.

Э унлисини талаффуз қилишда тилнинг ўрта қисмига кўтарилиб, олдинга ҳаракат қилади.

Рус тилида э ҳарфи сўз бошида, унли товушлар урғу билан ишлатилади:

а) сўз бошида: *это, эти;*

б) урғу билан унли товушлардан кейин: *поэма, по...*

Юмшоқ ундошлар орасида ёки юмшоқ ва қаттиқ ундошлар орасида келганда э товуши рус орфографиясида *е* ҳарфи воситаси билан ифодаланади:

а) икки юмшоқ ундош орасида:

Ёзилади:

семь

день

Талаффуз этилади:

сьэмь

дэнь

б) юмшоқ ва қаттиқ ундошлар орасида:

Ёзилади:

дэло

нет

Талаффуз этилади:

дэ́ло

нэ́т

Сўз бошида эса *е* ҳарфи й-лашган товушдир.

§ 19. Гласный у. У унлиси.

Рус тилидаги *у* унлиси тил орқа, лабланган товушни ифодалайди. Уни талаффуз қилишда тилнинг орқа қисми юқорига кўтарилиб, орқа томонга тортилади.

Ўзбек тилидаги *у* товуши рус тилидаги *у* товушига қараганда қисқароқ талаффуз этилади.

Юмшоқ ундошлардан кейин *у* товуши ёзувда *ю* ҳарфи воситаси билан ифода этилади.



5-расм. Русча *у* ва *о* унлиларининг талаффуз этилиши-да тилнинг ҳолати:

Русча *у* _____ Русча *о* . . .

§ 20. Гласный и. И унлиси.

Унли *и* товуши — тил олди, лабланмаган товуш. Бу товуш талаффуз қилинганда тилнинг ўрта қисми юқорига кўтарилиб, олдинга ҳаракат қилади.

Ўзбек тилидаги *и* товуши рус тилидаги *и* товушига нисбатан қисқароқ талаффуз этилади (акустик хусусият-



6- расм. Русча *и* ва ўзбекча *и* унлиларининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати:
Русча *и* Ўзбекча *и* —



7- расм. Русча *и* ва *ы* ҳам ўзбекча *и* унлиларининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати:
Русча *ы* Русча *и*
. Ўзбекча *и* —

лари жиҳати билан рус тилидаги *и* ва *ы* товушлари орасидаги бир товушни билдиради).

§ 21. Гласный *ы*. *Ы* унлиси

Ы унлиси — тил орқа, лабланмаган товуш. Бу товуш талаффуз қилинганда тилнинг орқа қисми юқорига кўтарилиб, орқага тортилади.

Ўзбек тилида чуқур тил орқа ундошлари *қ*, *ғ* билан бирга желган *и* унлиси (мас: *қирқ*, *қиз*, *ғижим*, *ғишт* каби сўзларда) русча *ы* га яқин бир товушни билдиради.

Ы унлиси сўз бошида ишлатилмайди.

§ 22. Употребление *е, ё, ю, я*.

Е, ё, ю, я ҳарфларининг ишлатилиши.

Рус тилида *е, ё, ю, я* ҳарфлари икки вазифада ишлатилади:


1) сўз бошида, қаттиқлик (*ъ*) ва юмшоқлик (*ь*) белгиларидан сўнг, ёки сўз ўртасида унли товушлардан кейин *й*-лашган товуш бўлиб, *я* — *й* билан *а*, *е* — *й* билан *э*, *ё* — *й* билан *о*, *ю* — *й* билан *у* товушларини ўз ичига олган, лекин ажратилмай айтиладиган бир товушни билдиради:

я — *йа*: *яма* — *йама*, *моя* — *мойа*, *объявление* — *обйавлэние*, *Илья* — *Ильйа*, *пояс* — *пойас*, *линия* — *линийя*;

е — *йэ*: *ем* — *йэм*, *мойё* — *мойэй*, *еду* — *йэду*, *знаёт* — *знэйэт*, *читает* — *читэйэт*, *свел* — *сйэл*;

ё — *йо*: *ёлка* — *йёлка*, *моё* — *мойё*, *ружьё* — *ружьйё*, *поёт* — *пойёт*, *встаёт* — *встайёт*;

ю — *йю*: *юг* — *йюг*, *мою* — *мойю*, *знаю* — *знэйю*, *читаю* — *читэйю*;



2) ундош товушлардан сўнг келиб, ўзидан олдин келган ундош товушнинг юмшоқ эканини кўрсатади ва *а, э, с, у*, яъни асосий товуш (фонема) тарзида талаффуз қилади:

я: ряд — рьад, мясо — мьясо, пять — пьят, пьеса — пьэсна;

е: лето — льэто, ветер — вьэтер, ледный — льэдный;

ё: села — сьёла, зовёт — завьёт, вёз — вьёз;

ю: люди — льюди, ключ — кльуч, сюда — сьудá.

§ 23. Согласные звуки. Ундош товушлар.

Оғиз бўшлиғида бирор тўсиқликка учраб чиқадиган ва шовқин билан айтиладиган товушлар **ундошлар** дейилади. Ундошлар талаффузида, оғиз бўшлиғида ҳосил бўладиган тўсиқликнинг ҳар хил бўлишига кўра, шовқин ҳам ҳар хил бўлади.

Рус тилида ундош товушларни ёзувда ифода этиш учун қуйидаги 20 та ҳарф ишлатилади: *б, в, г, д, ж, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, щ.*

§ 24. Классификация согласных звуков.

Ундош товушларнинг таснифи.

Ундошлар одатда пайдо бўлиш ўринлари ва пайдо бўлиш усулларига қараб қуйидагича группаланadi:

а) товуш пайчаларининг ҳаракат ва ҳолатига қараб — жарангли ва жарангсиз товушларга;

б) нутқ органлари иштирокига қараб — лаб, тил олди, тил ўрта, тил орқа товушларига;

в) пайдо бўлиш усулига қараб — портловчи, сирғалувчи, титроқ, қоришиқ товушларга бўлинади.

§ 25. Звонкие и глухие согласные.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар.

Товуш пайчаларининг ҳаракат ва ҳолатига кўра ундошлар жарангли ёки жарангсиз бўлади.

Жарангли ундошларни ҳосил қилишда товуш пайчалари таранглашади ва улар ўртасидаги тор оралиқдан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини бир оз титратиб ўтади. Масалан: *б, в, з, д* каби.

Жарангсиз ундош товушларни ҳосил қилишда эса товуш пайчалари таранглашмайди ва улар ўртасидаги кенг оралиқдан чиқаётган ҳаво оқими ҳеч қандай тўсиқсиз, товуш пайчаларини титратмай ўтади. Масалан: *п, ф, с, т, ш* каби.

Фақат шовқиндангина иборат бўлган товушлар жарангсиз ундошлар, шовқинга овоз қўшилишидан ҳосил бўлган товушлар эса жарангли ундошлар дейилади. Баъзан ундошларнинг ҳосил бўлишида овоз шовқинга нисбатан устунлик қилади. Бундай ундошлар сонорлар дейилади.

Звонкие согласные Жарангли унд ошлар	<i>л, м, н, р</i>	<i>б, в, г, д, ж, з</i>	
Глухие согласные Жарангсиз ундошлар		<i>п, ф, к, т, ш, с</i>	<i>х, ц, ч, щ</i>

Рус тилида *л, м, н, р* товушларининг жуфт жарангсизлари йўқ, *х, ц, ч, щ* товушлари учун эса жуфт жарангли товушлар йўқ.

Жарангли товушлар талаффузда жарангсизланиши мумкин.

1) Жарангли ундош сўз охирида келганда жарангсизланади, масалан:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
<i>лоб</i>	<i>лоп</i>
<i>хлеб</i>	<i>хлеп</i>

2) Жарангли ундош жарангсиз товуш олдида келганда жарангсизланади, масалан:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
<i>сосёдка</i>	<i>сасётка</i>
<i>впереді</i>	<i>фпереді</i>

Жарангли ундош товушлардан илгари келган (*в, л, м, н, р* товушларидан ташқари) жарангсиз ундош товушлар жарангли товушга айланади, масалан:

Ёзилади:	Талаффуз этилади:
<i>сдѣлать</i>	<i>здѣлать</i>
<i>прóсьба</i>	<i>прóзьба</i>

Ш, ж, ц, ч ва *с, з, ц* товушлари талаффуз қилинганда ўзига хос оҳанги (яъни пишиллаш, вишиллаш ёки чийиллаш, шувуллаш, ғувуллаш кабиларга ўхшаган овоз) борлигига кўра, уларни шипящие — шпилдоқ (*ш, ж, ц, ч*) ва свистящие — сипилдоқ (*с, з, ц*) ҳам дейилади.

§ 26. Губные и язычные согласные. Лаб ва тил ундошлари.

Упкадан чиқаётган ҳаво оқими нутқ органларининг қаерида тўсиққа учраши натижасида товуш ҳосил қилишига қараб, ундошлар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) губные согласные — лаб ундошлари;
- 2) язычные согласные — тил ундошлари.

§ 27. Губные согласные. Лаб ундошлари.

Лаб ундошларини ҳосил қилишда жипс лаблар ҳаво оқининг зарби билан очилади. Лаб ундошлари пастки лабнинг юқори лаб ёхуд тишларга жипслашуви ёки яқинлашувига кўра икки турли бўлади:

1) лаб-лаб ундошлари — икки лаб орасида портлаш йўли билан ҳосил бўлади, масалан: *б, п*;

2) лаб-тиш ундошлари — пастки лаб билан юқори тишлар орасида ҳосил бўлади, масалан: *в, ф* каби.

Губные согласные. Лаб ундошлари.

Губно- губные согласные Лаб- лаб ундошлари		Губно-зубные согласные Лаб-тиш ундошлари	
Твёрдые Қаттиқ	Мягкие Юмшоқ	Твёрдые Қаттиқ	Мягкие Юмшоқ
<i>б</i>	<i>бь</i>	<i>в</i>	<i>вь</i>
<i>п</i>	<i>пь</i>	<i>ф</i>	<i>фь</i>
<i>м</i>	<i>мь</i>		

§ 28. Язычные согласные. Тил ундошлари.



8-расм. Тил олди ундошларининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати: _____ сиргалувчи ундошлар - - - -

Тил ундошлари қуйидагича:

а) тил олди ундошлари. Булар тил учи ва олд қисмининг юқори тиш ёки милкка томон ҳаракат қилиши натижасида ҳосил бўлади, масалан: *т, д, с, з, ш, ж, ч, н, л, р* каби;

б) тил ўрта ундоши. Бу товуш гил ўрта қисмининг танглайга яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади, масалан: *й*;

в) тил орқа ундошлари. Булар тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга жипслашиши ёки яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади, масалан: *к, г, х*.

Переднеязычные Тил олди ундошлари		Среднеязычный Тил ўрта ундоши	Заднеязычные Тил орқа ундошлари	
Твёрдые Қаттиқ	Мягкие Юшкоқ	Мягкие Юшкоқ	Твёрдые Қаттиқ	Мягкие Юшкоқ
д	дв	й	г	гв
т	тв		к	кв
з	зв		х	хв
ж	—			
с	св			
ш	—			
ц	—			
—	ч			
л	лв			
н	нв			
р	рв			

**§ 29. Деление согласных по способу образования.
Ундошларнинг пайдо бўлиш (айтилиш) усулларига кўра
бўлиниши.**

Пайдо бўлиш усулларига кўра ундош товушлар қуйидаги-ча бўлинади:



а) агар ҳаво жипслашган нутқ органларидаги тўсиқни ёриб, портлаш йўли билан чиқса, портловчи товушлар ҳосил бўлади. Бу портлаш нутқ органларининг турли ерида: юқори ва пастки лаб, тил ва тишлар, тил ва қаттиқ танглай, тил ва юшкоқ танглай орасида бўлиши мумкин: *б, н, д, т, г, к* каби;

б) нутқ органларининг бир-бирига жуда яқинлашиши натижасида ҳаво оқими чиқиши учун жуда тор оралиқ қолиб, ҳаво оқими ўзаро яқинлашган икки орган оралиғидан ишқалиб ўтса, сирғалувчи товушлар пайдо бўлади: *ф, в, с, з, ш, ж* каби;

в) пайдо бўлиш ўрнига кўра нутқ органларининг асосан бир ерида ҳосил бўлган бир портловчи ва бир сирғалувчи товушни ўз ичига олган ва ажратилмай айтиладиган қоришиқ товушлар бир фонемани билдиради: *ч (тш), ц (тс)*;

г) ҳаво оқимининг бурун бўшлиғи орқали эркин ўтиши натижасида бурун товушлари ҳосил бўлади: *м, н*;

д) ҳаво оқими тилнинг ёнидан ўтиши натижасида ён товуш (*л*), тил учининг қаттиқ танглайга мунтазам урилиб туришидан титроқ товуш (*р*) ҳосил бўлади.



9-раем. *н* товушининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати.

10-расм. *л* ундошининг талаффуз этилишида тилнинг ҳолати:

Русча *л* — Ўзбекча *л* Русча *ль*

Деление согласных по способу образования.

Ундошларнинг ҳосил бўлиш усулларига кўра бўлиниши.

Смычные Портловчи ундошлар	Щелевые Сирғалувчи ундошлар	Слитные Қоришиқ ундошлар	Носовые Бурун товушлари	Боковые Ён товушлар	Дрожание Титроқ товушлар
			Сонорные Сонор. товушлар		
<i>б — бь</i>	<i>в — вь</i>	<i>ц</i>	<i>м — мь</i>	<i>л — ль</i>	<i>р — рь</i>
<i>н — нь</i>	<i>ф — фь</i>				
<i>д — дь</i>	<i>з — зь</i>	<i>ч</i>	<i>н — нь</i>		
<i>т — ть</i>	<i>с — сь</i>				
	<i>ж</i>				
<i>г — гь</i>	<i>ш</i>	<i>щ</i>			
<i>к — кь</i>	<i>й</i>				
	<i>х — хь</i>				

§ 30. Твёрдые и мягкие согласные звуки. Қаттиқ ва юмшоқ ундош товушлар.

Рус тилида *б, в, г, д, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х* ундошлари гоҳ қаттиқ, гоҳ юмшоқ бўла олади, *ж, ш, ц* ундошлари доим қаттиқ, *ч, щ* ундошлари эса доим юмшоқ бўлади.

Твёрдые согласные Қаттиқ ундошлар	<i>ж, ш, ц</i>	<i>б, в, г, д, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х</i>	
Мягкие согласные Юмшоқ ундошлар		<i>бь, вь, гь, дь, зь, кь, ль, мь, нь, нь, рь, сь, ть, фь, хь</i>	<i>ч, щ</i>

Ундош товушларнинг юмшоқ эшитилиши ёзувда турлича кўрсатилади:

1) сўз охирида ундош товушнинг юмшоқ айтилиши юмшатиш белгиси (*ь*) билан кўрсатилади, масалан: *ўгол — бурчак, ўголь — кўмир*.

Угол сўзида *л* қаттиқ (ўзбек тилидаги *қўл, қол* сўзларидаги *л* каби), *ўголь* сўзида эса *л* юмшоқдир (ўзбек тилидаги *кел, эл, тулки* сўзларидаги *л* каби);

2) қаттиқ ундош товушлардан илгари келган товушларнинг юмшоқлиги ҳам *ь* билан кўрсатилади, масалан: *только, больно́й*;

3) *а, у, о, э* унли товушларидан илгари келган ундош товушларнинг юмшоқлиги *я, ю, ё, е* ҳарфлари билан ифодаланади, масалан: *воз — юк* (арава); *вёз — олиб бораётган эди*; *воз* сўзида *в* қаттиқ, *вёз* сўзида эса *в* юмшоқдир;

4) *и* унлиси олдида келган ундошлар доимо юмшоқ, масалан: *сито* (элак), *бил* (урди);

5) *ы* унли товушидан олдин келган ундошлар доимо қаттиқ талаффуз этилади, масалан: *сытый* (тўқ), *был* (бўлади).

§ 31. Долгие согласные звуки. Чўзиқ ундош товушлар.

Ёзувда қатор келган бир хил икки ундош одатда чўзиброқ айтилади, масалан: *ка́сса, ва́нна, то́нна* каби.

Бир хил бўлмаган икки ундошнинг бирикуви натижасида ҳам баъзан чўзиқ ундош пайдо бўлиши мумкин, масалан:

Ёзилади:

разжа́ть
ши́ть
отце́плять

Талаффуз этилади:

разжа́ть
ши́ть
отце́плять каби

§ 32. Таблица согласных звуков. Ундош товушларнинг жадвали.

По месту образования Пайдо бўлиш ўрнига кўра		Губные Лаб ундошлари						Язычные Тил ундошлари					
		Губно-губные Лаб-лаб ундошлари			Губно-зубные Лаб-тиш ундошлари			Переднеязычные Тил олди ундошлари		Среднеязычные Тил ўрта ундошлари		Заднеязычные Тил орқа ундошлари	
		Твёрдые	Мягкие	Юмшоқ	Твёрдые	Мягкие	Юмшоқ	Твёрдые	Мягкие	Юмшоқ	Твёрдые	Мягкие	Юмшоқ
		Қаттиқ	Мягкие	Юмшоқ	Қаттиқ	Мягкие	Юмшоқ	Қаттиқ	Мягкие	Юмшоқ	Қаттиқ	Мягкие	Юмшоқ
Смычные Портловчи ундошлар	Звонкие Жарангли	б	бь	—	—	д	дь	—	г	гь	—	—	
	Глухие Жарангсиз	п	пь	—	—	т	ть	—	к	кь	—	—	
Щелевые Сирғалувчи ундошлар	Звонкие Жарангли	—	—	в	вь	з	зь	й	—	—	—	—	
	Глухие Жарангсиз	—	—	ф	фь	с	сь	—	х	хь	—	—	
Слитные Қоришқ ундошлар	Глухие Жарангсиз	—	—	—	—	ц	ч	—	—	—	—	—	
Смычно-проходные Портловчи-сирғалувчи ундошлар	Боковые Ён товушлар	—	—	—	—	л	ль	—	—	—	—	—	
	Носовые Бурун товушлари	м	мь	—	—	н	нь	—	—	—	—	—	
Дрожащие Тигроқ товушлар		—	—	—	—	р	рь	—	—	—	—	—	

§ 33. Выпадение согласных. Ундош товушларнинг тушиб қолиши.

Баъзи бир товуш бирикмаларини талаффуз этганда айрим ундошлар тушиб қолиши мумкин, масалан: *здн, стн* товуш бирикмаларида *д* ҳамда *т* ундошлари талаффуз этилмайди:

Ёзилади:
праздник
устный

Талаффуз этилади:
празник
усный

Айрим сўзларда қаторасига келган икки ундошдан бири тушиб қолиши мумкин:

Ёзилди:

сoлнце

сёрдце

счастливый

здóрствуй

Талаффуз этилади:

сoнце

сёрце

счасливый

здóрствуй каби

§ 34. Правописание гласных после *ж, ч, ш, щ* и *ц*. **Ж, ч, ш, щ** ва **ц** товушларидан кейин келган унлиларнинг ёзилиши.

1) *ж, ч, ш, щ* товушларидан кейин *ы, ю, я* ўрнига *и, у, а* ёзилади. Чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзларда эса *ы, ю, я* сақланади, масалан: *жюри, брошюра, парашют* каби;

2) қуйидаги ҳолларда *ц* товушидан кейин *ы* ёзилади:

а) сўз охирида, масалан: *птицы, огурцы, Синицын*;

б) қуйидаги сўзларнинг ўртасида: *цыган, цыкать, цыплёнок*;

в) қолган сўзларда *ц* дан кейин *и* ёзилади: *цинга, цифра, цирк, цыркунь, социализм, лекция, паницирь*;

3) *ц* товушидан кейин урғу таъсирида *о* эшитилса, *о* ёзилади: *лицо, танцёр, овцой, цокать*. Урғу тушмаганда *е* ёзилади: *лицей, полотёнце*;

4) *ж, ч, ш, щ* товушларидан кейин урғу таъсирида *о* эшитилса, гоҳ *о*, гоҳ *ё* (*е*) ёзилади: *шов, шёлк* каби;

5) *ц* товуши қаттиқ бўлгани учун *ц* дан кейин атоқли отларда *ю* ва *я* ҳарфлари ёзилмайди. Улар чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзлардагина ёзилиши мумкин, масалан: *Цюрих*.

§ 35. Мягкий и твёрдый знаки. Юмшатиш ва айириш белгилари.

Талаффуз вақтида ундош товуш билан унли товушни қўшиб юбормаслик учун ёзувда айириш ва юмшатиш белгилари (*ъ, ы*) қўлланилади ва улар бу вақтда айириш белгилари деб аталади: *объявление, съезд, шью, пью*.

Айириш белгиси (*ъ*) *е, ё, ю, я* ҳарфлари олдидан ёзилади: *подъезд, подъём, предъюбилейный, двухъярусный*.

Юмшатиш белгиси (*ы*) ҳам юмшатиш, ҳам айириш вазифасини бажаради, солиштиринг: *конь, бью*. Мазкур белги *е, ё, и, ю, я* ҳарфларидан олдин келганда айириш вазифасини бажаради: *на камье, ружье, муравьи, шью, семья*.

Айириш белгиси (*ъ*) олд қўшимчалардан кейин ва қўшма сўзларнинг биринчи қисмидан кейин ёзилади; бошқа ҳолларда эса унинг ўрнига юмшатиш белгиси (*ы*) қўлланилади: *объехал, разъезд, в статье, статьяй, статью, статья*.

Айириш ва юмшатиш белгилари (*ъ, ы*) чет тиллардан ўтган баъзи бир сўзларда ҳам қўлланилади: *адъютант, объект, субъект, барьер*.

Чет тиллардан ўтнб қолган баъзи сўзларда айириш вазифасидаги юмшатиш белгиси (*ы*) *о* ҳарфи олдидан ёзилади: *батальон, павильон, почтальон*.

§ 36. Праволисание и произношение.
Имло ва талаффуз.

№ №	Буквы Ҳарфлар	Название букв Ҳарфлар- нинг номи	Пишется Ёзилди	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
1	Аа	а	<i>папа, мама сахар, само- вар часы</i>	1) <i>а</i> 2) ноаниқ <i>ы</i> каби 3) ноаниқ <i>и</i> каби	1) <i>папа, мама</i> 2) <i>сахыр</i> <i>сымавар</i> 3) <i>чисы</i>
2	Бб	бэ	<i>бабочка бабка</i>	1) қаттиқ <i>б ёки</i> <i>п</i> каби	<i>бабочка бапка</i>
			<i>белый голубь</i>	2) юмшоқ <i>б</i> <i>ёки пь</i> каби	<i>белый голубь</i>
3	В	вэ	<i>вагон лавка</i>	1) қаттиқ <i>в ёки</i> <i>ф</i> каби	<i>вагон лафка</i>
			<i>вьюн готовь</i>	2) юмшоқ <i>вь</i> <i>ёки ф</i> каби	<i>вьюн готофь</i>
4	Гг	гэ	<i>гусь</i>	1) қаттиқ <i>г ёки қаттиқ</i> <i>к, в</i> каби	<i>гусь</i>
			<i>снег этого</i>		<i>снег этого</i>
			<i>гитара гиря</i>	2) юмшоқ <i>гь</i>	<i>гитара гиря</i>
5	Дд	дэ	<i>дом сад</i>	1) қаттиқ <i>д ёки</i> <i>т</i> каби	<i>дом сат</i>
			<i>дядя редька</i>	2) юмшоқ <i>дь</i> <i>ёки ть</i> каби	<i>дядя = дьадья редька</i>

№ №	Буквы Ғарфлар	Название букв Ғарфлар- ның номи	Пишется Ёзилади	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
6	Ее	е	<i>песня</i> <i>день</i>	1) юмшоқ ун- дошлардан сўнг э каби	<i>пъэня</i> <i>дъэнь</i>
			<i>еду</i> <i>ель</i>	2) йэ каби	<i>йэду</i> <i>йэль</i>
			<i>село</i>	3) ноаниқ и каби	<i>сило</i>
			<i>железо</i>	4) ноаниқ ы каби	<i>жылезо</i>
7	Ёё	ё	<i>ёлка</i>	1) йо каби	<i>йолка</i>
			<i>самолёт</i>	2) юмшоқ ун- дошлардан кейин ьо каби	<i>самольот</i>
			<i>жёлтый</i>	3) о каби	<i>жолтый</i>
8	Жж	жэ	<i>журнал</i> <i>ножка</i>	фақат қаттиқ ж ёки ш каби	<i>журнал</i> <i>ношка</i>
9	Зз	зэ	<i>замок</i> <i>узкий</i>	1) қаттиқ з ёки с каби	<i>замок</i> <i>уский</i>
			<i>зима</i> <i>грязь</i>	2) юмшоқ зь ёки съ каби	<i>зима</i> <i>грязь</i>

№ №	Буква Харфлар	Название Букв Харфлар- нинг номи	Пишется Ёзилади	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
10	Ии	и	<i>вишня лист</i>	1) <i>и</i> каби	<i>вишня лист</i>
			<i>жизнь шило</i>	2) <i>ы</i> каби	<i>жызнъ шыло</i>
11	Йй	қисқа и	<i>май дай</i>	1) унлилардан кейин	<i>май дай</i>
			<i>яблоко ем</i>	2) сўз бошида унлилар билан бирга	<i>йяблоко йэм</i>
12	Ққ	ка	<i>книга такжэ</i>	1) қаттиқ <i>к</i> ёки <i>э</i> каби	<i>книга тажжэ</i>
			<i>кило кисель</i>	2) қаттиқ <i>к</i> каби	<i>кило кисель</i>
13	Лл	эль	<i>мэл лук</i>	1) қаттиқ <i>л</i> каби	<i>мэл лук</i>
			<i>мэль люк</i>	2) юмшоқ <i>ль</i> каби	<i>мэль льук</i>
14	Мм	эм	<i>мыло дом</i>	1) қаттиқ <i>м</i> каби	<i>мыло дом</i>
			<i>семья мясо</i>	2) юмшоқ <i>мь</i> каби	<i>семья [семья]</i> <i>мьасо</i>
15	Нн	эн	<i>нога нос</i>	1) қаттиқ <i>н</i> каби	<i>нага нос</i>
			<i>нитки книга</i>	2) юмшоқ <i>нь</i> каби	<i>нитки книга</i>
16	Оо	о	<i>дом</i>	1) <i>о</i> каби	<i>дом</i>
			<i>вода</i>	2) <i>а</i> каби	<i>вада</i>
			<i>водовоз</i>	3) нозниқ <i>ы</i> каби	<i>выдавос</i>

№ №	Букы Ҳарфлар	Название буква Ҳарфлар- нинг номи	Пишется Ёзилади	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
17	Пп	пэ	<i>пыль</i>	1) қаттиқ <i>п</i> каби	<i>пыль</i>
			<i>пилá</i>	2) юмшоқ <i>пъ</i> каби	<i>пила</i>
18	Рр	эр	<i>рыба</i>	1) қаттиқ <i>р</i> каби	<i>рыба</i>
			<i>грядка</i>	2) юмшоқ <i>ръ</i> каби	<i>грьатка</i>
19	Сс	эс	<i>сыр сделать</i>	1) қаттиқ <i>с</i> ёки <i>з</i> каби	<i>сыр зделать</i>
			<i>сила просьба</i>	2) юмшоқ <i>сь</i> ёки <i>зь</i> каби	<i>сила просьба</i>
20	Тт	тэ	<i>тот отбой</i>	1) қаттиқ <i>т</i> ёки <i>д</i> каби	<i>тот одбой</i>
			<i>тихо молотьба</i>	2) юмшоқ <i>ть</i> ёки <i>дь</i> каби	<i>тихо молотьба</i>
21	Уу	у	<i>зуб</i>	у	<i>зуп</i>
22	Фф	эф	<i>фамилия</i>	1) қаттиқ <i>ф</i> каби	<i>фамилия</i>
			<i>физика</i>	2) юмшоқ <i>фъ</i> каби	<i>физика</i>
23	Хх	ха	<i>хозяйство</i>	1) қаттиқ <i>х</i> каби	<i>хазяйство</i>
			<i>химия</i>	2) юмшоқ <i>хъ</i> каби	<i>химия</i>
24	Ци	цэ	<i>цанля цифра</i>	фақат қаттиқ талаффуз эти- лади	<i>цанля цифра</i>

№ №	Буква Ҳарфлар	Название букв Ҳарфлар- нинг номи	Пишется Ёзилди	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
25	Чч	че	<i>чабан чистый</i>	фақат ю- шоқ талаф- фуз этилади	<i>чабан чистый</i>
26	Шш	ша	<i>шило мешок</i>	фақат қат- тиқ талаф- фуз этилади	<i>шыло мешок</i>
27	Щщ	ща	<i>щётка вещь</i>	фақат ю- шоқ талаф- фуз этилади	<i>шььотка</i>
28	Ъ	(ер)	қаттиқлик белгиси— айириш белгиси	талаффуз этилмайди	объявление
29	Ы	(еры)	<i>сыр, дыня, дым, сын</i>	ўзбек тилида қ, ғ, х ун- дошлари би- лан бирга келган и ун- лиси каби талаффуз этилади	<i>сыр, дыня, дым, сын</i>
30	Ь	(ерь)	юмшатиш белгиси	талаффуз этилмайди	<i>камень, часть</i>
31	Ээ	э	<i>эта, этот, поэма, поэт</i>	сўз бошида ва урғу би- лан унли товушлардан кейин	<i>эта, этот поэма, поэт</i>

№ №	Буквы Харфлар	Название букв Харфлар- нинг номи	Пишется Ёзилади	Произносится Талаффуз этилади	Примеры Мисоллар
32	Юю	ю	<i>южный</i>	1) <i>йу</i> каби	<i>йужный</i>
			<i>люди</i>	2) юмшоқ ун- дошлардан кейин <i>у</i> каби	<i>льуди</i>
33	Яя	я	<i>яблоко</i>	1) <i>йа</i> каби	<i>йяблоко</i>
			<i>дядя</i>	2) юмшоқ ун- дошлардан кейин <i>а</i> каби	<i>дьядья</i>
			<i>лягушка</i>	3) ноаниқ <i>и</i> каби	<i>лигушка</i>

МОРФОЛОГИЯ

§ 37. Предмет и задачи морфологии. Морфологиянинг предмети ва вазифаси.

Морфология грамматиканинг бир қисми бўлиб, унинг ўрганиш объекти сўздир.


Морфология сўзларнинг ўзгариш қоидаларини, яъни сўзларнинг тусланиш ва турланишини текширади. Шу билан бирга, морфология сўзларнинг тузилишини ва сўз ясаш қоидаларини ҳам ўрганади.

Морфология сўзларнинг маълум белгилар асосида турли группаларга — сўз туркумларига бўлинишини ҳам текширади.

СОСТАВ СЛОВА. СЎЗНИНГ СОСТАВИ.

§ 38. Родственные слова. Қариндош сўзлар.

Умумий қисми бир хил ўзакдан иборат бўлган сўзлар қариндош сўзлар дейилади. Масалан: *охота, охотник, охотиться* каби. Келтирилган сўзларнинг умумий қисми *охот* бўлиб, шу асосий қисмдан урчиб чиққан ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бор. Яна мисол:



Демак, *рыба* сўзидан яна саккизта қариндош сўз (*рыба, рыбий, рыбный, рыбник; рыба́к, рыба́чий, рыба́цкий, рыба́чить; порыба́чить*) ясалган бўлиб, ҳар бири ўз маъносига эгадир.

§ 39. Корень слова. Сўзнинг ўзаги.

Барча қариндош сўзларнинг умумий қисми ўзак деб аталади; ўзак қисмларга бўлинмайди, масалан: *вод-а, вод-ный, под-вод-ный*; бу сўзларнинг ўзаги — *вод*.

Ўзак сўзнинг асосий лексик, яъни асл маъносини англатади.

§ 40. Окончание, суффикс, приставка. Тугаллик, суффикс, олд қўшимча.

Окончание. Тугаллик. Сўзларнинг бир-бирлари билан боғланишини кўрсатадиган турловчи қисм тугаллик (турловчи қўшимча) дейилади.

Суффикслар икки хил бўлади. а) ясовчи суффикслар ва б) турловчи суффикслар.

Ясама сўзнинг ўзагига янги маъно берувчи ва ўзакнинг охирига қўшилиб келувчи қисм ясовчи суффикс деб аталади. Турловчи суффикс грамматик формаларни яшаш учун ишлатилади.

Приставка. Олд қўшимча. Ясама сўзнинг ўзагига янги маъно берувчи ва ўзакнинг олд томонига қўшилиб келувчи қисм олд қўшимча дейилади.

§ 41. Основа. Негиз.

Сўзнинг тугалликсиз (турловчисиз) қисми негиз деб аталади.

Сўз составининг жадвали.

Основа Негиз			Окончание Тугаллик
Приставка Олд қў- шимча	Корень Ўзак	Суффикс	
<i>из</i>	<i>да́</i>	<i>тель- ств</i>	<i>о</i>
<i>из</i>	<i>да</i>		<i>ю́</i>
	<i>вод</i>		<i>а́</i>
<i>под</i>	<i>во́д</i>	<i>ник</i>	<i>и</i>
<i>на</i>	<i>во́д</i>	<i>н- ёни</i>	<i>е</i>

Сўз ўзагининг ўзидан иборат бўлган негиз — туб негиз (непроизводная основа, простая основа) дейилади, масалан: *вод-а* (негизи — *вод*), *рыб-а* (негизи — *рыб*).

Сўз ўзагига суффикс ва олд қўшимча қўшиш йўли билан ясалган негиз — ясама негиз (производная основа) дейилади, масалан: *бел-оват-ый* (негизи — *бел-оват-*), *при-нес-ли* (негизи — *при-нёс-*) каби.

§ 42. Чередование звуков в основах. Негизларда товушларнинг алмашинуви.

Сўзларнинг ясалишида (турланиш ва тусланишида) товушларнинг алмашинуви мумкин.

Ундош товушларнинг алмашинуви. Чередование согласных звуков.

г — ж — з: друг — дру́жба — друзья́;
г — ж: могу́ — мо́жешь;
к — ч: пеку́ — печёшь, рука́ — ру́чка;
х — ш: страх — стра́шный, у́хо — у́ши;
з — ж: нагрузи́ть — нагружа́ть, ни́зкий — ни́же, вози́ть —
вожу́;
с — ш: спроси́ть — спрошу́, носи́ть — ношу́;
д — т: води́ть — вожу́ — вожа́тый;
т — ч: свети́ть — свечу́, отве́тить — отве́чать;
т — щ: свет — освеще́ние, сократи́ть — сокраща́ть;
б — бл: сруби́ть — сру́бленный, люби́ть — люблю́;
п — пл: ка́пать — ка́пля, купи́ть — куплю́;
в — вл: постано́вить — постано́вление, лови́ть — ловлю́;
ф — фл: графи́ть — графлю́;
м — мл: земно́й — земля́, корми́ть — кормлю́;
ц — ч: лицо́ — ли́чный;
д — жд: ходи́ть — хо́ждение, обсу́дить — обсу́ждение;
ск — щ: иска́ть — ищú, пуска́ть — пу́щú;
ст — щ: ме́сто — помеще́ние, сви́стеть — сви́щú.

Унли товушларнинг алмашинуви. Чередование гласных звуков.

е — о: несú — носи́ть, везú — вози́ть, соберú — сбор;
о — ы: посóл — посыла́ть, призовú — призы́в;
о — у: со́хнуть — сúхо, вздох — во́здух;
ы — о: мыть — мо́ю;
и — е: бри́ть — бре́ю;
о — а: забросáть — забрáсывать, разбросáть — разбрáсывать.

§ 43. Беглые звуки *о, е*. Қисқа *о, е* унлилари.

Сўз ўзаги ва суффиксларда тушиб қоладиган *о, е* (*ё*) унлилари беглые звуки — қисқа товушлар дейилади. Масалан: *берú* — *брал*, *платóк* — *платкá*, *день* — *дня*, *сон* — *сна*.

§ 44. Правописание приставок. Олд қўшимчаларнинг имлоси.

1. *За-, на-, над-* олд қўшимчаларда ҳамма вақт *а, до-, о-, об-, от-, по-, под-, про-* олд қўшимчаларда — *о, пере-* олд қўшимчасида — *е* ёзилади, масалан: *записáть, написáть, надпи-сáть; доигрáть, пóезд, подводный; перехóд* каби.

2. *Раз-* (рас-), *роз-* (рос-) олд қўшимчаларида урғу таъсирида *о*, урғу тушмаган ҳолатда *а* ёзилади, масалан: *расписáние — рóспись, разы́скивать — рóзыск, разы́грáть — рóзыгрыш*.

3. *Без-, воз-, вз-, из-, низ-, раз-, чрез-, через-* олд қўшимчаларининг охирида жарангсиз ундошдан олдин *с*, бошқа ҳолатларда эса *э* ёзилади, масалан: *безврédный, безопа́сный, разб́ить, изб́ить; бесш́умный, распи́лить, испóртить*.

4. *с-* олд қўшимчаси жарангли ундошдан олдин *э* каби эшитилса ҳам, ҳамма вақт *с* ёзилади:

Ёзилади:
сдéлать
сдáть

Талаффуз этилади:
здéлать
здáть

5. *Пере-, пре-, при-* олд қўшимчаларини тўғри ишлатиш учун уларнинг англатган маъноларини билиш зарур.

Пере- олд қўшимчаси қуйидаги маъноларни ифодалайди: а) ҳаракатнинг бирор тўсиқ ёки бирор нарса орқали ўтишини: *перепры́гнуть* — сакраб ўтмоқ, *перебежáть* — югуриб ўтмоқ; б) тўхтаб, бир қанча вақт ўтказмоқ; *переночевáть* — тунаб чиқмоқ, *перездáть* — кутиб турмоқ; в) бирор нарсани бўлмоқ: *перепил́ить* — арралаб қўймоқ; в) бирор иш-ҳаракатнинг такрорланишини: *переписáть* — қайтадан кўчирмоқ; д) *-ся* билан тугаган феълларда биргалик маъносини билдиради: *перепи́сы-ваться* — хат ёзишиб турмоқ каби.

Пре- олд қўшимчаси қуйидаги маъноларни ифодалайди: а) иш ва ҳаракатнинг энг юқори даражага етганлигини: *превы́сить* — ошириб юбормоқ; б) бирор чегара, масофани ўтиб кетиш ҳаракатини: *преодолéть* — босиб ўтмоқ; энгиб чиқмоқ

При- олд қўшимчаси қуйидаги маъноларни ифодалайди: а) иш-ҳаракатнинг охирига етганлигини: *приéхать* — келиб етмоқ; б) қўшимчани, қўшимча қилишни: *приклéить* — елимлаб ёпиштирмоқ; в) феълларнинг тугалланган турини ясайди: *готóвить* — тайёрламоқ — *приготóвить* — тайёрлаб бўлмоқ.

§ 45. Буква *ы* после приставок. Олд қўшимчалардан сўнг *ы* ҳарфи.

Ундош товуш билан тугаган олд қўшимчалардан кейин *и* ўрнига *ы* талаффуз этилади ҳам ёзилади, масалан: *разы́грáть*

(раз+играть), *сыграть* (с+играть), *отыграть* (от+играть), *предыдущий* (пред+идуший), *безыдейный* (без+идейный), *предысторический* (пред+исторический) каби.

§ 46. Твёрдый знак (Ѣ) после приставок. Олд қўшимчалардан сўнг айириш белгиси (Ѣ).

Ундош товуш билан тугаган олд қўшимчалардан кейин *е, ё, ю, я* ҳарфлари олдида айириш белгиси (Ѣ) ёзилади, масалан: *объявление, съезд, съел, съёжился, подъём* каби.

§ 47. Основные способы словообразования. Сўз яшашнинг асосий усуллари.

Рус тилида сўз яшашнинг усуллари ҳар хил:

1) олд қўшимча қўшиш йўли билан, масалан: *писать, написать, записать*;

2) суффикслар қўшиш йўли билан, масалан: *летать — лёгчик*;

3) олд қўшимча ва суффикслар қўшиш йўли билан, масалан: *при, усадьба — приусадебный, при, фронт — прифронтной; пред, выборы — предвыборный*;

4) негизларнинг бирикиши йўли билан, масалан: *пар, ходить — парход*;

5) сўзларни қисқартиш йўли билан, масалан: *РТС, колхоз*;

6) товушларнинг алмашинуви билан, масалан: *ходить — хождение*;

7) ургуни кўчириш йўли билан, масалан: *замок — замо́к, пропасть — пропа́сть* каби.

§ 48. Перенос слов. Бўғин кўчириш.

Бир йўлга сиғмай қолган сўзлар кейинги йўлга кўчирилади. Сўзлар бўғинга ажратиб кўчирилади, масалан: *ли-те-ра-ту́-ра, ма́-ма, до́-ма, пи-са́-тель, шко́-ла* каби.

Сўз ўртасида бир неча ундош ёнма-ён келса, бўғинга ажратиш ва бир йўлдан иккинчи йўлга кўчириш эркин бўлади, масалан: *се-стра́, сес-тра́, сест-ра́* каби. Лекин сўз ўртасида бир хил ундошлар келса, улар ажратиб кўчирилади: *ком-му́на* (лекин *ко-ммуна ёки комм-уна* эмас), *суб-бо́та* (лекин *су-ббота ёки субб-ота* эмас).

Кўчирилиши зарур бўлган сўзнинг биринчи ёки охириги бўғини бир унлидан иборат бўлса, бундай бўғин олдинги йўлда ҳам қолдирилмайди, кейинги йўлга ҳам кўчирилмайди, масалан: *Япо́-ния*, (лекин *Я-пония* ёки *Япони-я* эмас).

И, ь, ъ ҳарфлари ўздан олдин келган ундошлардан ажратилмайди, масалан: *разъ-ээд*, *подъ-ём*, *зай-чик*, *вой-на́*, *конь-кй*, *боль-шй* каби.

Икки бўғинли олд қўшимчалар, умумий қоидага кўра, бўғинга ажратиб кўчирилади, масалан: *пе-ревóд* ёки *пере-вóд*, *пе-рехóд* ёки *пере-хóд*, *ра-зозлíte* ёки *разо-злíte*, *ра-зобра́ть* ёки *разо-бра́ть* каби.

Бир бўғинли олд қўшимчалар эса ўз ҳолича қолдирилади, яъни олд қўшимчадаги охириги ундош товуш ажратилмайди ҳам кейинги йўлга кўчирилмайди, масалан: *раз-бíte* (лекин *ра-збíte* эмас) акби.

Олд қўшимчадан кейин келадиган *ы* товуши олд қўшимчадан ажратилмайди, масалан: *разы-ска́ть* (лекин *раз-ыска́ть* эмас), *преды-ду́щий* (лекин *пред-ыду́щий* эмас) каби.

Қўшиладиган суффикс бошида ундош келса, сўз ўзагидаги кейинги ундош ажратилмайди, масалан: *де́т-ский* (лекин *де-тский* эмас), *ро́д-но́й* (лекин *ро-дно́й* эмас).

ЧАСТИ РЕЧИ. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ.

Рус тилида ҳамма сўзлар, ўз маъноси ва грамматик хусусиятларига кўра, мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлинади. Мустақил сўзларнинг ҳар бири маълум бир маънони билдириши билан гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланади. Ёрдамчи сўзлар эса якка ҳолда маъно билдирмайди, маъноси нутқ ичидагина билинади. Улар гапдаги мустақил сўзларнинг муносабатини кўрсатади.

Мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлинган сўз гуруппалари сўз туркумлари дейилади.

Рус тилида сўз туркумлари қуйидагича:

- | | |
|---------------------------------|---|
| 1) и́мя существи́тельное — от; | } самостоя́тельные слова́—
мустақил сўзлар |
| 2) и́мя прилагáтельное — сифат; | |
| 3) и́мя числи́тельное — сон; | |
| 4) местоимéние — оломош; | |
| 5) глаго́л — феъл; | |
| 6) нарéчие — равиш; | |
| 7) предлóг — олд кўмакчи; | } служéбные слова́—ёрдамчи
сўзлар |
| 8) сою́з — боғловчи; | |
| 9) части́цы — юкламалар; | |

10) междомéтие — ундов сўзлар (махсус сўз туркуми ҳисобланади).

Ўзбек тилида ҳам ўнта сўз туркуми бор; от, сифат, сон, оломош, феъл, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама ва ундов сўзлар.

§ 49. Имя существительное. От.

Предмет маъносини англатган сўз туркуми от дейилади. Отлар к то? (ким?) ёки ч то? (нима?) сўроғига жавоб бўлиб келади. Рус тилида к то? сўроғи жонли предметларнинг (киши ва ҳайвонларнинг) номларига, ч то? сўроғи эса жонсиз предмет (наrsa, воқеа, ҳодиса)ларнинг номларига нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида к и м? сўроғи одамга нисбатан, н и м а? сўроғи эса бошқа барча предметлар учун ишлатилади.

Гапдаги отлар ҳар қандай гап бўлаги вазифасида кела олиши мумкин, лекин кўпинча эга ва тўлдирувчи бўлиб келади.

Рус тилида отлар сон ва келишик формаларига эга ва уч родга (жинсга), яъни мужской, жёнский ва срёдний родларга бўлинади. Ўзбек тилида эса отлар родларга қараб фарқ қилинмайди.

§ 50. Существительные собственные и нарицательные Атоқли ва турдош отлар.

Отлар икки хил бўлади: атоқли от (и́мя со́бственное) ва турдош от (и́мя нарица́тельное).

Бир тур, бир жинсли предметларга берилган номлар турдош от дейилади. Турдош от кичик ҳарф билан ёзилади. Айрим предметларга уларни бир жинсли предметлардан фарқ қилиш учун берилган махсус номлар атоқли от дейилади. Атоқли от бош ҳарф билан ёзилади. Атоқли отлар турига қуйидаги отлар киради:

- 1) кишиларнинг номи, фамилияси, тахаллуси ва лақаблари;
- 2) ҳайвонларга қўйилган отлар;
- 3) денгиз, дарё, шаҳар, қишлоқ, тоғ, кўча, планета, юлдуз тўдалари номлари ва шуларга ўхшаш номлар;
- 4) китоб, газета, журнал, фабрика, завод, колхоз, совхоз номлари ва шуларга ўхшаш номлар.

§ 51. Род. Род (жинс).

Рус тилида отларнинг ҳаммаси мужской, жёнский ва срёдний родга бўлиниб, бир-биридан шакл жиҳатидан фарқ қилади. Ўзбек тилида бу ҳодиса йўқ. Ўзбек тилида баъзан жёнский родни билдирувчи қўшимчалар учрайди, масалан: *муаллима, Салима ёки пионерка, комсомолка, Салимова, Каримова*.

Рус тилида отларнинг мужской род, женский род ва средний родга тегишли эканлиги маълум белгилар орқали аниқланади.

§ 52. Мужской родга қуйидаги сўзлар киради:

а) эркак жинсидаги жонли нарсаларни англатадиган сўзлар: *папа, дядя, брат*;

б) қаттиқ ундош билан тугаган сўзлар: *стол, стул, рот, нос*;

в) юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: *конь, день*;

г) *-й* билан тугаган сўзлар: *герой, край* каби;

д) қаттиқ ёки юмшоқ шипилловчи товуш билан тугаган сўзлар: *нож, карандаш, луг, плащ* каби.

Ойларнинг номлари — январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь — мужской родга киради.

Мужской род отларининг группасига кирган сўзлар ўрнига *он (у)* кишилик олмоши ёки *мой* олмошини қўйиш мумкин.

Масалан: *Мой брат окончил институт. Он работает на заводе. Ахмед не пришёл. Он болен.*

§ 53. Женский родга қуйидаги сўзлар киради:

а) хотин жинсидаги жонли нарсаларни билдирадиган сўзлар: *мама, тётя, сестра, корова, овца* каби;

б) охири *-а* билан тугаган сўзлар: *парта, доска, рука, нога*;

в) охири *-я* билан тугаган сўзлар: *баня, дыня, пульт*;

г) юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: *тень, цель* каби.

Эслатма. Юмшоқ ундош билан тугаган сўзларнинг баъзилари мужской родга, баъзилари эса женский родга тааллуқли бўлади. Мужской родга тааллуқли бўлган сўзлар родительный келишигининг бирлик сониди *-я* билан тугалланади, женский родга тааллуқли сўзлар эса *-и* билан тугалланади. *Дождь—дождя* (мужской род); *тетрадь—тетради* (женский род).

Женский роддаги сўзларнинг ўрнига *она (у)* кишилик олмошини ёки *моя* олмошини қўйиш мумкин, масалан: *Моя сестра учится в институте. Она учится хорошо.*

Қаттиқ ёки юмшоқ шипилдоқ товуш билан тугаган сўзларнинг аксарияти женский родга киради ва уларнинг охирида *-о* белгиси ёзилади, масалан: *вещь, ночь, рожь, мышь*.

Демак, охирида юмшоқ ундош ёки шипилдоқ *ж, ч, ш, щ* (қаттиқ ёки юмшоқ) товуш келган отлар мужской родга ҳам, женский родга ҳам кириши мумкин: *день* — мужской род, *тень* — женский род, *нож* — мужской род, *рожь* — женский род каби.

§ 54. Баъзи ҳайвон ва қушларнинг эркак ва урғочилигини билдириш учун бошқа-бошқа ўзаклардан ясалган сўзлар ишлатилади, масалан:

Мужской род	Женский род
<i>барáн</i>	<i>овцá</i>
<i>бык</i>	<i>коровá</i>
<i>петúх</i>	<i>кúрица</i>
<i>сéлезень</i>	<i>úтка</i>

Эркак-урғочилигидан қатъи назар, ҳайвон, қуш, қурт-қумурсқаларнинг номини билдирадиган отларнинг баъзилари мужской родга, баъзилари эса женский родга киради. Шундай сўзларнинг роди отнинг формасидан аниқланади.

Мужской род	Женский род
Эркак ҳам урғочи	Эркак ҳам урғочи
<i>Конь, гóлубь, гусь, журавль, лебедь, пескарь, олень, слепень, шмель, коршун, жук, сокол, кролик, грач, клоп, сом, кит, ёж, уж.</i>	<i>Лошадь, мышь, рысь.</i>

Юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар родительный келишигининг формаси билан фарқланади, масалан:

Мужской род		Женский род	
Именительный келишиги	Родительный келишиги	Именительный келишиги	Родительный келишиги
<i>конь</i> <i>гóлубь</i>	<i>коня́</i> <i>гóлубя</i>	<i>лошадь</i> <i>мышь</i>	<i>лошади</i> <i>мышь</i>

§ 55. Рус тилида шундай отлар борки, улар ҳам мужской, ҳам женский родда бўла олади. Шу отлар қаторига *-а* билан тугайдиган бир қанча сўзлар киради. Улар эркак кишига нис-

батан ишлатилса, мужской родга; хотин кишига нисбатан ишлатилса, женский родга киради, масалан:

плакса	⟨	мой	плакса
		моя	плакса
сирота	⟨	мой	сирота
		моя	сирота
умница	⟨	мой	умница
		моя	умница
неряха	⟨	мой	неряха
		моя	неряха
невёжа	⟨	мой	невёжа
		моя	невёжа

Касб-хунарни англатувчи кўпгина мужской род сўзлари хотин кишига нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин: *моя сестра врач ёки мой брат врач, моя мама доктор ёки мой папа доктор, моя тётя профессор ёки мой дядя профессор* каби.

Человек, друг, товарищ сўзлари ҳам эркак кишига, ҳам хотин кишига нисбатан ишлатилади, масалан: *она знающий человек ёки он знающий человек, она хороший друг ёки он хороший друг, она близкий товарищ ёки он близкий товарищ.*

§ 56. Отларнинг охирида *о, е, ё* келса, булар средний род отлари ҳисобланади, масалан: *окно, перо, море, поле, ружьё* каби.

Эслатма: *Подмастерье* сўзи мужской родга киради

Рус тилида охирида *-мя* келадиган 10 сўз: *имя, время, знамя, племя, семья, стремя, темя, бремя, вымя* — средний родга киради.

Средний роддаги сўзлар ўрнига *онó* ёки *моё* олмошларини ишлатиш мумкин, масалан: *имя (моё, онó), лицо (моё, онó).*

Мой, моя, моё сўзлари ўрнига буларнинг кўплиги — *наш, наша, наше* ҳам ишлатилади.

§ 57. Бошқа тиллардан олинган турланмайдиган сўзлар родларга қуйидагича бўлинади: агар сўз жонсиз предметни билдирса, у средний родга киради: *пальто, юрты* каби (бу қондага *кофе* сўзи кирмайди, чунки у мужской родга киради); агар сўз жонли предметни (қуш, ҳайвонларни) билдирса, мужской родга киради: *кенгуру, какадú, колибри, шимпанзё* каби.

§ 58. Отлар билан боғланиб келган сифат, тартиб сон, кўпгина олмош ва ўтган замон феълларининг тугаллиги шу отнинг родига мослашиб келади, масалан:

Мужской род	Женский род	Средний род
<i>большой дом мáленький каран- дáш брат прилетёл трéтий урок красивый гóрод</i>	<i>большáя кóмната мáленькая кнiга сестрá прилетела трéтья лекция красивáя у́лица</i>	<i>большóе окнó мáленькое перó врéмя пролетело трéтье задáние красивóе здáние</i>

§ 59. Родовые окончания существительных.

Отларнинг род белгилари.

Именительный келишик бирлиги.

Мужской род	Женский род	Средний род
Қаттиқ ундош билан тугаган сўзлар: <i>труд, колхоз, дом.</i>	а билан тугаган сўзлар: <i>рóдина, га-зéта, пáрта</i>	-о билан тугаган сўзлар: <i>окнó, пись-мó, дéло, перó, кольцó.</i>
-й билан тугаган сўзлар: <i>музéй, герóй, край.</i>	-я билан тугаган сўзлар: <i>земля́, дé-рeвня, семья́, ли́ния</i>	-ё, -е билан тугаган сўзлар: <i>ружьё́, море́, здáние, пóле, ущeльe, пáстбище.</i>
Юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: <i>день, дождь, путь.</i> Қаттиқ ёки юмшоқ шипилловчи товуш билан тугаган сўзлар: <i>нож, карандаш луч, плащ.</i>	Юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар: <i>жизнь, площадь.</i> Қаттиқ ёки юмшоқ шипилловчи товуш билан тугаган сўзлар (сўзнинг охирида ь ёзилади): <i>ночь, пóмощь, вещь, мышь.</i>	-мя билан тугаган сўзлар: <i>и́мя, врéмя, знáмя, плáмя, плéмя, сeмя, стрé-мя, тeмя, брeмя, вьeмя.</i>
-а, -я, -е, -о билан тугаган сўзлар: <i>дядя, юноша, муж-чийна, дeдушка, пá-па, Волóдя, Кóля, Пeтя, Вáня, судьá, стáроста, слугá, домiшко, домiще, дружiище, голосiище, подмáстёрье.</i>		

Мужской род	Женский род	Средний род
<p>-тель, -арь суффикслари ёрдами билан ясалган сўзлар: <i>писа́тель, чита́тель; врата́рь, библиоте́карь</i></p>	<p>-ость суффикси ёрдами билан ясалган сўзлар: <i>но́вость, мо́лодость, ра́дость</i></p>	
	<p>-знь, -сть, -сь, -вь, -бь, -нь билан тугаган ва жонсиз предметларни билдирадиган сўзлар: <i>сте́пь, жи́знь, че́сть, лю́бовь</i>,</p>	

§ 60. Жонсиз предметларни билдириб, юмшатиш белгиси (**ь**) билан тугаган (*ж, ч, ш, щ* товушларидан ташқари) ва энг кўп учрайдиган отлар қуйидагилар:

Мужской род		Женский род	
<i>автомобі́ль</i>	<i>двигате́ль</i>	<i>артель</i>	<i>даль</i>
<i>анса́мбль</i>	<i>день</i>		<i>дверь</i>
	<i>дэ́готь</i>	<i>бандеро́ль</i>	<i>дробь</i>
	<i>дирижа́бль</i>	<i>боль</i>	<i>дрожь</i>
<i>бино́кль</i>	<i>дождь</i>		
<i>брёде́нь</i>			<i>ель</i>
<i>буква́рь</i>	<i>же́лудь</i>	<i>высь</i>	<i>жердь</i>
<i>бюлле́тень</i>			<i>же́льчь</i>
	<i>инвента́рь</i>	<i>га́вань</i>	<i>жи́знь</i>
<i>вихрь</i>	<i>календа́рь</i>	<i>гармо́нь</i>	
<i>волды́рь</i>	<i>ка́мень</i>	<i>га́рь</i>	
<i>воплъ</i>	<i>карто́фель</i>	<i>ги́бель</i>	<i>и́згородь</i>
	<i>ка́шель</i>	<i>грань</i>	<i>колыбе́ль</i>
<i>гвоздь</i>	<i>кисе́ль</i>	<i>грудь</i>	<i>ко́поть</i>
<i>госпита́ль</i>	<i>ковы́ль</i>	<i>грязь</i>	<i>корь</i>
<i>гребень</i>			<i>кровя́ть</i>

Мужской род		Женский род	
контр ^о ль	спекта ^к ль	лада ^н ь	роль
кора ^б ль	ста ^в ень	лазу ^р ь	рту ^т ь
коре ^н ь	сте ^б ель	ле ^н ь	
коста ^ы ль	сте ^р жень	любо ^в ь	саже ^н ь
ку ^л ь	суха ^р ь		свя ^з ь
	та ^б ель		се ^т ь
ла ^г ерь		ма ^з ь	сире ^н ь
ла ^п оть	у ^г оль	меда ^л ь	ска ^т ерт ^ь
ло ^к оть	у ^р овень	ме ^д ь	сме ^р ть
ломо ^т ь	фити ^л ь	ме ^т ель	со ^л ь
	фли ^г ель	ме ^ч еть	ста ^л ь
мона ^{ст} ы ^р ь	фона ^р ь	мозо ^л ь	сте ^п ь
		мора ^л ь	
но ^г оть	хма ^л ь	мы ^с ль	те ^н ь
ну ^л ь	хруста ^л ь	неф ^т ь	тетра ^д ь
		ни ^т ь	тка ^н ь
о ^г о ^н ь	ци ^р куль		це ^л ь
		о ^з емь	
па ^н ци ^р ь	ште ^м пель	о ^п ухоль	че ^с ть
па ^р о ^л ь	ште ^п сель	о ^с ень	
пе ^н ь	шти ^л ь	о ^с ь	ше ^р сть
пе ^р стен ^ь		о ^т тепель	ши ^н ель
пла ^с ты ^р ь	щаве ^л ь	о ^ч еред ^ь	ши ^р ь
пле ^т е ^н ь	ще ^б ень		це ^л ь
по ^л де ^н ь		па ^м ять	
порт ^ф ель	я ^к орь	пе ^ч а ^л ь	
по ^р ше ^н ь	ян ^т а ^р ь	пе ^ч а ^т ь	
про ^ф иль	я ^с ень	пло ^щ а ^д ь	
пузы ^р ь	я ^ч е ^н ь	по ^л ы ^н ь	
пусты ^р ь		по ^р осль	
пу ^т ь		при ^б ыль	
		при ^с тан ^ь	
ре ^м е ^н ь		про ^р убь	
роя ^л ь		пы ^л ь	
ру ^б ль			
ру ^л ь			

§ 61. Единственное и множественное число имён существительных.

Отларнинг бирлик ва кўплик сони.

Отларнинг кўпчилиги бирлик ва кўплик сонда қўлланади. Бирлик сон бир предметни билдирса, кўплик бир неча предметни билдиради. Ўзбек тилида кўпликни ясамоқ учун бирлик сонга *-лар* кўплик турловчиси қўшилади: *ўртоқ — ўртоқлар, китоб — китоблар* каби.

§ 62. Рус тилида кўплик сон қуйидагича ясалади.

Бирликда отларнинг охирида *-а* ёки ундош товуш келса, кўпликда *-ы* ёки *-и* келади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>сад</i>	<i>сады</i>
<i>кни́га</i>	<i>кни́ги</i>
<i>рука́</i>	<i>руки</i>
<i>самова́р</i>	<i>самова́ры</i>
<i>газета́</i>	<i>газеты́</i>
<i>каранда́ш</i>	<i>карандаши́</i>
<i>машина́</i>	<i>машины́</i>
<i>звук</i>	<i>звуки</i>
<i>колхо́з</i>	<i>колхо́зы</i>
<i>фа́брика</i>	<i>фа́брики</i>
<i>заво́д</i>	<i>заво́ды</i>
<i>страна́</i>	<i>стра́ны</i>
<i>шко́ла</i>	<i>шко́лы</i>
<i>пионе́р</i>	<i>пионе́ры.</i>

Бирликда отларнинг охирида *-й, -я, -ь* ҳарфлари келса, кўпликда уларнинг охирида *-и* бўлади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>печь</i>	<i>печи</i>
<i>тетра́дь</i>	<i>тетра́ди</i>
<i>ба́ня</i>	<i>ба́ни</i>
<i>геро́й</i>	<i>герои́</i>
<i>трамва́й</i>	<i>трамваи́</i>
<i>статья́</i>	<i>статьи́</i>
<i>ли́ния</i>	<i>ли́нии</i>
<i>музе́й</i>	<i>музе́и</i>
<i>ночь</i>	<i>ночи́</i>
<i>мышь</i>	<i>мышьи́</i>
<i>писа́тель</i>	<i>писа́тели.</i>

-о билан тамомланадиган баъзи бир **средний** род сўзларига **-и** тугаллиги қўшилиши мумкин, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>колéно</i>	<i>колéни</i>
<i>плечó</i>	<i>плéчи</i>
<i>яблоко</i>	<i>яблоки</i>
<i>вéко</i>	<i>вéки</i>
<i>у́хо</i>	<i>у́ши каби.</i>

§ 63. Бирликда **средний** роддаги отларнинг охирида **-о** ҳарфи бўлса, кўпликда **-а** ёки **-ья** келади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>окно́</i>	<i>о́кна</i>
<i>перо́</i>	<i>пе́рья</i>
<i>стекло́</i>	<i>сте́кла</i>
<i>де́ло</i>	<i>де́ла</i>
<i>письмо́</i>	<i>пи́сьма</i>
<i>пра́во</i>	<i>права́</i>
<i>хозяйство́</i>	<i>хозяйства́.</i>

Кўплик сонни ҳосил қилишда **-а**, **-я** тугаллиги ундош товуш билан тамомланадиган мужской род сўзларига ҳам қўшилиши мумкин, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>дом</i>	<i>дома́</i>
<i>глаз</i>	<i>глаза́</i>
<i>край</i>	<i>края́</i>
<i>лес</i>	<i>леса́</i>
<i>го́лос</i>	<i>голоса́</i>
<i>го́род</i>	<i>города́</i>
<i>поезд</i>	<i>поезда́</i>
<i>вече́р</i>	<i>вечера́</i>
<i>учи́тель</i>	<i>учителя́</i>
<i>профе́ссор</i>	<i>профессора́</i>
<i>дирéктор</i>	<i>директора́</i>
<i>инспе́ктор</i>	<i>инспектора́.</i>

Лекин *редáктор*, *лéктор*, *рéктор* сўзлари кўпликда фақат *редáкторы*, *лéкторы*: *рéкторы* формасидагина ишлатилади. Жонли сўзлашув тилида *догово́р* сўзининг кўплиги *договора́* формасида ишлатилса ҳам, адабий тилда қабул этилган бу сўзнинг формаси — *догово́ры*.

§ 64. Бирликда средний роддаги отларнинг охирида *-е* ҳарфн келса, кўпликда *-я* тугаллиги ёзилади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>по́ле</i>	<i>поля́</i>
<i>мо́ре</i>	<i>моря́</i>
<i>объявле́ние</i>	<i>объявле́ния</i>
<i>измене́ние</i>	<i>измене́ния</i>
<i>ружьё́</i>	<i>ружьё́я</i>
<i>собра́ние</i>	<i>собра́ния</i>
<i>зада́ние</i>	<i>зада́ния.</i>

§ 65. *-мя* билан тамомланадиган средний род сўзларининг кўплиги қуйидагича ясалади:

Бирлик	Кўплик
<i>и́мя</i>	<i>име́на</i>
<i>стре́мя</i>	<i>стремена́</i>
<i>се́мя</i>	<i>семена́</i>
<i>вре́мя</i>	<i>времена́</i>
<i>зна́мя</i>	<i>знаме́на</i>
<i>пле́мя</i>	<i>племена́ каби</i>

Вре́мя сўзи кўплик сонда жуда кам ишлатилади. Шу сўзнинг кўплик формаси баъзи бир тургун иборалардагина учрайди, масалан: *в дале́кие времена́* — узоқ ўтмишда, *в тяжёлые времена́* — огир кунларда, мушкул замонда; *времена́ го́да* — йил фасллари, *по времена́м* — баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ, ора-сира; *в былые времена́* — бурунги замонда, *во времена́ Навой* — Навой замонида.

Ви́мя, пла́мя, бре́мя, те́мя сўзлари (средний род) фақат бирлик сондагина ишлатилади.

§ 66. *-анин, -янин* билан тамомланадиган мужской род отларининг кўплигида *-ане, -яне* тугаллиги ишлатилади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>граждани́н</i>	<i>гра́ждане</i>
<i>крестья́нин</i>	<i>крестья́не</i>

§ 67. *-ин* билан тамомланадиган ва жуда кам учрайдиган мужской роддаги отларнинг кўплик формалари қуйидагича:

Бирлик	Кўплик
<i>хозяйи́н</i>	<i>хозяйева́</i>
<i>татари́н</i>	<i>татари́ы</i>
<i>господи́н</i>	<i>господа́.</i>

§ 68. *-онок, -ёнок* билан тамомланадиган мужской роддаги отларнинг кўплиги *-ата, -ята* тугаллиги ёрдами билан ясалади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>ребёнок</i>	<i>ребята</i>
<i>утёнок</i>	<i>утята</i>
<i>телёнок</i>	<i>телята.</i>

Эслатма. *Ребёнок* сўзининг кўплигини билдириш учун, одатда *дети* сўзи ишлатилади.

§ 69. Мужской ва средний роддаги баъзи бир отларнинг кўплик сони *-ья* тугаллиги ёрдами билан ясалади, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>стул</i>	<i>стулья</i>
<i>перо</i>	<i>перья</i>
<i>дерево</i>	<i>деревья</i>
<i>звено</i>	<i>звенья</i>
<i>крыло</i>	<i>крылья</i>
<i>прут</i>	<i>прутья</i>
<i>брат</i>	<i>братья</i>
<i>лист</i>	<i>листья</i>
<i>друг</i>	<i>друзья</i>
<i>сук</i>	<i>сучья</i>
<i>муж</i>	<i>мужья</i>
<i>сын</i>	<i>сыновья.</i>

Муж, сын сўзларининг *мужий, сыны* кўплик формаси баъзи бир турғун иборалардагина ишлатилади, масалан: *сыны родины* — ватан ўғлонлари, *мужий науки* — фан арбоблари, *государственные мужий* — давлат арбоблари.

§ 70. Мужской родга кирадиган баъзи отларнинг кўплиги икки формада ишлатилиши мумкин, масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>зуб</i>	<i>зубы — зубья:</i>

У него болят зубы — унинг тиши оғриятти. *Упилы острые зубья* — арранинг тишлари ўткир.

лист

листья — листья:

листья бумаги — қоғоз варақлари, *листья дерева* — дарахтнинг барглари.

§ 71. Демак, рус тилида бирликдан кўплик ясалганда, кўпликнинг охирида қуйидаги тугалликлар бўлмоғи мумкин.

Кўплик туғалликла чи	Отларнинг роди
- <i>би</i>	<p>1) Қаттиқ ундош билан тамомланадиган мужской род отлари негизида шипилдоқ ундош ва <i>к, г, х</i> товушлари келадиган отлар бу қоидадан мустасно.</p> <p>2) - <i>а</i> билан тамомланадиган женский род сўзлари.</p>
- <i>и</i>	<p>1) - <i>й</i> билан тамомланадиган мужской род сўзлари.</p> <p>2) - <i>я</i> билан тамомланадиган женский род сўзлари.</p> <p>3) Юмшоқ ундош билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар.</p> <p>4) Негизи шипилдоқ товуш билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар.</p> <p>5) Негизи <i>к, г, х</i> товушлари билан тамомланадиган мужской ва женский родлардаги отлар.</p> <p>6) - <i>о</i> билан тамомланадиган баъзи бир средний роддаги отлар.</p>
- <i>а,</i> - <i>я</i>	<p>1) - <i>о</i> билан тамомланадиган средний роддаги отлар.</p> <p>2) Қаттиқ ундош билан тамомланадиган мужской роддаги отлар.</p> <p>3) - <i>й</i> билан тамомланадиган мужской роддаги отлар.</p> <p>4) Юмшоқ ундош билан тамомланадиган мужской роддаги отлар.</p>
- <i>ане,</i> - <i>яне</i>	- <i>анин, - янин</i> билан тамомланадиган мужской роддаги отлар.
- <i>ота,</i> - <i>ята</i>	- <i>онок, - ёнок</i> билан тамомланадиган ва жонли предметларни билдирадиган мужской роддаги отлар.
- <i>ья</i>	<p>1) Қаттиқ ундош билан тамомланадиган баъзи бир мужской роддаги отлар.</p> <p>2) - <i>о</i> билан тамомланадиган баъзи бир средний роддаги отлар.</p>

**§ 72. Существительные, употребляющиеся
только в единственном числе. Бирлик сондагина
ишлатиладиган отлар.**

Баъзи отлар фақат бирликдагина ишлатилади:

1) турли моддаларни билдирувчи баъзи бир отлар, масалан: *зóлото, мо́локо, кероси́н, са́хар* каби;

2) сабзавот, галла-дон ўсимликлари, баъзи бир мева номларини англатувчи отлар, масалан: *карто́фель, лук; овёс, лен; ма́лина, клубни́ка* каби;

3) бир тўда предметларнинг бир бутун предмет сифатида билдирадиган отлар, масалан: *учи́тельство, мо́лодежь, сырьё, ли́ства* каби;

4) иш-ҳаракат, хосса, ҳолат ва белгиларни англатувчи кўпгина отлар, масалан: *бе́гство, мо́лодость, шири́на, грусть, темнóта* каби;

5) ой номлари, дунёнинг тўрт томонини англатувчи отлар, масалан: *январь, февраль, март, север, юг, восток, запад* каби;

6) атоқли отлар: *Ташкент, Москва* каби.

**§ 73. Существительные, употребляющиеся
только во множественном числе. Кўплик сондагина
ишлатиладиган отлар.**

Баъзи отлар фақат кўпликдагина ишлатилади:

1) бир ёки бир неча қисмдан иборат бўлган предметларни билдирувчи отлар, масалан: *ворота́, са́ни, но́жницы, счёты* каби;

2) модда билдирувчи баъзи отлар, масалан: *черни́ла, духи́, сли́вки* каби;

3) вақтнинг маълум даврларини ва ўйин, воқеаларнинг номларини билдирувчи отлар, масалан: *кани́кулы, су́тки, бу́дни, прятки, по́хороны, имени́ны* каби;

4) баъзи бир географик номлар, масалан: *Альпы, Пирене́и, Соко́льники* каби.

Кўпликдагина ишлатиладиган отлар родларга қараб фарқ қилмайди.

§ 74. Склонение существительных. Отларнинг турланиши.

Отлар келишик билан турланади. Келишиклар отларнинг бошқа сўзлар билан бўлган алоқасини, боғланишини кўрсатади.

Рус тилида отлар олти келишик билан турланади:

Именительный — к то? ёки ч то?

Родительный — ко го? ёки че го?

Дательный — кому? ёки чему?

Винительный — кого? ёки что?

Творительный — кем? ёки чем?

Предложный — о ком? ёки о чём?

Ўзбек тилида ҳам олтига келишик бор: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўринпайт келишиги, чиқиш келишиги.

§ 75. Рус тилида отлар турланиш хусусиятларига кўра уч типга бўлинади:

Булар первое склонение — биринчи турланиш, второе склонение — иккинчи турланиш ва третье склонение — учинчи турланиш деб аталади.

Ўзбек тилида эса отлар келишик билан бир хил турланади.

§ 76. Первое склонение. Биринчи турланиш.

Бирлик сонда именительный келишиги *-а* ёки *-я* унлиси билан тугаса, бундай отлар биринчи турланиш бўйича турланади. Бундай отларнинг кўпи женский роддаги сўзлардир. Лекин мужской род сўзлари ҳам бор, масалан: *стáроста, судьá, мужчýна, Вáня* ва бошқалар.

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик		
И.	<i>горá</i>	<i>земля́</i>	<i>ста́нция</i>
Р.	<i>горы́</i>	<i>земли́</i>	<i>ста́нции</i>
Д.	<i>горе</i>	<i>земле́</i>	<i>ста́нции</i>
В.	<i>гору́</i>	<i>землю́</i>	<i>ста́нцию</i>
Т.	<i>горой (-ою)</i>	<i>землѐй (-ѐю)</i>	<i>ста́нцией (-ею)</i>
П.	<i>(о) горé</i>	<i>(о) землѐ</i>	<i>(о) ста́нции</i>

I. Агар отларнинг негизи қаттиқ ундош билан тугаса, родительный келишиги *-ы* тугаллигига, винительный келишиги *-у* тугаллигига, творительный келишиги *-ой (-ою)* тугаллигига эга.

Эслатма. Негизи *г, к, х* билан тугаган отларнинг родительный келишиги бирликда *-и* тугаллигига эга: *нога́—ноги́, рука́—руки́, му́ха—му́хи*.

II. Агар отларнинг негизи юмшоқ ундош билан тугаса, родительный келишиги *-и* тугаллигига, винительный келишиги *-ю* тугаллигига, творительный келишиги *-ей (-ѐй)* тугаллигига эга.

III. **-ия** билан тамомланувчи отлар (масалан, *áрмия, революция, стáнция, географиа* каби) родительный, дательный ва предложный келишикларида **-ии** тугаллигига эга.

IV. Негизи шипилловчи товуш ва **-а** билан тамомланувчи отлар творительный келишигида **-ой** ёки **-ей** тугаллигини қабул қилади. Агар урғу тугалликка тушса, **-ой** тугаллиги ёзилади, агар урғу тугалликка тушмай, негизга тушса, у ҳолда **-ей** тугаллиги ёзилади.

Масалан: И. *свечá* И. *задáча*
 Т. *свечóй* Т. *задáчей*

Падеж Келишик	Множественное число Кўплик		
И.	<i>гóры</i>	<i>зéмли</i>	<i>стáнции</i>
Р.	<i>гор</i>	<i>земéль</i>	<i>стáнций</i>
Д.	<i>горáм</i>	<i>зéмлям</i>	<i>стáнциям</i>
В.	<i>гóры</i>	<i>зéмли</i>	<i>стáнции</i>
Т.	<i>горáми</i>	<i>зéмлями</i>	<i>стáнциями</i>
П.	<i>(о) горáх</i>	<i>(о) зéмлях</i>	<i>(о) стáнциях</i>

Родительный келишигида *ж, ш, ч, щ* товушларидан кейин **ь** белгиси ёзилмайди, масалан: именительный келишиги — *тўчи* (булутлар), родительный келишиги — *туч* (лекин *тучь* эмас).

Агарда сўзнинг охирида **-ня** ва унинг олдида ундош ёки **-й** товуши келса, родительный келишигининг кўплигида охирги товуш қаттиқ бўлади, масалан: именительный келишиги — *пёсни* (ашулалар), родительный келишиги — *пёсен* (лекин *песень* эмас).

-ь белгиси қуйидаги сўзлардагина ёзилади: *деревéнь, бáрышень, кўхонь*.

§ 77. Второе склонение. Иккинчи турланиш.

Рус тилида иккинчи турланиш бўйича қуйидаги сўзлар турланади:

а) мужской родга кирадиган ва негизи қаттиқ ундош, **й** ҳарфи билан ҳамда юмшоқ ундош билан тугайдиган (охирида **-ь** белгиси ёзилади), яъни бирлик сонда именительный келишиги тугалликсиз бўлган отлар, масалан: *стол, конь, сарáй, врач, профессор*;

б) средний родга кирадиган ва тугаллиги **-е (ё)**, **-о** бўлган отлар, масалан: *мóре, собрáние, ружьё, дéло, письмó*.

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик	
	Мужской род	
И.	<i>стол</i>	<i>соловѣй</i>
Р.	<i>столá</i>	<i>соловьѧ</i>
Д.	<i>столу</i>	<i>соловьѹ</i>
В.	<i>стол</i>	<i>соловьѧ</i>
Т.	<i>столóм</i>	<i>соловьём</i>
П.	<i>(о) столѣ</i>	<i>(о) соловьѣ</i>
Средний род		
И.	<i>окнó</i>	<i>ружьѣ</i>
Р.	<i>окнá</i>	<i>ружьѧ</i>
Д.	<i>окну</i>	<i>ружьѹ</i>
В.	<i>окнó</i>	<i>ружьѣ</i>
Т.	<i>окнóм</i>	<i>ружьём</i>
П.	<i>(об) окнѣ</i>	<i>(о) ружьѣ</i>

Мужской род сўзлари турланганда винительный келишигида икки форма бўлмоғи мумкин:

1. Жонли нарсаларни билдирадиган сўзларнинг винительный келишиги родительный келишиги билан бир хил бўлади, масалан: родительный келишиги — *соловьѧ* (пѣние соловьѧ — булбулнинг сайраши), винительный келишиги — *соловьѧ* (вѣжу соловьѧ — булбулни кўряпман) каби.

2. Жонсиз нарсаларни билдирадиган сўзларнинг винительный келишиги именительный келишиги билан бир хил бўлади, масалан: именительный келишиги — *стол* (стол), винительный келишиги — *стол* (столни).

Мужской род сўзларининг охирида *ж, ч, ш, щ* товушлари келса, именительный келишигида **-ь** белгиси ёзилмайди, масалан: *врач* (мой).

Женский род сўзларида эса **-ь** белгиси ёзилади, масалан: *ночь* (моя) — тун, кеча.

Иккинчи турланишдаги баъзи бир жонсиз предмет отларининг, айниқса жамловчи отларнинг, родительный келишигида гоҳ **-а, -я** (масалан: *сáхара, чáя*), гоҳ **-у, -ю** (*сáхару, чáю*) бўлмоғи ва маълум миқдорни ёки предметнинг бир қисмини (бўлагини) билдирмоғи мумкин (*хлеб, овѣс* отларининг родительный келишиги охирида **-у** тугаллиги ҳеч қачон келмайди). Абстракт маъноли сўзлар ҳам родительный келишигида **-у, -ю** тугаллигини қабул қилади: *мнóго шўму, мáло тóлку*. Шунингдек, ўрин, вақт ва сабабни билдирувчи баъзи бир отлар ҳам *из, до, с (со), óколо* каби предлоглар билан ишлатилиб, родитель-

ный келишигида **-у, -ю** билан тамомланади, масалан: 1) ўринни билдирувчи — *из дому, из лесу*; 2) вақтни билдирувчи — *с часу дня, около часу* каби; 3) сабабни билдирувчи — *с испугу, со смеху* каби.

Иккинчи турланишда предложный келишигининг охирида (биринчи турланишдагидек) — **е** ёзилади, масалан:

Биринчи турланиш Иккинчи турланиш
И. горá (тоғ) *И. стол (стол)*
П. (о) горé (тоғ тўғрисида) *П. (о) столé (стол тўғрисида).*

Творительный келишигида **ж, ш, щ** ва **ц** товушларидан кейин (биринчи турланишдаги каби) ургу таъсирида **о**, ургу бўлмаса **е** ёзилади: *плащом* (плаш билан), *товарищем* (ўртоқ билан).

Мужской род сўзларининг охирида **-ий**, средний род сўзларининг охирида **-ие** келса, предложный келишигининг охирида **-и** ёзилади: *пролетáрий* — *о пролетáрии*, *назвáние* — *о назвáнии*, *собрáние* — *о собрáнии* каби.

Падеж Келишик	Множественное число Кўплик					
	Мужской род			Средний род		
И.	<i>кóни</i>	<i>столы́</i>	<i>врачи́</i>	<i>местá</i>	<i>моря́</i>	
Р.	<i>коней́</i>	<i>столо́в</i>	<i>врачей́</i>	<i>мест</i>	<i>морей́</i>	
Д.	<i>коня́м</i>	<i>столáм</i>	<i>врачáм</i>	<i>местáм</i>	<i>моря́м</i>	
В.	<i>коней́</i>	<i>столы́</i>	<i>врачей́</i>	<i>местá</i>	<i>моря́</i>	
Т.	<i>коня́ми</i>	<i>столáми</i>	<i>врачáми</i>	<i>местáми</i>	<i>моря́ми</i>	
П.	<i>(о) коня́х</i>	<i>(о) столáх</i>	<i>(о) врачáх</i>	<i>(о) местáх</i>	<i>(о) моря́х</i>	

Кўплик сонда баъзи бир мужской род отларининг именительный келишиги **-а, -я** тугалликларини қабул қилади:

Бирлик Кўплик
гóрод *городá*
пóезд *поездá*
учи́тель *учителя́.*

Баъзи мужской род сўзларининг кўплиги икки формада ишлатилиши мумкин: *цветы́* (гуллар) — *цветá* (бўёқлар); *зубы́* (тишлар, масалан, одамнинг тишлари) — *зубья́* (масалан, мола-нинг тишлари).

-ко, -хо, -чо билан битган средний род сўзларида кўпликнинг именительный келишигида **-и** ёзилади, масалан: *яблоко* — *яблоки*, *ухо* — *уши*, *плечó* — *плéчи*.

Средний род сўзларининг охирида, именительный келишигининг кўплигида, **-а** ёки **-я** ёзилади, масалан: *мэсто — места, окно — окна, ружьё — ружья, поле — поля.*

Баъзи бир отларда кўпликнинг именительный келишигида фақат **-ья** ёзилади, масалан: *брат — братья, крыло — крылья.*

Иккинчи турланишдаги мужской род отлари родительный келишигининг кўплигида **-ов, -ев, -ёв, -ей** тугалликларини қабул қилиши мумкин, масалан: *заводы — заводов, борцы — борцов, комсомольцы — комсомольцев, листья — листьев, музеи — музеев, бой — боев, друзья — друзей, дни — дней, товарищи — товарищей* каби.

Средний роддаги отлар родительный келишигининг кўплигида тугалликсиз бўлади, масалан; *государства — государств, средства — средств, плечи — плеч, села — сёл, места — мест, дела — дел.*

§ 78. Третье склонение. Учинчи турланиш.

Рус тилида женский род сўзлари охирида юмшоқ ундош ёки *ж, ч, ш, щ* товушлари келса, учинчи турланиш бўйича турланади.

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик	
И.	<i>площадь</i>	<i>вещь</i>
Р.	<i>площади</i>	<i>вещи</i>
Д.	<i>площади</i>	<i>вещи</i>
В.	<i>площадь</i>	<i>вещь</i>
Т.	<i>площадию</i>	<i>вещью</i>
П.	<i>(о) площади</i>	<i>(о) вещи</i>
Множественное число Кўплик		
И.	<i>площади</i>	<i>вещи</i>
Р.	<i>площадей</i>	<i>вещей</i>
Д.	<i>площадям</i>	<i>вещам</i>
В.	<i>площади</i>	<i>вещи</i>
Т.	<i>площадями</i>	<i>вещами</i>
П.	<i>(о) площадях</i>	<i>(о) вещах</i>

Женский род сўзларининг именительный келишигида *ж, ч, ш, щ* товушларидан сўнг юмшатиш белгиси ёзилади, масалан: *вещь — нарса, ночь — тун, кеча, мышь — сичқон, помощь — ёрдам.*

Учинчи турланишда **-е** тугаллиги ҳеч ишлатилмайди. Бу тугаллик фақат биринчи ва иккинчи турланишда бўлади.

Учинчи турланишда родительный, дательный ва предложный келишикларининг бирлигида **-и** ёзилади, масалан: *у плошад*, *к плошад*, *на плошад*.

Эслатма: *Путь* сўзи учинчи турланиш бўйича турланса ҳам, лекин ўзи мужской родга кирди.

Творительный келишигининг бирлигида **-ёю** ёзилади, масалан: *вёшью*, *плошадёю*.

§ 79. Склонение существительных на -ия, -ий, -ие. -Ия, -ий, -ие билан тугаган отларнинг турланиши.

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик		
И.	<i>революция</i>	<i>пролетарий</i>	<i>решение</i>
Р.	<i>революции</i>	<i>пролетария</i>	<i>решения</i>
Д.	<i>революции</i>	<i>пролетарию</i>	<i>решению</i>
В.	<i>революцию</i>	<i>пролетария</i>	<i>решение</i>
Т.	<i>революцией</i>	<i>пролетарием</i>	<i>решением</i>
П.	<i>(о) революции</i>	<i>(о) пролетарии</i>	<i>(о) решения</i>

Падеж Келишик	Множественное число Кўплик		
И.	<i>революции</i>	<i>пролетарии</i>	<i>решения</i>
Р.	<i>революцией</i>	<i>пролетариев</i>	<i>решений</i>
Д.	<i>революциям</i>	<i>пролетариям</i>	<i>решениям</i>
В.	<i>революции</i>	<i>пролетариев</i>	<i>решения</i>
Т.	<i>революциями</i>	<i>пролетариями</i>	<i>решениями</i>
П.	<i>(о) революциях</i>	<i>(о) пролетариях</i>	<i>(о) решениях</i>

§ 80. Склонение слов, обозначающих фамилии и названия городов. Фамилия ва шаҳар номларини билдирувчи отларнинг турланиши.

Падеж Келишик	-ин, -ын билан тамомланувчи фамилияларнинг турланиши		
И.	<i>Тугарин</i>	<i>Бурдин</i>	<i>Ильин</i>
Р.	<i>Тугарина</i>	<i>Бурдина</i>	<i>Ильина</i>
Д.	<i>Тугарину</i>	<i>Бурдину</i>	<i>Ильину</i>
В.	<i>Тугарина</i>	<i>Бурдина</i>	<i>Ильина</i>
Т.	<i>Тугариным</i>	<i>Бурдиным</i>	<i>Ильиним</i>
П.	<i>(о) Тугарине</i>	<i>(о) Бурдине</i>	<i>(сб) Ильине</i>

-ин, ын билан тугаган ва фамилияни ёки шаҳар номини билдирувчи мужской род отларининг творительный келишиги **-ым** билан тамомланади. Аммо **-ин** билан тамомландиган чет эл шаҳар номларининг творительный келишиги **-ом** билан тамомланади, масалан: *над Берлином*.

Падеж Келишик	-ов, -ев билан тамомланувчи фамилияларнинг турланиши		
И.	<i>Қадыров</i>	<i>Иванов</i>	<i>Петров</i>
Р.	<i>Қадырова</i>	<i>Иванова</i>	<i>Петрова</i>
Д.	<i>Қадырову</i>	<i>Иванову</i>	<i>Петрову</i>
В.	<i>Қадырова</i>	<i>Иванова</i>	<i>Петрова</i>
Т.	<i>Қадыровым</i>	<i>Ивановым</i>	<i>Петровым</i>
П.	<i>(о) Қадырове</i>	<i>(об) Иванове</i>	<i>(о) Петрове</i>

-ов, -ев билан тамомландиган ва мужской родга кирадиган фамилияларнинг творительный келишиги **-ым** тугаллигига эга.

Падеж Келишик	-ов, -ев, -ово, -ево билан тамомланувчи шаҳар ва жой номларининг турланиши	
И.	<i>Саратов</i>	<i>Кунцево</i>
Р.	<i>Саратова</i>	<i>Кунцева</i>
Д.	<i>Саратову</i>	<i>Кунцеву</i>
В.	<i>Саратов</i>	<i>Кунцево</i>
Т.	<i>Саратовом</i>	<i>Кунцевом</i>
П.	<i>(о) Саратове</i>	<i>(о) Кунцеве</i>

Ҳамма шаҳарлар, аҳоли яшайдиган пунктлар, қишлоқ ва посёлкаларнинг **-ов, -ев** билан тамомланувчи номлари ҳамма келишикларда қаттиқ ундош билан тамомланувчи мужской роддаги отлар каби турланади.

Падеж Келишик	-ина, -ова билан тамомланувчи фамилия ва исмларнинг турланиши	
И.	<i>Ильина</i>	<i>Петрова</i>
Р.	<i>Ильиной</i>	<i>Петровой</i>
Д.	<i>Ильиной</i>	<i>Петровой</i>

Падеж Келишик	-ина, -ова билан тамомланувчи фамилия ва исмларнинг турланиши	
В.	<i>Ильину́</i>	<i>Петро́ву</i>
Т.	<i>Ильино́й</i>	<i>Петро́вой</i>
П.	<i>(об) Ильино́й</i>	<i>(о) Петро́вой</i>

-ина, -ова билан тамомланадиган ва женский родга кирадиган фамилиялар женский род сифатлари каби турланадилар; винительный келишигининг тугаллиги отларнинг винительный келишигидаги тугаллиги каби бўлади.

-енко, -ко билан тамомланувчи украинча фамилиялар одатда келишик билан турланмайди, масалан: *видёл Климе́нко, взял у Климе́нко, недово́лен поведе́нием Климе́нко* каби.

-ич ёки **-ович** билан тамомланувчи фамилия эркак кишини билдирса, бошқа отлар сингари турланади, масалан: *Богданович, Богдановича, Богдановичу, Богдановичем, о Богдановиче* каби. Агар бундай фамилия хотин кишини билдирса, турланмайди, масалан: *приехала Богданович, пойдú к гражда́нке Богданович, недово́лен гражда́нкой Богданович, взял у гражда́нки Богданович* каби.

Чет эл тилларидан олинган ва ундош билан тамомланадиган фамилиялар эркак кишини билдирса, бошқа отлар сингари турланади, масалан: *Шмидт, Шмидта, Шмидту, Шмидтом, о Шмидте* каби. Агар бундай фамилиялар хотин кишини билдирса, турланмайди, масалан: *гражда́нка Шмидт, у гражда́нки Шмидт, гражда́нке Шмидт, гражда́нкой Шмидт, о гражда́нке Шмидт* каби.

Русча бўлмаган ва унли товуш билан тамомланадиган фамилиялар ҳамда **-у, -и, -е, -о** билан тамомланадиган шаҳар номлари турланмайди, масалан: *Бакú, из Бакú, поеду в Бакú, говорíл о Бакú; Тбили́си, приехал из Тбили́си, поеду в Тбили́си, говорíл о Тбили́си* каби.

§ 81. Склонение существительных на **-мя**. **-мя** билан тугаган отларнинг турланиши.

Средний родга кирадиган ва **-мя** билан тамомланадиган отлар (*время, зна́мя, пла́мя, пле́мя, се́мя, вы́мя, те́мя, бре́мя, стре́мя*) *йма* сўзи каби турланади. *Пла́мя, бре́мя, те́мя, вы́мя* сўзлари кўплик сонда ишлатилмайди. *Зна́мя* сўзи *йма* сўздан ва **-мя** билан тамомланувчи бошқа барча сўзлардан шу билан фарқ қиладики, бу сўзнинг кўплик сонидан ургу ҳамма келишикларда **-ен** суффиксига тушади. *Се́мя* ва *стре́мя* сўзлари кўпликнинг родительный келишигида *семян* ва *стремян* бўлади. Мисоллар:

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик	
И.	<i>и́мя</i>	<i>зна́мя</i>
Р.	<i>и́мени</i>	<i>зна́мени</i>
Д.	<i>и́мени</i>	<i>зна́мени</i>
В.	<i>и́мя</i>	<i>зна́мя</i>
Т.	<i>и́менем</i>	<i>зна́менем</i>
П.	<i>(об) и́мени</i>	<i>(о) зна́мени</i>
Множественное число Кўплик		
И.	<i>имена́</i>	<i>знаме́на</i>
Р.	<i>имён</i>	<i>знаме́н</i>
Д.	<i>имена́м</i>	<i>знаме́нам</i>
В.	<i>имена́</i>	<i>знаме́на</i>
Т.	<i>имена́ми</i>	<i>знаме́нами</i>
П.	<i>(об) имена́х</i>	<i>(о) знаме́нах</i>

**§ 82. Склонение существительных *время* и *семья*.
Время ва *семья* отларининг турланиши.**

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик	
И.	<i>вре́мя</i>	<i>се́мя</i>
Р.	<i>вре́мени</i>	<i>се́мени</i>
Д.	<i>вре́мени</i>	<i>се́мени</i>
В.	<i>вре́мя</i>	<i>се́мя</i>
Т.	<i>вре́менем</i>	<i>се́менем</i>
П.	<i>(о) вре́мени</i>	<i>(о) се́мени</i>
Множественное число Кўплик		
И.	<i>времени́</i>	<i>семена́</i>
Р.	<i>време́н</i>	<i>семя́н</i>
Д.	<i>времени́м</i>	<i>семена́м</i>
В.	<i>времени́</i>	<i>семена́</i>
Т.	<i>времени́ми</i>	<i>семя́ми</i>
П.	<i>(о) времени́х</i>	<i>(о) семена́х</i>

§ 83. Склонение существительного *дитя*.
Дитя сўзининг турланиши.

Падеж Келишик	Единственное число Бирлик	Множественное число Кўплик
И.	<i>дитя</i>	<i>дѣти</i>
Р.	<i>дитяти</i>	<i>дѣтѣй</i>
Д.	<i>дитяти</i>	<i>дѣтям</i>
В.	<i>дитя</i>	<i>дѣтѣй</i>
Т.	<i>дитятею</i>	<i>дѣтми</i>
П.	<i>(о) дитяти</i>	<i>(о) дѣтях</i>

Средний родга кирувчи *дитя* сўзининг бирлиги ҳозиргп рус тилида фақат именительный ва винительный келишиклари-дагина ишлатилади. Классик адабиётда эса *дитя* сўзини бошқа падежларда ҳам учратиш мумкин, масалан: «*Кашу заварит, нячнется с дитятей...*» (Пушкин.) Бошқа келишикларда одатда *ребёнок* сўзи ишлатилади: *ребёнка, ребёнку* каби. Кўплик сонда *дети* ва *ребята* сўзининг ҳар иккаласи ҳам ишлатилаверади.

Окончания падежей. Келишикларнинг тугалликлари.

§ 84. Именительный келишиги. Рус тилида именительный келишигидаги отлар охирида қуйидаги тугалликлар бўлади:

Единственное число Бирлик		
Мужской род	Женский род	Средний род
Қаттиқ ундошлар билан тугаган отлар.	<i>-а</i>	<i>-о</i>
Юмшоқ ундошлар билан тугаган отлар.	<i>-я</i>	<i>-е</i>
<i>й</i> товуши билан тугаган отлар.	<i>-ь</i>	<i>-ѣ</i>
Множественное число Кўплик		
Мужской ва женский род		Средний род
<i>-ы, -и, -а, -я</i>		<i>-а, -я</i>

§ 85. Родительный келишиги. Рус тилида родительный келишигидаги отларнинг тугалликлари қуйидагича:

Единственное число Бирлик		
Мужской род	Женский род	Средний род
-а, -я	-ы, -и	-а, -я

Мужской род сўзлари родительный келишигининг бирлигида **-а, -я** тугалликлари билан бир қаторда **-у, -ю** тугалликлари ҳам эга бўлиши мумкин.

1) Бирор нарса ёки материалнинг миқдорини ёхуд унинг бир қисмини кўрсатганда, масалан: *он выпил стакан чаю, взял кусок сахара, купил килограмм мёду.*

Лекин **хлеб, овёс** сўзлари **-у** тугаллигини эмас, **-а** тугаллигини қабул қилади: *купил хлеба (лекин хлебу эмас);*

2) **из, до** олд кўмакчиларидан кейин ўрин кўрсатилганда, масалан: *вышел из лесу, до дому километра три* (урғу, одатда, олд кўмакчига ўтади);

3) **до, с, около** олд кўмакчиларидан кейин вақт кўрсатилганда, масалан: *ждал с часу дня, ждал до часу дня, ждал около часу;*

4) **с (со)** олд кўмакчисидан кейин сабаб кўрсатилганда, масалан: *умереть со страху, крикнуть с испугу;*

5) олд кўмакчи билан келган баъзи бир ибораларда, масалан: *упустить из виду, не видеть от роду;*

6) баъзан инкор юкламалари (*нет, не, ни*) билан келганда, масалан: *нет снегу, дыму, сору; не показывать и виду; ни склади, ни ладу; ни слуху, ни духу; нет толку* каби.

Родительный келишигининг кўплигида **-ов, -ев, -ёв, -ей** тугалликлари бўлиши мумкин.

-ов тугаллиги қаттиқ ундош билан тамомланган ҳамма мужской род отларига қўшилади, масалан: *городов, учеников, столов* каби.

-ов, -ев тугалликлари **-ц** билан тамомланувчи мужской род отларига қўшилади. Урғу таъсирида **-ов**, урғу бошқа бўгинга тушганда **-ев** ёзилади, масалан; *бойцов, комсомольцев.*

-ев тугаллиги кўпликда **-ья** билан тамомланувчи мужской род сўзларининг негизига қўшилади, масалан: *братья — братьев, листья — листьев.*

Бу қоидадан мустасно: *сыновья — сыновей, друзья — друзей.*

-ев, ёв тугалликлари негизи **-й** билан тамомланувчи мужской род сўзларига қўшилади. Урғу таъсирида **-ёв**, урғу бошқа бўгинга тушса, **-ев** ёзилади, масалан: *героев, боев* каби.

-ей тугаллиги юмшоқ ундош, қаттиқ ва юмшоқ шипилдоқ товуш билан тамомланувчи негизларга қўшилади, масалан: *учителёй, карандашёй*.

§ 86. **Дательный келишиги.** Дательный келишигида келган отларнинг тугалликлари:

Единственное число Бирлик		
Содда, туб фельлардан олд қўшимчалар ёрдами билан ту-галланган фельлар яшаш мумкин, масалан: тугалланмаганлик-ни англаувчи *писа́ть* фельдидан олд қўшимчалар ёрдами билан қўйидаги фельларни тузмоқ мумкин: *написа́ть* (ёзиб қўймоқ, ёзиб бермоқ), *записа́ть* (ёзиб олмоқ), *переписа́ть* (кўчириб ёз-моқ), *надписа́ть* (устига ёзмоқ), *подписа́ть* (остига, охирига ёзиб қўймоқ, қўл қўймоқ) ва ҳоказо.

Баъзи бир тугалланмаганликни англаувчи туб фельлар **-ну-** суффикси воситаси билан тугалланганликни ҳосил қилади, масалан:

Несовершенный вид

Совершенный вид

толка́ть (туртмоқ)
крича́ть (қичқирмоқ)

толкну́ть (туртиб юбормоқ)
крикну́ть (қичқириб юбормоқ)

-ну- суффиксини олган фельлар иш-ҳаракатнинг бир марта бўлганини, такрорланмаганлигини (однократный вид) ва тезлик билан бажарилганини билдиради. Тугалланганликни англаув-чи фельлардан **-ыва-**, **-ива-** суффикслари ёрдами билан тугал-ланмаганликни англаувчи фельлар ясалади, масалан:

Совершенный вид

Несовершенный вид

записа́ть (ёзиб олмоқ)
переписа́ть (кўчириб ёзиб бўлмоқ)
окончи́ть (тамом қилиб қўймоқ)

записыва́ть (ёзмоқ)
переписыва́ть (кўчириб ёзмоқ)
оканчива́ть (тамомламоқ)

Тугалланганликни англатувчи феъллардан олдин турли олд қўшимчалар қўлланиши мумкин, масалан:

Олд қўшимчалар	Несовершенный вид	Совершенный вид
при-	<i>шить</i> (тикмоқ)	<i>пришítь</i> (тикиб қўймоқ)
про-	<i>читать́ь</i> (ўқимоқ)	<i>прочита́ть</i> (ўқиб чиқмоқ)
с-	<i>де́лать</i> (қилмоқ)	<i>сде́лать</i> (қилиб қўймоқ)
на-	<i>писа́ть</i> (ёзмоқ)	<i>написа́ть</i> (ёзиб қўймоқ)
по-	<i>чини́ть</i> (тузатмоқ)	<i>почини́ть</i> (тузатиб қўймоқ)

Олд қўшимчалар қуйидаги маъноларни англатиши мумкин:

1) **по-, про-, на-, с-, о-** олд қўшимчалари иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради, масалан: *писать* (ёзмоқ)—*написать* (ёзиб қўймоқ), *делать* (қилмоқ)—*сделать* (қилиб қўймоқ), *читать* (ўқимоқ)—*прочитать* (ўқиб чиқмоқ) каби;

2) **по-, за-** олд қўшимчалари баъзи феълларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг бошланиш маъносини англатади, масалан: *говори́ть* (гапирмоқ)—*заговори́ть* (гапириб юбормоқ), *летéть* (учмоқ)—*полетéть* (учиб кетмоқ);

3) **в- (во-), вы-, у-, до-, от- (ото-), с- (со-), при-, за-, пере-, из- (ис-), под-, над-, про-, о-, раз- (рас-)** каби олд қўшимчалар турли маъно англатиши мумкин. Олд қўшимчали феъллар русча-ўзбекча луғатларда мустақил сўз сифатида берилади.

Баъзан тугалланганлик маъноси турли сўзлар билан ифодаланadi, масалан:

Несовершенный вид

брать
класть
говори́ть

Совершенный вид

взять
положи́ть
сказа́ть каби.

Ўзбек тилида феъллар одатда бу тарзда турларга ажратилмайди, аммо иш-ҳаракатнинг бўлганлиги, унинг тугалланганлиги кўпинча кўмакчи феъллар ёрдами билан ифода қилинади, масалан: *ёзмоқ*—*ёзиб тугатмоқ*, *ёзиб қўймоқ*, *ёзиб бермоқ*, *ёзиб олмоқ* каби.

§ 162. Будущее время. Келаси замон.

Рус тилида келаси замон иккига бўлинади: бўдущее прѳостое врѳемя — келаси замон содда феъли ва бўдущее слѳѳожное врѳемя — келаси замон қўшма феъли.

Рус тилида келаси замон феълларининг ишлатилиши феълларнинг тугалланган ва тугалланмаганлигига боғлиқ. Тугалланганликни англатувчи (*прочитáть, написáть*) феълларнинг келаси замон шакли содда бўлиб, тугалланмаган феълларнинг ҳозирги замонидек тусланади, масалан: *я прочита́ю, ты прочита́ешь, он прочита́ет; мы прочита́ем, вы прочита́ете, они прочита́ют* каби.

Аммо тугалланмаганликни англатувчи феъллар (*чита́ть, писа́ть*)нинг келаси замон шакли мураккаб, қўшма бўлиб, *бўду* кўмакчи феълнинг ёрдами билан тузилади; *бўду* кўмакчи феъли биринчи тусланиш бўйича тусланиб, туб маъноли феъл эса инфинитив шаклида қўлланади, масалан: *я бўду чита́ть, мы бўдем раба́татъ*.

1. Бўдущее прѳостѳе врѳемя. Содда келаси замон.

Лицо Шахс	Единственное число Бирлик	
1-е	<i>я приду́</i>	<i>напишу́</i>
2-е	<i>ты приде́шь</i>	<i>напи́шешь</i>
3-е	<i>он приде́т</i>	<i>напи́шет</i>
Множественное число Кўплик		
1-е	<i>мы приде́м</i>	<i>напи́шем</i>
2-е	<i>вы приде́те</i>	<i>напи́шете</i>
3-е	<i>они́ приду́т</i>	<i>напи́шут</i>

2. Бўдущее слѳѳожное врѳемя. Қўшма келаси замон

Лицо Шахс	Единственне число Бирлик
1-е	<i>я бўду чита́ть, писа́ть</i>
2-е	<i>ты бўдешь чита́ть, писа́ть</i>
3-е	<i>он бўдет чита́ть, писа́ть</i>
Множественное число Кўплик	
1-е	<i>мы бўдем чита́ть, писа́ть</i>
2-е	<i>вы бўдете чита́ть, писа́ть</i>
3-е	<i>они́ бўдут чита́ть, писа́ть</i>

§ 163. Наклонения глагола. Фейл майллари.

Фейл майллари сўзловчининг фейлдан англашилган иш-ҳаракатга бўлган турли қарашларини билдиради.

Рус тилида фейллар уч майлга эга:

а) изъявительное наклонение — аниқлик майли; бу майл иш-ҳаракатнинг уч замондан бирига тааллуқли эканлигини билдиради (қаранг: **Настоящее время, Прошедшее время, Будущее время**);

б) повелительное наклонение — буйруқ майли; бу майл тингловчи томонидан бажарилиши зарур бўлган иш-ҳаракатни англатади (қаранг: **Повелительное наклонение**);

в) условное наклонение — шарт майли; бу майл бирор иш ҳаракатнинг маълум шарт билан бажарилишини англатади (қаранг: **Условное наклонение**).

§ 164. Повелительное наклонение. Буйруқ майли.

Рус тилида буйруқ феъли қуйидагича ясалади:

1) ҳозирги замон феълининг тугаллигидан олдин унли товуш келса, буйруқ феъли ясаш учун **-й** қўшилади, масалан: *работаю — работай, читаешь — читай, проверяю — проверь*;

2) ҳозирги замон феълининг тугаллигидан олдин ундош товуш келса, буйруқ феълини ясаш учун **-и** қўшилади, масалан: *смотри — смотри, пиши — пиши*;

3) сўзнинг негизига **-ь** (юмшатиш белгиси) қўшиб ясалади, масалан: *яду — ядь, режу — режь*;

4) бирликдан кўплик ясаш учун бирликнинг охирига **-те** қўшилади, масалан: *читай — читайте, считай — считайте, режь — режьте*.

§ 165. Сослагательное (условное) наклонение.

Шарт майли.

Рус тилида шарт феъли ўтган замон феълига *бы (б)* юкламасини қўшиш билан ясалади: *бы (б)* юкламаси феълдан айрим ёзилиб, гоҳ феълнинг олдида, гоҳ кейинида келиши мумкин, масалан: *пошёл бы я; ты бы пошёл. Бы (б)* юкламаси турли боғловчилар билан бирга келиши ҳам мумкин (*если бы, хоть бы*). Шарт майли эргашган қўшма гап таркибида ишлатилганда, *бы (б)* юкламаси бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам келиши мумкин, масалан: *Мы приехали бы вовремя, если бы не опоздал поезд. Я пошёл бы, если бы знал, где он живёт*.

Рус тилида шарт майли қуйидаги маъноларни билдиради:

1) иш-ҳаракатнинг маълум бир шароитда бўлиши мумкин эканлигини, масалан: *если бы у меня было время я пошёл бы в кино; если завтра будет хорошая погода, то мы поедem на рыбалку каби*;

2) истак-тилак маъносини англатади, масалан: *скорей бы наступили каникулы! Скорей бы пришёл поезд!*

3) илтимос-қисташ маъносини билдиради, масалан: *поёхал бы ты в лагерь! Взял бы он отпуск!*

§ 166. Глаголы на *-ся, -ся* билан тамомланувчи феъллар.

Рус тилида феълларга *-ся* [ундош ва *ь-* (юмшатиш белгиси) билан тамомланувчи феълларга] ёки *-сь* (унли билан тамомланувчи феълларга) қўшилиши мумкин, масалан: *встречать — встречаться, встречает — встречается, встречай — встречайся, встречаю — встречаюсь, встречали — встречались*. Бундай феъллар возвратные глаголы (яъни ўзлик феъллари) деб аталади.

-ся юкламаси талаффузда одатда *-са* каби айтилади, масалан:

Ёзилари	Талаффуз этилари
<i>брѣлся</i>	<i>брѣлса</i>
<i>мыѣлся</i>	<i>мыѣлса</i>
<i>купѣлся</i>	<i>купѣлса</i>
<i>испугѣлся</i>	<i>испугѣлса</i>

-сь юкламаси кўп вақт талаффузда қаттиқ *с* каби айтилади.

-тся, -ться тугалликлари талаффузда чўзиқ *ц* каби айтилади, яъни *т* ва *с* ундошлари айрим айтилмайди, масалан:

Ёзилари	Талаффуз этилари
<i>брѣтся</i>	<i>брѣцца</i>
<i>купѣтся</i>	<i>купѣцца</i>
<i>спѣтся</i>	<i>спѣцца</i> каби

Бу юклама феълнинг маъносини ўзгартиради.

Ўтимли феъллар *-ся* юкламасини қабул қилиб, ўтимсизлашади ва қуйидаги маъноларни англатади:

1) *-ся* юкламасини қабул қилган баъзи бир феъллар *себя* маъносини беради. Бунда иш-ҳаракат бажарувчи шахснинг ўзига қаратилган бўлади, масалан: *мыть — мыться, одевать — одеваться* каби.

Лицо Шахс	Единственное число Бирлик	Множественное число Кўplik
1-е	<i>я умыва́ю сь</i>	<i>мы умыва́ем-ся</i>
2-е	<i>ты умыва́-ешь сь</i>	<i>вы умыва́ете-сь</i>
3-е	<i>он умыва́ет-ся</i>	<i>они́ умыва́ют-ся</i>

Рус тилида ўзлик феъллари биринчи ва иккинчи тусланиш бўйича тусланади, масалан: *умываться* (ювинмоқ — биринчи тусланиш феъли): *умывается, умываются*; *сердиться* (аччиқланмоқ — иккинчи тусланиш феъли): *сердишься, сердятся*;

2) баъзи феълларда *-ся* юкламаси мажҳуллик маъносини билдиради. Бунда эга иш-ҳаракатни бажарувчи шахс ёки предметни кўрсатмайди. Бажарувчи илҳс ёки предметни творительный келишигида турган тўлдирувчи кўрсатади, масалан: *Ученик выполняет задание — Задание выполняется учеником*.

Мажҳуллик маъносини билдирувчи феъллар глаголы страдательного залoга (яъни мажҳул нисбатдаги феъллар) дейилади. Мажҳуллик маъносини билдирувчи феълларни фақат ʈтимли феъллардан яшаш мумкин, масалан:

стро́ить — строи́ться
де́лать — де́латься
выполня́ть — выполня́ться
чита́ть — чита́ться каби;

3) бир қанча феълларда *-ся* юкламаси биргалик маъносини англатади. Бунда иш-ҳаракатнинг икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан бажарилиши кўрсатилади, масалан:

поборо́ть — поборо́ться
встреча́ть — встреча́ться

Биргалик маъносини англатувчи феъллар глаголы взаимного залoга — феълнинг биргалик нисбати дейилади. Биргалик маъносини англатувчи феълларга *-ся* юкламасисиз баъзи бир ўтимсиз феъллар ҳам киради, масалан: *воева́ть* каби.

-ся юкламаси ўтимсиз феълга қўшилса, феълнинг маъноси ўзгаради ва шу феъл кўпинча шахссиз феълга айланади, масалан: *Он не спит. — Ему́ не спи́тся. Ты ду́маешь — Тебе́ ду́мается* каби.

Баъзан ўтимли феъллар ҳам *-ся* юкламасининг қўшилиши билан шахссизлик маъносига эга бўлиши мумкин, масалан: *Я не чита́ю — Мне не чита́ется* каби.

Лекин шундай феъллар борки, улар гоҳ *-ся* юкламаси билан, гоҳ юкламасиз ишлатилади; уларнинг маъноси бир, масалан: *белёть — белётся, синеть — синётся, чернёть — чернёться* каби.

Бу мисолларда *-ся* юкламасининг қўшилиши билан феълларнинг маъноси ўзгармайди.

Шундай феъллар борки, улар *-ся* юкламасисиз ишлатилмайди, масалан: *надёяться, боя́ться, любова́ться, смея́ться, кла́няться, охоти́ться, труди́ться, горди́ться* ва ҳоказо.

Лекин *-ся* юкламасини қабул қилмайдиган феъллар ҳам бор, масалан: *мо́кнуть, приле́чь, умере́ть, па́хнуть* каби. *Игра́ть* феъ-

ли **-ся** юкламаси билан фақат мажхуллик ва шахссизлик маъноларида ишлатилади, масалан: *Мне сегодня не играется. Пластилька игралась много раз.*

Баъзи феълларнинг **-ся**-ли формаси билан **-ся-** сиз формаси бошқа-бошқа маънони билдиради, масалан:

занимáть ҳам *занимáться*
добы́ть ҳам *добы́ться*
находи́ть ҳам *находи́ться*
носи́ть ҳам *носи́ться* каби.

§ 167. Безличные глаголы. Шахссиз феъллар.

Шахссиз феъллар сон, род ва шахсга қараб ўзгармайди. Ҳозирги ва келаси замон формаларида шахссиз феъллар учинчи шахснинг бирлигида, ўтган замонда эса *средний* родда ишлатилади, масалан: *вечерéет, морóзит, нездоровится.*

Шахссиз феъллар асосан икки хусусиятга эга:

1) табиат ҳодисаларини билдирувчи шахссиз феъллар, масалан:

Ҳозирги замон	Келаси замон	Ўтган замон
<i>светáет</i>	<i>будет светáть</i>	<i>светáло</i>
<i>вечерéет</i>	<i>будет взчерéть</i>	<i>вечерéло</i>
<i>морóзит</i>	<i>будет морóзить</i>	<i>морóзило</i>
<i>смеркáется</i>	<i>будет смэркáться</i>	<i>смэркáлось</i>

2) бирор шахснинг бошидан кечираётган ҳолатини билдириб, дательный ёки винительный келишикларини талаб қилади, масалан:

Ҳозирги замон Келаси замон Ўтган замон

а) дательный келишигичи талаб қилади:

мне *хóсится* *будет хотéться* *хстéлось*
тебé /
ему́ /

б) винительный келишигини талаб қилади:

меня́ *лихорáдит* *будет лихорáдить* *лихорáдило.*
тебя́ /
его́ /

§ 168. Частица *не* с глаголами. *Не* юкламасининг феъллар билан ишлатилиши.

1. *Не* юкламаси одатда феъллардан айрим ёзилади, масалан: *я не читáл, он не пришёл, мы не дéлали, вы не писáли* каби.

2. Агарда феъллар не- сиз ишлатилмаса, не юкламаси қўшиб ёзилади, масалан: *ненавидеть, негодовать* каби.

3. Изоҳловчи сўзлари бўлмаган тўлиқ сифатдошлар билан неюкламаси қўшиб ёзилади, масалан: *неоконченный труд, нержавяющая сталь, неотправленное письмо* (бундай ҳолларда сифатдошнинг маъноси сифатга яқин бўлади); аммо: *не оконченный вовремя труд, не отправленное из-за болезни письмо* (бундай ҳолларда сифатдошнинг маъноси феълга яқин бўлади).

§ 169. Суффиксы глаголов. Феъл ясовчи суффикслар.

От, сифат, феъл ва ундовлардан турли суффикс ва префикслар (олд қўшимчалар) ёрдами билан феъл ясалиши мумкин:

1) [отлардан *-ов- (-ать), -ев- (-ать), -а- (-ть)*] суффикслари ёрдами билан феъл ясалди, масалан: *горе — горевать: горюю, горюешь, горюет; горевал; беседа — беседовать: беседую, беседуешь, беседует; беседовал; плотник — плотничать* (бу мисолда *к — ч* ундовларнинг алмашинуви кўрама).

-ова-, -ева- суффикслари урғусиз ҳолатла *-ыва-, -ива-* суффиксларидан талаффузда фарқ қилмайди. Кўрсатилган суффиксларни ёзувда тўғри ишлатиш учун қуйидаги қоида билан лозим: а) ҳозирги замон биринчи шахси охирида *-ую, -юю* тугалликлари эшитилса, ўтган замон ва феълнинг коаниқ формасида *-ова-, -ева-* ёзилади, масалан: *я советую — я советовал; советовать я беседую — я беседовал; беседовать; я горюю — я горевал; горевать* каби; б) ҳозирги замон биринчи шахси охирида *-ываю, -иваю* тугалликлари эшитилса, ўтган замон ва феълнинг ноаниқ формасида *-ыва-, -ива-* ёзилади, масалан: *я показываю — я показывал; показывать; я устраиваю — я устраивал; устраивать* каби;

2) сифат ва отлардан *-еть, -ить* суффикслари ёрдами билан феъл ясалади. масалан: *белый — белеть* ҳам *белый — белить: белеть* — оқармоқ, оқариб кетмоқ; оқариб кўринмоқ, — *белеть парус в море* — денгизда елкан оқариб кўринади; *белить* — оқартмоқ, оқламоқ — *белить потолок* — уй шипини оқартмоқ; *чёрный — чернеть* ҳам *чёрный — чернить: чернеть* — қораймоқ; қорайиб кўринмоқ — *вдали чернел лес* — узоқдан ўрмон қорайиб кўринади; *чернить* — қорайтирмоқ, қорага бўймоқ; қораламоқ;

3) турли префикс (олд қўшимча) лар ёрдами билан феъллардан, феъл ясалди, масалан: *ходить — выходить, входить, заходить, отходить, приходить, находить, уходить* каби.

4) ундовлардан *-а(ть), -ка (ть)* суффикслари ёрдами билан феъл ясалди, масалан: *ах — ахать, мяу — мяукать* каби.

§ 170. Причастие. Сифатдош.

Ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларига эга бўлган феъл формалари **сифатдош** деб аталади. Рус тилида сифатдош икки замонни билдириб келади; 1) причáстие настоящего времени — ҳозирги замон сифатдоши ва 2) причáстие прошедшего времени — ўтган замон сифатдоши.

Рус тилида келаси замон сифатдоши йўқ.

Сифатдошнинг сифатдан фарқи шуки, сифатдош предметнинг ҳаракат ёки ҳолатини билдириб, унинг шу белгисини маълум замонда кўрсатади.

§ 171. Действительные и страдательные причастия.

Аниқ ва мажҳул даражадаги сифатдошлар.

Сифатдошлар иккига бўлинади: 1) действительное причáстие — аниқ сифатдош ва 2) страдательное причáстие — мажҳул сифатдош.

Аниқ сифатдош ҳаракат қилган ёки ҳаракат қилаётган предметнинг белгисини кўрсатади, масалан: *писáтель, написáвший этот ромáн; ученík, читáющий кнiгу* каби.

Ўтимли феъллардан ясалган аниқ сифатдошлар билан келган от одатда олд кўмакчисиз винительный келишигида ишлатилади.

Мажҳул сифатдош эса бошқа бир предмет ёки шахснинг ҳаракатига тобе бўлган предмет белгисини билдиради, масалан: *ромáн, написанный этим писателем; кружок, руководímый опытным учителем* каби.

Мажҳул сифатдош билан келган от одатда творительный келишигида ишлатилади.

Сифатдош гапда от олдида ёки отдан сўнг келиши мумкин, масалан: *я víдел приехавшего из колхоза агронома ёки я víдел агронома, приехавшего из колхоза.*

§ 172. Полные и краткие причастия.

Тўлиқ ва қисқа сифатдошлар.

Мажҳул сифатдошлар тўлиқ ва қисқа формаларга эга. Қисқа сифатдошлар турланмайди; улар род ва сонда эга билан мослашиб келади.

Қисқа сифатдошлар **-н-** (баъзан **-т-**) суффикси билан ясалади: *прочítан — прочítана — прочítано — прочítаны* каби. Гапда қисқа сифатдош фақат кесим вазифасида кела олади: *дверь открьiта*. Тўлиқ сифатдошлар эса гапда иккинчи даражали гап бўлаклари ва кесим вазифасида ишлатилиши мумкин.

§ 173. Образование причастий. Сифатдошларнинг ясалиши.

Рус тилида тўлиқ сифатдошлар қуйидагича ясалади:

1. Ҳозирги замон аниқ сифатдошлари ҳозирги замон феълларидан 3- шахс кўplik тугалликларини олиб ташлаб, уларнинг ўрнига **-ущ-** (**-ющ-**), **-ащ-** (**-ящ-**) суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: *нести́* — *несу́т* — *несу́щий*, *несу́щая*, *несу́щее* (олиб бораётган); *писа́ть* — *пишу́т* — *пишу́щий*, *пишу́щая*, *пишу́щее* (ёзаётган); *смотре́ть* — *смотре́ют* — *смотре́ющий*, *смотре́ющая*, *смотре́ющее* (қараётган).

2. Ҳозирги замон мажҳул сифатдошлари ҳозирги замон феълларидан 1- шахс кўplik тугалликларини олиб ташлаб, унинг ўрнига **-ем-**, **-им-** суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: *чита́ем* — *чита́емый*, *чита́емая*, *чита́емое* (ўқилаётган); *дела́ем* — *дела́емый*, *дела́емая*, *дела́емое* (қилинаётган); *руководи́м* — *руководи́мый*, *руководи́мая*, *руководи́мое*.

3. Утган замон аниқ сифатдошлари ноаниқ форманинг негизига **-виш-**, **-иш-** суффиксларини қўшиш билан ясалади. Масалан: *чита́ть* — *чита́вший*, *чита́вшая*, *чита́вшее* (*чита́вший человек* — ўқиган одам, лекин «одам ўқиган» эмас); *прине́сти* — *прине́сший*, *прине́сшая*, *прине́сшее*.

Ноаниқ форма негизи охирида унли товуш бўлса, **-виш-** суффикси ёзилади, масалан: *ви́дет* — *ви́де-виш-ий*, *ви́де-виш-ая*, *ви́де-виш-ее* (кўрган).

Ноаниқ форма негизининг охирида ундош товуш келса, **-иш-** суффикси ёзилади: *несу́ти* — *нес-иш-ий* (олиб борган).

-иш- суффиксини қўшганда, ноаниқ форма суффикслари (**-ть**, **-ти**, **-чь**) олдида келган ундош товуш ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш ҳозирги замон феълнинг негизи билан таққосланганда билинади, масалан: *веду́* — *веду́щий*, *веду́щая*, *веду́щее* (олиб борган); *печа́* — *печа́ющий*, *печа́ющая*, *печа́ющее* (нон ёпган).

Баъзи бир ясалишлар: *ви́тереть* — *ви́тер* — *ви́терший*, *ви́тершая*, *ви́тершее* (артган); *прили́пнуть* — *прили́п* — *прили́пший*, *прили́пшая*, *прили́пшее* (ёпишган).

4. Утган замон мажҳул сифатдошлари ноаниқ форманинг негизига **-нн-**, **-т-** суффиксларини қўшиш билан ясалади, масалан: *чита́ть* — *чита́нный*, *чита́нная*, *чита́нное* (ўқилган); *мы́ть* — *мы́тый*, *мы́тая*, *мы́тое* (ювилган).

Ноаниқ форма охирида **-иш-** бўлса, **-инный** олдида баъзан ёзилади: *сочини́ть* — *сочинённый*, *сочинённая*, *сочинённое* (ёзилган).

-ти ноаниқ форма суффикси олдида ундош товуш келса, **-ённый** қўшилади, масалан: *прине́сти* — *прине́су* — *прине́сённый*, *прине́сённая*, *прине́сённое* (олиб келинган, келтирилган).

Ноаниқ форма охирида **-ць** бўлса, **-нный** қўшилади, масалан: *сберечь — сбережешь — сбережённый, сбережённая, сбережённое* (сақланган).

Ноаниқ форма охирида **-ть** бўлса, **-енн-** суффиксини қўшганда, суффикс олдида ундош товушлар алмашиниши мумкин: *купить — купленный, купленная, купленное* (сотиб олинган); *бросить — брошенный, брошенная, брошенное* (ташланган); *утвердить — утверждённый, утверждённая, утверждённое* (тасдиқланган).

§ 174. Склонение причастий. Сифатдошларнинг турланиши.

Единственное	число	Бирлик			
			Мужской род	Средний род	Женский род
И. <i>строящийся завод</i>	<i>строящееся здание</i>	<i>строящаяся фабрика</i>			
Р. <i>строящегося завода</i>	<i>строящегося здания</i>	<i>строящейся фабрики</i>			
Д. <i>строящемуся заводу</i>	<i>строящемуся зданию</i>	<i>строящейся фабрике</i>			
В. <i>строящийся завод</i>	<i>строящееся здание</i>	<i>строящуюся фабрику</i>			
Т. <i>строящимся заводам</i>	<i>строящимся зданиям</i>	<i>строящейся фабрикой</i>			
П. (о) <i>строящемся заводе</i>	(о) <i>строящемся здании</i>	(о) <i>строящейся фабрике</i>			

Множественное число Кўплик

И. *строящиеся заводы, здания, фабрики*
 Р. *строящихся заводов, зданий, фабрик*
 Д. *строящимся заводам, зданиям, фабрикам*
 В. *строящиеся заводы, здания, фабрики*
 Т. *строящимися заводами, зданиями, фабриками*
 П. (о) *строящихся заводах, зданиях, фабриках*

§ 175. Правописание причастий. Сифатдошларнинг имлоси.

1. Тўлиқ мажхул сифатдошларда қатор келган иккита **н**, қисқа сифатдошларда эса битта **н** ёзилади, масалан:

Тўлиқ сифатдошлар	Қисқа сифатдошлар
<i>написанный диктант</i> <i>прочитанная книга</i> <i>засеянное поле</i> <i>купленные книги</i>	<i>диктант написан</i> <i>книга прочитана</i> <i>поле засеяно</i> <i>книги куплены</i>

2. Олд қўшимчасиз феъллардан ясалган ва сифат ёки от туркумига ўтган сифатдошлар битта *н* билан ёзилади, масалан: *жареное мя́со, кипячёная вода́* каби. Олд қўшимчали феъллардан ясалган бўлса, иккита *н* ёзилади, масалан: *воспитанный челове́к, пропу́щенный уро́к* каби.

Сифат ёки от туркумига ўтмаган сифатдошлар битта *н* билан ёзилади. Лекин **-ованн-** суффикси билан ясалган ва сифат ёки от туркумига ўтган сифатдошлар ҳамма вақт иккита *н* билан ёзилади, масалан: *квалифици́рованный преподава́тель*.

3. Биринчи тусланиш феълларидан ясалган аниқ сифатдошларда **-ущий, -ющий** (*пи́шущий, чита́ющий* каби), иккинчи тусланиш феълларидан ясалган сифатдошларда эса **-ащий, -ящий** (*ды́шащий, сидя́щий* каби) ёзилади.

4. Урғусиз ҳолда **-енн-** суффикси шипилдоқ товушлардан кейин *е* билан, урғули ҳолларда эса *ё* билан ёзилади, масалан: *вы́ученный* ва *вооружённый* каби.

§ 176. Частица *не* с причастиями. **Не** юкламасининг сифатдошлар билан ишлатилиши.

1. Тўлиқ сифатдош олдида изоҳловчи сўз келганда, *не* юкламаси айрим ёзилади. Агарда изоҳловчи сўз бўлмаса, сифатдош ўзи аниқловчи вазифасида келса, *не* юкламаси сифатдошга қўшиб ёзилади, масалан: *Рабо́та, не о́конченная к сро́ку, задержала нас. У меня́ есть неоконченная рабо́та.*

2. Бир предметни бошқа бир предметга таққослаганда, *не* юкламаси айрим ёзилади, масалан: *не написа́нный, а напеча́танный; не остри́женный, а бри́тый* каби.

Не юкламаси қисқа сифатдошлар билан айрим ёзилади, масалан: *пору́чение не вы́полнено; собра́ние не со́звано; зада́ча не реше́на; стихотворе́ние не вы́учено* каби.

Келтирилган қисқа сифатлар гапда кесим вазифасида келади.

§ 177. Деепричастие. Равишдош.

Феъллик белгиларига ҳам, равишлик белгиларига ҳам эга бўлган феъл формаси **равишдош** деб аталади.

Равишдошлар ҳам феъллик, ҳам равишлик хусусиятига эга. Бироқ равишдошлар феъл сингари сон ва шахс билан тусланмайди. Равишдош гапда гапнинг иккинчи даражали бўлаги (ҳол) вазифасида келади.

§ 178. Образование деепричастий. Равишдошларнинг ясалиши.

Равишдошларнинг ҳам, феъллар сингари, тугалланмаган ва тугалланган турлари бордир. Равишдош қайси феълдан ясалган бўлса, ўша феълнинг турини сақлайди. Тугалланмаган

фeъллардан ясалган равишдошлар деепричастия несовершенного вида деб аталади, тугалланган фeъллардан ясалган равишдошлар эса деепричастия совершенного вида деб аталади.

Тугалланмаган турга кирувчи равишдош ҳозирги замон фeълнинг негизидан ясалади. Бунинг учун 3- шахс кўплик тугалликларини олиб ташлаб, ўрнига **-я, -а** (шипилдоқ товушлардан кейин) суффиксларини қўшиш зарур, масалан: *слу́шают — слуша́я, чита́ют — чита́я, занима́ются — занима́ясь, держатся — держась, дышат — дыша, плачут — плача*.

Тугалланган турга кирадиган равишдошлар тугалланган фeълларнинг ўтган замонидан ясалади. Бунда ўтган замон суффикси **-л** ўрнига **-в** ёки **-вши** суффикси қўшилади. Агар фeълнинг **-л** суффикси бўлмаса, унда равишдош **-ши** суффикси ёрдамида ясалади. Масалан: *прочита́л — прочита́в* ёки *прочита́вши* (ўқиб чиқиб); *созна́лся — созна́вшись* (иқроқ бўлиб); *высох — высохши* (қуриб қолиб).

Тугалланган турга кирадиган баъзи равишдошлар келаси замон фeълда **-а** ёки **-я** суффикси ёрдами билан ясалади, масалан: *услы́шат — услы́ша, принесу́т — принеся́*.

Ўзлик фeъллардан ясалган равишдошларнинг охирида **-сь** ёзилади, масалан: *совету́ются — советую́сь* (маслаҳатлашиб), *посоветова́вшись* (маслаҳатлашиб бўлиб).

Тугалланган турга кирадиган равишдошлар ҳозирги, ўтган ва келаси замон фeълларида баён этилган иш-ҳаракатлардан олдин бўлган иш-ҳаракатларни англатади, масалан: *Отдохну́в, мы пошл́и в теа́тр. Написа́в письмо́, я влож́ил его́ в конверт. Сняв пальто́, я повеси́л его́ на вешалку*.

Равишдошларнинг ясалиш жадвали.

Қайси равишдош	Фeълнинг қайси туридан	Фeълнинг қайси негизидан	Қўшиладиган суффикс	Ясалиш усули
Ҳозирги замон равишдоши	Фeълнинг тугалланмаган туридан	Ҳозирги замон негизидан	-я, шипилдоқ товушлардан кейин -а	3- шахс кўплигидан -ут (-ют), -ат (-ят) суффиксларини ажратиб, -я (-а) суффиксларини қўшиш йўли билан: <i>чита́ют — чита́я, говоря́т — говоря́</i>

Қайси равишдош	Феълнинг қайси туридан	Феълнинг қайси негизидан	Қўшиладиган суффикс	Ясалиш усули
Ўтган замон равишдоши	Феълнинг тугалланган туридан	Ўтган замон негизидан	-в (-вши), -л дан бошқа товушлар билан тугаган негизлардан кейин -ши	Ўтган замон суффикси -л ни ажратиб, -в (-вши), -ши суффиксларини қўшиш йўли билан: <i>прочитáл — прочитáв, сдéлал — сдéлав, написáл — написáв, встрéтил — встрéтивши, испéк — испéкши</i>

Баъзи феъллардан равишдош яшаш мумкин эмас, масалан: *писáть, берéчь, стричь, сечь*.

Быть феълидан равишдош **-учи** суффикси ёрдами билан ясади: *бúдуучи* (бўлиб).

НАРЕЧИЕ. РАВИШ.

Иш-ҳаракатнинг белгисини, яъни унинг бажарилаётган пайтидаги турли ҳолатларини билдирувчи сўз туркуми **равиш** деб аталади.

Рус тилида равиш турланмайди ва тусланмайди. Равишлар феъл, сифат ёки бошқа бир равишга боғланиб, гапда иккинчи даражали гап бўлаклари вазифасида келади.

§ 179. Разряды наречий. Равишларнинг турлари.

Равишлар маъно жиҳатидан қуйидаги асосий турларга бўлинади:

Равишларнинг турлари	Қайси саволларга жавоб бўлиб келади	Мисоллар
1. Наречия мeста — ўрин равишлари	где? кудá? откúда?	<i>здесь, там, вблизи́, вездé; сюда́, направо, ни́же, никудá, налéво; отсю́да, оттúда</i>

Рашишларнинг турлари	Қайси саволларга жавоб бўлиб келади	Мисоллар
2. Наречия ваъмени — пайт рашишлари	когда?	<i>сегодња, вчера, утром, сейчас, никогда, когда-то, накануне, некогда</i>
3. Наречия причини — сабаб рашишлари	почему? отчего? по какой причине?	<i>горяча, со зла, сослепу</i>
4. Наречия цели — мақсад рашишлари	с какой целью? для чего?	<i>назло, нарочно, незачем, зачем, затем</i>
5. Наречия образа действия — ҳолат рашишлари	как? каким образом?	<i>хорошо, быстро, героически, набело, верхом, еле-еле, так, вдруг, никак</i>
6. Наречия меры и степени — миқдор-даража рашишлари	сколько? насколько? в какой степени?	<i>много, дважды, вкратце, вдвое, очень, весьма, совсем</i>

§ 180. Образование наречий. Рашишларнинг ясалиши.

Рус тилида рашишларнинг кўпчилиги сифатлардан ясалган. Асл сифатлардан рашишлар *-о* ва *-е* суффикслари ёрдами билан ясалади, масалан: *скóрый* (тез) — *скóро* (тез), *слабый* (кучсиз) — *слабо* (кучсиз ҳолда), *искренний* — *искренне*.

Рашиш бирлик сон творительный келишигидаги отлардан ясалиши мумкин, масалан: *Он приедет утром. Собрание будет вечером* каби. Бундай рашишлар вақт маъносини билдириб, *когда?* сўроғига жавоб бўлиб келади.

-ский, -цкий билан тугаган сифатлардан рашишлар *-ски* суффикси ёрдами билан ясалиши мумкин, масалан: *геройский* (қаҳрамонларга хос) — *геройски* (қаҳрамонона), *критический* — *критически*, *молодецкий* — *молодецки*.

Бу рашишлар баъзан *по-* олд қўшимчаси билан бирга ишлатилади: *по-большевистски* (большевикларча), *по-геройски* (қаҳрамонларча).

Умуман, *по-* олд қўшимчаси билан дательный келишигидаги сифат ва олмошлардан равиш ясалади, масалан: *по-настояще-му хорошó. По-мóему сегóдня приéдет* каби. Нисбий сифатлардан равиш ясалиши: *лísий — по-лísьи, вóлчий — по-вóлчьи* каби.

Равишларнинг қўп қисми именительный келишигидан бошқа келишиклардаги сифатлардан олд қўшимчалар ёрдами билан ясалади: *далёкий* (узоқ) — *издалека* (узоқдан), *новы́й* (янги) — *сно́ва* (янгидан), *пóлный* (тўлиқ) — *вполнé* (тўлиқ равишда, та-моман), *краткий* (қисқа) — *вкратце* (қисқача).

Аммо бевосита ясалиши ҳам мумкин, масалан: *вчера́, до́ма.*

Сонлардан ясалган равишлар: *два́жды, одна́жды (одна́жды я возвращё́лся с охóты...), вдвойнé, во-пéрвых, во-вторых.*

§ 181. Сравнительная степень наречий. Равишларнинг қиёсий даражаси.

-о билан тугаган равишлар қиёсий даражага эга. Қиёсий даража *-еe (-ей)*, шипилдоқ товушлардан кейин *-е* суффиксларини қўшиш йўли билан ясалади, масалан: *бы́стро — бы́стрее, лёгко́ — лёгче, тихо́ — ти́ше.* Баъзан қиёсий даража *по-* олд қўшимчаси билан ясалади, масалан: *бы́стрей — побы́стрей.*

Гапда равишларнинг қиёсий даражаси иккинчи даражали гап бўлаги бўлиб, феъл билан боғланиб келади, масалан: *Мы пойдём побы́стрей. Вы пй́шете лу́чше* каби.

§ 182. Правописание наречий. Равишларнинг имлоси.

1. *С-, из-, до-* олд қўшимчалари ёрдами билан ясалган равишларнинг охирида ҳар вақт *-а* ёзилади, масалан: *сле́ва, из-редка́, изда́лека, досы́та.*

2. *В-, за-, на-* олд қўшимчалари воситасида ясалган равишларнинг охирида *-о* ёзилади, масалан: *вле́во, впра́во, за́светло, напра́во.*

3. Равишларнинг охирида *ч* ва *ш* товушларидан кейин *ь* — юмшатиш белгиси ёзилади, масалан: *вскачь, сплoшь.*

Ж товушидан кейин юмшатиш белгиси фақат *настежь* равишидагина ёзилади. *Ж* билан тамомланган бошқа равишларда юмшатиш белгиси ёзилмайди.

4. *-о, -е* суффикслари ёрдами билан ясалган равишларнинг охирида ургу остида *-о,* ургусиз ҳолда *-е* ёзилади, масалан: *хорошó, свежó, горячó,* лекин *угрожа́юще* каби.

5. Қўйидаги равишлар дефис билан ёзилади:

1) **по-** олд қўшимчасидан кейин **-ски, -цки, -џи, -ому, -ему** билан тамомланувчи равишлар, масалан: *по-ру́сски, по-туре́цки, по-ли́сьи, по-ста́рому, по-но́вому, по-ви́димому, по-пре́жнему, по-мо́ему.*

Қўйидаги равишлар билан **по-** қўшиб ёзилади: а) қисқа сифатлардан ясалган равишлари билан: *по́ровну, по́просту*; б) равишларнинг қиёсий даражаси билан: *по́больше, по́лучше* каби;

2) **в-** (**во-**) олд қўшимчиси ёрдами билан сонлардан ясалган равишлар, масалан: *во-пе́рвых, в-тре́тьих* каби;

3) сўзларни такрорлаш йўли билан ясалган қўшма равишлар, масалан: *да́вным-да́вно, эле-эле, чу́ть-чу́ть, день-де́ньской* каби;

4) **-то, -либо, кое-, -нибудь** юкламалари ёрдами билан ясалган равишлар, масалан: *куда́-то, когда́-либо, кое-ка́к, где́-ни-будь, ка́к-нибудь* каби.

Қўйидаги ҳолларда **не** юкламаси равишларга қўшиб ёзилади:

1) равиш **не** юкламасисиз ишлатилмаса, масалан: *небре́жно, неизбе́жно, неле́по* каби;

2) равиш **не** юкламаси билан бирга келиб, мустақил бир маънони билдирса, масалан: *неве́рно* (яъни *оши́бочно*), *неду́рно*, (яъни *хорошо́*) каби;

3) бўлишсизлик равишларида, масалан: *неоткуда, некогда* каби.

Равишлар таркибига кирмаган ҳолда, **не** юкламаси айрим ёзилади, масалан: *не сегóдня, не вездé, не ме́дленно, не бы́стро* каби.

Ни юкламаси баъзи бир равишларнинг таркибига кирса, қўшиб ёзилади, масалан: *ниотку́да, ничу́ть* каби.

Боғловчи вазифасида эса равишлар билан бирга келган **ни** айрим ёзилади, масалан: *ни здесь, ни там, ни тогда́, ни тепе́рь* каби.

§ 183. Предлоги. Олд кўмакчилар.

Олд кўмакчи фақат айрим от ёки отларни иккинчи бир сўз билан боғлаб, уларнинг орасидаги муносабатларни кўрсатиш учун қўлланади.

Ҳар қайси олд кўмакчи фақат маълум келишик билан бирга ишлатилади. Олд кўмакчилар ўзлари боғланиб келган отларнинг олдида келиб, айрим ёзилади.

Кўп олд кўмакчилар фақат бир келишик билан қўлланади, баъзилари икки, **по, с** олд кўмакчилари эса уч келишик билан қўлланади.

Келишик	Бир келишик билан қўлланадиган олд кўмакчилар	Икки келишик билан қўлланадиган олд кўмакчилар	Уч келишик билан қўлланалиган олд кўмакчилар
Р.	<i>без, близ, вне, для, до, из, из-за, из-под, кроме, от, ради, среди, у</i>	<i>мэжду</i>	<i>с</i>
Д. В.	<i>к про, через, сквозь</i>	<i>в, на, о, под, за</i>	<i>по по, с</i>
Т. П.	<i>над, перед при</i>	<i>за, под, между в, на, о</i>	<i>с по</i>

**§ 184. Употребление падежей с предлогами.
Келишикларнинг олд кўмакчилар билан ишлатилиши.**

Рус тилидаги олд кўмакчилар билан келадиغان келишиклар ўзбек тилига турлича таржима қилинади.

Родительный келишиги

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиغان родительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
<i>у 1) хосликни билдиради: у меня есть книга;</i> <i>2) ўрини билдиради: у окна</i>	<i>менда китоб бор ёки менинг китобим бор</i> <i>дераза ёнида</i>	Ўрин-пайт келишиги ёки белгили қаратқич келишиги билан ифода этилади. <i>ёнида</i> кўмакчиси билан белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.
<i>без (инкорни билдиради): без книги</i>	<i>китобсиз (бекитоб)</i>	<i>-сиз</i> қўшимчаси билан келган бош келишик воситаси билан берилди.

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган родительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
до (ўрин ҳам вақтни билдиради): <i>до гóрода, до собрáния</i>	<i>шаҳаргача, мажлисгача</i>	-гача аффикси билан ифодаланади.
из 1) ўринни билдиради: <i>из гóрода;</i> 2) материал: <i>из желéза</i>	<i>шаҳардан, темирдан</i>	Чиқиш келишиги орқали ифодаланади.
от 1) узоқлашишни билдиради: <i>от Москóвы;</i> 2) сабабни билдиради: <i>от стрáха</i>	<i>Москвадан, қўрқувдан</i>	Чиқиш келишиги орқали ифодаланади. « »
для (ўзбек тилидаги <i>учун</i> кўмакчиси маъносидан): <i>для институ́та, для укрепле́ния</i>	<i>институт учун, мустаҳкамлаш учун</i>	учун кўмакчиси билан келган бош келишик.
с 1) ўринни билдиради: <i>с кры́ши;</i> 2) ишнинг бошланишини билдиради: <i>начи́ная с 1917 го́да</i>	<i>томдан, 1917 йилдан бошлаб</i>	Чиқиш келишиги орқали ифода этилади.
из-за (ўринни билдиради): <i>со́лнце вы́шло из-за тóчи; из-за о́громного зда́ния</i>	<i>қуёш булут орқасидан чиқди; жуда катта иморат орқасидан</i>	Белгисиз қаратқич келишиги орқали ифода этилади.
пóсле (вақтни билдиради): <i>пóсле собрáния</i>	<i>мажлисдан кейин</i>	кейин кўмакчиси билан келган чиқиш келишиги орқали ифода этилади.

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган родительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
среді (ўр:н ва пайтни билдиради): <i>среді студѣнтов, среді днѣ</i>	<i>студентлар орасида, кун ўртасида</i>	Белгисиз қаратқич келишиги орқали ифода этилади.
крѳме (Ўзбек тилидаги <i>бошқа, таишқари</i> каби кўмакчилар маъносида): <i>крѳме узбѣкского языка, я изучаю русский; на собрание пришлї все, крѳме тебѣ</i>	<i>мен ўзбек тилидан таишқари рус тилини ўрганялман;</i> <i>мажлисга сендан бошқа ҳамма келди</i>	Чиқиш келишиги орқали ифода этилади. « »
прѳтив 1) ўринни билдиради: <i>прѳтив института есть стадион;</i> 1) қаршиликни англатади: <i>я вѣступил прѳтив егѳ докладѳ</i>	<i>институт қаршиисида стадион бор;</i> <i>мен унинг докладига қарши чиқдим</i>	<i>қарши</i> кўмакчиси билан ишлатиладиган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифода этилади. Жўналиш келишиги орқали ифода этилади.

Дательный келишиги.

Кўпинча *к* ва *по* олд кўмакчилари билан қўлланиб, ўзбек тилига турлича таржима қилинади: 1) *к* олд кўмакчиси йўналишни билдирадн, масалан: *к рекѣ* (дарёга), *к брату* (акамикига); 2) *по* олд кўмакчиси ўринни билдиради, масалан: *по ўлицѣ* (кўча бўйлаб, кўчадан); *я шѣл по ўлицѣ* (мен кўчадан бораётган эдим).

Винительный келишиги.

Олд кўмакчи билан келадиган винительный келишиги ўзбек тилига турлича таржима қилинади:

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган винительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
<p>в 1) йўналишни билдиради: <i>я победу в Москвѹ;</i></p> <p>2) пайтни билдиради: <i>в годы Великой Отечественной войны</i></p>	<p><i>Москвага бораман;</i></p> <p><i>Улуғ Ватан уруши йилларида</i></p>	<p>Жўналиш келишиги билан ифода этилади.</p> <p>Ўрин-пайт келишиги билан ифода этилади.</p>
<p>на (ўрин ҳам пайтни билдиради): <i>на север, на третій год</i></p>	<p><i>шимолга, учинчи йилга</i></p>	<p>Жўналиш келишиги билан ифода этилади.</p>
<p>под 1) ўринни билдиради: <i>под кнѳгу</i></p> <p>2) ўдиомаларда: <i>попáли под обстрѳл; попадáть под чѳѳлибо влѳяние</i></p>	<p><i>китоб остига (китоб тагига);</i></p> <p><i>ўққа тутилдилар;</i></p> <p><i>бировнинг таъсирига берилмоқ</i></p>	<p><i>Остига, тагига</i> кўмакчилари билан белгисиз қаратқич келишигини талаб қилади.</p> <p>Жўналиш келишиги орқали ифодланади.</p>
<p>за 1) ўринни билдиради: <i>солнце спряталось за тучу;</i></p> <p><i>мы выехали за город</i></p> <p>2) пайтни билдиради: <i>за годы Великой Отечественной войны;</i></p> <p><i>он изучил основы русского языка за год</i></p>	<p><i>қуёш булут орқасига яширинди;</i></p> <p><i>биз шаҳардан ташқарига чиқдик;</i></p> <p><i>Улуғ Ватан уруши йилларида</i></p> <p><i>у рус тили асосларини бир йил ичида ўрганиб олди</i></p>	<p>Белгисиз қаратқич келишиги билан ифодаланади.</p> <p>Чиқиш ёки белгисиз қаратқич келишиги.</p> <p>Белгисиз қаратқич ёки ўрин-пайт келишиги билан ифодаланади.</p> <p>Белгисиз қаратқич ёки ўрин-пайт келишиги билан ифодаланади.</p>

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган винительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
3) натижа: за борьбу; 4) бўлмоқ, овоз бермоқ, гапирмоқ, ёқламоқ маъноларини билдирган сўзларда: <i>мы голосовали за нашего депутата</i>	<i>кураш учун;</i> <i>биз депутатимизга овоз бердик</i>	Бош келишик орқали ифодаланади. Жўналиш келишиги орқали ифодаланади.
<i>про</i> (тўғрисида, ҳақида): <i>про моего старшего брата</i>	<i>акам ҳақида</i>	Белгисиз қаратқич келишиги билан ифодаланади.

Творительный келишиги.

Олд кўмакчи билан келадиган творительный келишиги ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган творительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
<i>под</i> (ўринни билдиради): <i>под мостом, под столом</i>	<i>кўприк остида; стол остида (тагида)</i>	Кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишиги билан ифодаланади.
<i>над</i> (ўринни билдиради): <i>над Москвой</i>	<i>Москва устида, Москва устидан</i>	Кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.
<i>за</i> 1) ўринни билдиради: <i>за домом;</i>	<i>уй орқасида</i>	Кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.

Рус тилида олд кўмакчи билан келадиган творительный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
2) вақтни билдиради; <i>я прочтѹ эту книгу за два дня</i>	<i>мен бу китобни икки кунда ўқиб бўламан</i>	Ўрин-пайт келишиги билан ифодаланади.
<i>перед</i> (Ўрин ва вақтни билдиради) <i>перед домом, перед съездом</i>	<i>уй олдида; съезд олдида</i>	Кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.
<i>между</i> (Ўрин, вақт ёки ўзароликни билдиради): <i>между океанами.</i> <i>между февралём и октябрём,</i> <i>дружба между народами СССР</i>	<i>океанлар ўртасида, океанлар орасида,</i> <i>февраль билан октябрь орасида,</i> <i>СССР халқлари ўртасидаги дўстлик</i>	Кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.

Предложный келишиги

Предложный келишиги билан қуйидаги олд кўмакчилар ишлатилади:

Рус тилида предложный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
<i>о (об): о книге, о докладе</i>	<i>китоб тўғрисида (ҳақида, хусусида); доклад тўғрисида</i>	Кўмакчи билан келган белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.
<i>в</i> (Ўрин ёки вақтни билдиради): <i>в Узбекистане, в октябре</i>	<i>Ўзбекистонда, октябрда</i>	Ўрин-пайт келишиги орқали ифодаланади.

Рус тилида предложный келишиги	Ўзбек тилида	Э с л а т м а
<i>на</i> (ўрин ёки вақтни билдиради): <i>на площади, на прошлой неделе</i>	<i>майдонда, ўтган ҳафтада</i>	Ўрин-пайт келишиги орқали ифодаланади.
<i>при</i> (ўринни билдиради): <i>при школе</i>	<i>мактаб қошида (ҳузурида)</i>	Қўмакчи билан белгисиз қаратқич келишиги орқали ифодаланади.
<i>по</i> (вақтни билдиради): <i>по окончании занятия</i>	<i>дарслардан кейин, дарсни تامом қилиб</i>	Чиқиш ёки тушум келишиги орқали ифодаланади.

§ 185. Правописание предлогов. Олд кўмакчиларнинг имлоси.

1. Олд кўмакчилар сўзларнинг олдида келиб, айрим ёзилади. Олд кўмакчиларга ўхшаган олд қўшимчалар эса қўшиб ёзилади.

2. Қўшма олд кўмакчилар дефис орқали ёзилади, масалан: *из-за, из-под*.

3. *В течѣние, в продолжѣние, вслѣдствие* каби олд кўмакчиларнинг охирида *-е* ёзилади, лекин *впослѣдствии* деган равишда *-и* ёзилади.

Союзы. Боғловчилар.

Мустақил маънолари бўлмай, гап бўлаклари ёки гапларни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажариб келадиган ва турланмайдиган сўз боғловчи деб аталади.

§ 186. Сочинительные и подчинительные союзы. Тенг ва эргаштирувчи боғловчилар.

Боғловчилар гаптаги бошқа сўзлардан одатда айрим ёзилади. Улар гаптаги вазифаларига кўра сочинительные союзы — тенг боғловчилар ва подчинительные союзы — эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

Тенг боғловчилар айрим сўзларни, шунингдек айрим гапларни бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилади. Эргаштирувчи боғловчилар бир гапни иккинчи бир гапга боғлаб келади.

1. Сочинительные союзы — тенг боғловчилар: а) *и, да (и маъносида), тўже, таъже, ни — ни*; б) *а, но, да (но маъносида), однако, же*; в) *йли, либо — либо, то — то*.

2. Подчинительные союзы — эргаштирувчи боғловчилар: *ёсли; потому что, оттого что, йбо, так как, чтобы; что; хотя, хоть; как, как... так; поэтому, так что*.

§ 187. Разряды союзов. Боғловчиларнинг турлари.

Боғловчилар маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Боғловчиларнинг турлари	Тенг боғловчилар	Эргаштирувчи боғловчилар
Соединительные союзы — Бириктирувчи боғловчилар	<i>и, да (и маъносида), ни — ни</i>	
Противительные союзы — Зидловчи боғловчилар	<i>а, но, да (но маъносида), же</i>	
Разделительные союзы — Айирувчи боғловчилар	<i>йли, либо — либо, то — то</i>	<i>ёсли, ёжели, коли</i>
Условные союзы — Шарт боғловчилари		<i>потому что, оттого что, йбо, так как</i>
Причинные союзы — Сабаб боғловчилари		<i>чтобы, дабы</i>
Целевые союзы — Мақсад боғловчилари		<i>что, чтобы</i>
Пояснительные союзы — Аниқлов боғловчилари		<i>хотя, хоть</i>
Уступительные союзы — Тўсиқсизлик боғловчилари		<i>как, как... так</i>
Сравнительные союзы — Чоғиштирув боғловчилари		<i>поэтому, так что</i>
Союзы следствия — Натижа боғловчилари		

§ 188. Правописание союзов. Боғловчиларнинг имлоси.

Тўже, таъже, затём, потому́, по́тому, что́бы, ита́к каби боғловчиларни кўрсатиш олмошлари ва равиш билан бирга келган олд кўмакчи ва юклама бирикмаларидан фарқ қилиш керак. Чунки боғловчилар қўшиб ёзилса, *от тогó, по этóму, то́ же, что бы* каби кўрсатиш олмошлари билан бирга келган олд кўмакчи ва юкламалар, *так же, и так* равиши билан бирга келган юкламалар айрим ёзилади.

Тўже ҳам *таъже* боғловчилари маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин; *я тóже пойдú* — *я таъже пойдú*. Улар (*тóже, таъже* боғловчилари) маъно жиҳатдан *и* боғловчисига яқин, масалан: *я тóже пойдú* — *и я пойдú*.

§ 189. Частицы. Юкламалар.

Гап ёки гапнинг айрим бўлақларига ҳар хил қўшимча маъно берувчи ёрдамчи сўзлар юклама дейилади.

Юкламалар вазифаларига кўра бир неча турга бўлинади:

1) вопросительные частицы — сўроқ юкламалари: *развё, неужёли, ли*;

2) восклицательные частицы — ундов юкламалари: *что́ за, как*;

3) ограничительные частицы — чеклаш юкламалари: *то́лько, лишь*;

4) отрицательные частицы — инкор юкламалари: *не, далеко́ не, во́все не*;

5) усилительные частицы — кучайтирув юкламалари: *да́же, ве́дь, то, же, ни*;

6) указательные частицы — кўрсатиш юкламалари: *вот, вон*.

§ 190. Правописание частиц. Юкламаларнинг имлоси.

1. *Же (ж), ли (ль), бы (б)* юкламалари айрим ёзилади, масалан: *Пойдёшь ли ты в горы? Мы же поехали. Я сделал бы, но сейчас занят*.

Агар юклама сўзнинг таркибига кирган бўлса, қўшиб ёзилади, масалан: *неужёли, ужёли, таъже, да́же, тóже, что́бы* каби.

2. *Кое-, -то, -либо, -нибудь, -таки, -ка* юкламалари дефис орқали ёзилади, масалан: *напиши́-ка, кто́-нибудь, кое-гдé, куда́-либо* каби.

1) *Не* сиз ишлатилмайдиган отларга *не* қўшилиб ёзилади, масалан: *невéжда* — нодон (*вéжда* сўзи йўқ), *не́нависть* — ёмон кўриш, нафрат (*на́висть* сўзи йўқ);

2) *не* билан ёзилган сўзнинг ўрнига маъноси яқин бўлган бошқа бир сўзни ишлатиш мумкин бўлса, *не* отга қўшилиб

ёзилади, масалан: *неприятель — враг* (душман); *несчастье — беда* (бало).

Бошқа ҳолларда *не* юкламаси отдан айрим ёзилади, *ни* юкламаси эса ҳамиша айрим ёзилади;

3) бўлишсизлик маъноси *не* юкламаси билан билдирилади. Бунда юклама феъл ва отдан илгари туради ва айрим ёзилади, масалан: *не писал* (ёзмади), *не пойдѹ* (бормайман) ёки *не карандаш* (қалам эмас), *не кнѹга* (китоб эмас).

§ 191. Междометия. Ундов.

Ҳис ва ҳаяжонни англатувчи сўзлар ундов дейилади, масалан: *а! ах! ба! айда! ура! э-эх! тьфу! фи! уф! ой-ой! ох! о! увѹ!*

Ундовларга ўзгармайдиган тақлидий сўзлар ҳам киради, масалан: *ха-ха-ха, мяу-мяу, динь-динь-динь* каби.

Ёзувда ундовдан кейин вергул ёки ундов белгиси қўйилади.

Грамматиканинг гапдаги сўзларнинг боғланиши, гапнинг тузилишини ўргатадиган қисми синтаксис деб аталади. Синтаксис сўзи юнонча «тузум», «қўшилиш» маъносидаги сўздандир.

§ 192. Предложение. Гап.

Тугал бир фикр, бир ўй англатувчи айрим сўз ёки сўзлар бирикмаси гап деб аталади. Оғзаки гапирганда ҳар бир гапдан кейин бир оз тўхтаб олинади. Ёзувда бир гап иккинчи бир гапдан нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси билан ажратилади.

§ 193. Виды предложений. Гап турлари.

Гаплар ўз мазмуни жиҳатидан турлича бўлади: 1) повествовательное предложение — дарак гап, 2) вопросительное предложение — сўроқ гап, 3) восклицательное предложение — ундов гап, 4) повелительное предложение — буйруқ гап.

1. Бирор предмет ёки ҳодиса ҳақида хабар билдириб келган гап повествовательное предложение — дарак гап дейилади, масалан: *Турсўн приёхал из колхоза. Он поступил в педагогический институт. Сейчас ўчитя на третьем курсе.*

Дарак гап тинч оҳанг билан айтилади ва бундай гапларнинг охирида овоз сусаяди. Ёзувда дарак гап охирида нуқта қўйилади.

2. Сўраш маъносини англатган гап вопросительное предложение — сўроқ гап дейилади, масалан: *Когдa приёхал Турсўн из колхоза? В каком институте он ўчитя? Сегбдня бўдет занятие кружка? Придет ли на собрание Турсўн?*

Ёзувда сўроқ гап охирида сўроқ белгиси қўйилади.

Сўроқ гаплар одатда икки йўл билан ифодаланиши мумкин:

1) кто? что? зачём? почему? сколько? куда? каби сўроқ олмошлари ва равишлар ёки *ли, ль* сўроқ юклама-

лари ёрдами билан тузилиши мумкин; 2) сўроқ мазмуни гап оҳанги билан англатилиши мумкин.

Сўроқ гапни талаффуз этганда, гап ичидаги сўроқ маъноси-ни англатиб келувчи сўз қаттиқроқ интонация билан айтилади. Бирор сўзда овознинг кўтарилиши билан кутган жавобнинг мазмуни ҳам ўзгаради, масалан:

Ученикӣ помогáют колхóзникам убирáть хлопóк?

Ученикӣ помогáют колхóзникам убирáть хлопóк?

Ученикӣ помогáют колхóзникам убирáть хлопóк?

Ученикӣ помогáют колхóзникам убирáть хлопóк? каби.

3. Мазмундоч кучли ҳис-ҳаяжон (шодлик, таажжуб, ҳайронлик каби) англатилган гап **восклицáтельное предложение** — ундов гап дейилади, масалан: *Как прèкрасна нáша Рóдина! Как хоро-шо сейчáс в саду!* каби.

Ундов гап охирида ундов белгиси қўйилади.

Ундов мазмунини билдирадиган гаплар турли оҳанг билан айтилади.

4. Буюриш, чақириш, илтимос каби маъноларни англатувчи гаплар **повелительное предложение** — буйруқ гап дейилади, масалан: *Выполнить задáние! Открýть огонь! Стрелáй!* каби.

Буйруқ гаплар мазмунига кўра турли интонация билан ай-тилади.

§ 194. Простое и сложное предложение.

Содда ва қўшма гап.

Гапнинг бош (эга, кесим) ва иккинчи даражали (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) бўлаклари бўлади.

Эга ва кесимнинг ўзидангина иборат бўлган гап **простое нераспространённое предложение** — содда йиғиқ гап дейилади, масалан: *Наступíла осень. Ученикӣ учатся* каби.

Гапда эга ва кесимдан ташқари иккинчи даражали бўлаклар ҳам бўлса, бундай гап **простое распространённое предложение** — содда ёйиқ гап деб аталади, масалан: *В Узбекистáне наступíла осень. Колхóзники рабóтают на хлопóковых полях. Ученикӣ учатся в свèтлых клáссах* каби.

Икки ёки ундан ортиқ содда гаплардан тузилиб, мураккаб фикрни билдирган гап **сложное предложение** — қўшма гап дейилади.

§ 195. Связь слов в предложении. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши.

Гапда сўзлар бир-бири билан боғланган бўлади. Гапдаги сўзлар икки хил йўл билан боғланади: 1) сочинительная связь — тенг боғланиш ва 2) подчинительная связь — эргаш боғланиш.

1. Тенг ҳуқуқли сўзларнинг боғловчи ёрдами билан ёки боғловчисиз ўзаро бирикиши **сочинительная связь** — **тенг боғланиш** дейилади, масалан: *реки и моря, смотрю и слушаю* каби бирикмаларда сўзлар тенг ҳуқуқли, чунки улар бошқа сўзларга нисбатан бир хил муносабатда бўлади.

2. Сўзларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, уни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келиши **подчинительная связь** — **эргаш боғланиш** дейилади. Аниқланадиган сўз **подчиняющее слово** — **бош сўз** (эргаштирувчи сўз), аниқлайдиган сўз эса **подчинённое слово** — **эргаш сўз** (эргашувчи сўз) дейилади.

Сўзларнинг ўзаро эргаш боғланиши уч турли бўлади: а) согласование — мослашув, б) управление — бошқарув ва в) примыкание — битишув.


1. Бир сўзнинг иккинчи сўзга эргашиб, у билан род, сон, келишик ёки шахс жиҳатдан мослашиб боғланиши **мослашув** деб аталади.

2. Бир сўзнинг бошқа сўз талабига кўра маълум (олд кўмакчили ёки олд кўмакчисиз) воситали келишикда туриши **бошқарув** дейилади.

3. Бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай, фақат маъно жиҳатидан боғланиши **битишув** дейилади.

Гаптадаги сўзларнинг ўзаро боғланишини қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин (мослашув икки чизиқ билан, бошқарув бир чизиқ билан, битишув қатор нуқталар билан кўрсатилган).

Нáши удáрные брига́ды бы́стро собира́ли хло́пок в колхо́зе.



ГЛАВНЫЕ ЧЛЕНЫ ПРЕДЛОЖЕНИЯ. ГАПНИНГ БОШ БУЛАКЛАРИ.

§ 196. Подлежащее и его выражение. Эга ва унинг ифодаланиши.

Гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганини билдирган гап бўлаги эга деб аталади. Эга одатда именительный келишигидаги от билан ифодаланади. Лекин именительный келишигидаги от маъносида ишлатилган бошқа сўз туркумлари орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Мисоллар	Эгани ифодаловчи сўз
<p><i>Колхозники собирают хлопок.</i> <i>Я вступил в комсомол.</i> <i>Доброе и во сне должно быть хорошо.</i> <i>Пять не делится на два.</i> <i>Переправиться через эту реку не составляет труда.</i> <i>Работающие вернутся в два часа.</i> <i>Вдали раздалось громкое ура.</i></p>	<p><i>Колхозники</i> — от. <i>Я</i> — кишилиқ олмоши. <i>Доброе</i> — сифат. <i>Пять</i> — сон. <i>Переправиться</i> — феълнинг ноаниқ формаси. <i>Работающие</i> — сифатдош. <i>Ура</i> — ундов.</p>

Эга сўз бирикмалари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Мисоллар:

Отец с сыном отправились на работу. Мы с тобой пойдём в школу.

Шу гапларда *отец с сыном* ва *мы с тобой* сўз бирикмалари эга вазифасида ишлатилган.

Пять колхозников сели в машину. Много книг отправили сегодня утром. Дважды два — четыре.

Шу гапларда *пять колхозников*, *много книг* ва *дважды два* эга вазифасида ишлатилган.

„*Капитанская дочка*“ напйсана Пушкиным. Шу гапда «*Капитанская дочка*» эга вазифасида ишлатилган.

§ 197. Сказуемое и его выражение. Кесим ва унинг ифодаланиши.

Кесим гапнинг бош бўлақларидан бири бўлиб, эга ҳақида айтилган фикрни билдиради. Биргина сўздан ифодаланган кесим простое сказуемое — содда кесим, бирдан ортиқ сўз билан

ифодаланган кесим составное сказуемое — қўшма (составли) кесим деб ҳисобланади.

Кесим кўпинча феъл билан ифодаланади. Лекин бошқа сўз туркумлари ҳам кесим вазифасида кела олади.

1. Простое сказуемое. Содда кесим.

Мисоллар	Кесимни ифодаловчи сўз
<i>Мы пишем сочинение. Колхозники выполнили план.</i>	Ҳозирги замон феъли (<i>пишем</i>). Ўтган замон феъли (<i>выполнили</i>).
<i>Мы будем читать эту статью. Решите эту задачу сегодня.</i>	Келаси замон феъли (<i>будем читать</i>). Буйруқ (<i>решите</i>).
<i>Я поехал бы на охоту, но сейчас нет свободного времени.</i>	Шарт феъли (<i>поехал бы</i>) билан ифодаланган.
<i>Зимний день короткий. Книга интересная. Дважды два — четыре. Наш дом третий от угла. Эта книга твоя. Ваш приезд нескладно. Наша задача — выполнить учебный план.</i>	<i>Коротко</i> — қисқа сифат. <i>Интересно</i> — тўлиқ сифат. <i>Четыре</i> — санок сон. <i>Третий</i> — тартиб сон. <i>Твоя</i> — оллош. <i>Нескладно</i> — равиш. <i>Выполнить</i> — феълнинг нозик формаси.

2. Составное сказуемое. Қўшма (составли) кесим.

Қўшма кесим икки турли бўлади: а) икки составное сказуемое — от қўшма кесим ва б) глагольное составное сказуемое — феъл қўшма кесим.

1. Именное составное сказуемое — от қўшма кесим одатда именительный ва творительный келишикларидаги от ва тўлиқ сифат ҳамда қисқа сифат, қисқа мажҳул сифатдош, равиш, оллош билан бирга келадиган *быть, являться, стать, становиться, делаться, казаться, оказываться, состоять, числиться* каби ёрдамчи феъллар (боғламалар) бирикмасидан иборат, масалан: *Его сестра будет учительницей. Мой брат станет (сделается) учителем. День был жаркий. Зимний день короток. Его приезд был нескладно. К утру стало холодно* каби.

Быть ёрдамчи (боғловчи) феъли ҳозирги замонда тусланмайди. Шу боғлама билан тузилган кесим ҳозирги замон маъ-

носида ишлатилганда бир сўздан иборат бўлса ҳам, лекин қўшма (составли) кесим деб ҳисобланади, масалан: *День корóток. Её мать — учительница.*

Ҳозирги замон маъносини билдирганда, қўшма кесим таркибида ўзгарилмайдиган *есть* сўзи ишлатилиши мумкин, масалан: *У нас есть кадры молодых советских писателей и учёных каби.*

Баъзан эга билан боғламасиз қўшма кесим орасида *это, вот* сўзлари ишлатилади, масалан: *Комбайн — это сельскохозяйственная машина, которая одновременно косит, собирает и обмолачивает хлеб. Учиться хорошо и отлично — вот наша задача каби.*

2. Глагольное составное сказуемое — феъл қўшма кесим икки феъл билан ифодаланади; улардан биринчиси ёрдамчи феъл бўлиб, ишнинг бошланиши ёки тамомланишини, давом этишини, зарурлигини билдиради. Иккинчиси эса асосий феъл бўлиб, ноаниқ формада келади. Асосий маъно ноаниқ формадаги феъл орқали берилади.

Ёрдамчи феъл сифатида *начать, стать, перестать, хотеть, намереваться, стараться, пытаться, собираться* каби феъллар ишлатилади. Тусланиш ва замонни шу феъллар кўрсатади, масалан: *Я хочу написать письмо товарищу. Он начал заниматься водным спортом. Ученики хотят овладеть русским языком каби.*

Қўшма кесим таркибида тусланадиган феъл билан бир қаторда қисқа сифатлар (*должен, намерен, обязан, способен* каби) ҳам ишлатилиши мумкин, масалан: *Летом он должен поехать на берег моря. Я намерен прочитать эту книгу. Каждый советский гражданин обязан честно трудиться каби.*

§ 198. Тире при составном сказуемом. Қўшма кесим олдида тиренинг ишлатилиши.

Боғламасиз қўшма (составли) кесим от, олмош, сон ва феълнинг ноаниқ формаси билан ифодаланса, қўшма кесим олдида тире қўйилади, масалан: *Мой лучший друг — ты. Мой брат — колхозник. Ташкент — столица Узбекистана. Наша задача — построить коммунизм.*

Именительный келишигидаги от ёки феълнинг ноаниқ формаси билан ифодаланган қўшма кесим олдида *это, вот* сўзлари келса, тире шу сўзлардан олдин қўйилади, масалан: *Охота — это мой любимый спорт. Выполнить план — это первая наша задача. Лёния — вот наше зная.*

Эга кишилик олмоши билан ифодаланган бўлса, эга билан кесим орасига тире қўйилмайди, масалан: *Я учащийся. Он студент. Она комсомолка каби.* Агарда олмош алоҳида оҳанг билан айтилса, олмошга логик урғу тушса, тире қўйилиши мумкин,

масалан: *Чита́йте, за́видуйте, я — гра́ждани́н Со́ветского Сою́за.* (Маяковский.)

Кесим олдида не бўлишсиз юкламаси ёки как, как бўдто, то́чно каби богловчилардан бири келса, тире қўйилмайди, масалан: *Хло́пок как снег. Ле́д то́чно зе́рало. Бе́дность не поро́к каби.*

§ 199. Соголасование сказуемого с подлежащим. Кесимнинг эга билан мослашуви.

1. Феъл-кесим эга билан шахс ва сонда (я чита́ю, ты чита́ешь каби), род ва сонда (я чита́л, она́ чита́ла, мы чита́ли каби) мослашади.

2. Қўшма кесим таркибидаги от ҳам, боғлама ҳам эга билан мослашади, масалан: *Матч был интере́сный. Игра́ была́ интере́сная. Соревно́вание бы́ло интере́сное каби.*

3. Мослашувнинг баъзи бир алоҳида ҳоллари:

а) эга жамловчи от (*наро́д, молодёжь, меньшинство́, большинствó, студénчество, мно́жество, учи́тельство, родня́* каби) билан ифодаланган бўлса, кесим бирлик сонда келади, масалан: *Прие́хала егó родня́. Студénчество вéсело провóдит свой кани́кулы. Большинствó голосова́ло за Турсу́на. Молодёжь идёт на предприя́тия. Нарóд голосо́ует за досто́йных каби;*

б) эга именительный келишигидаги от билан с олд кўмакчисини олган творительный келишигидаги отдан иборат бўлган бирикма орқали ифодаланса, кесим кўплик сонда келади, масалан: *Прие́хали оте́ц с ма́терью. Муж с жено́й рабо́тают в одной шко́ле каби.* Агар кесим бирлик сонда келса, гапнинг мазмуни ўзгаради, масалан: *Прише́л оте́ц с бра́том. Учи́тельница с ученико́м пошла́ в библиоте́ку каби;*

в) эга родительный келишигидаги от ва мно́го, ма́ло, не́мно́го, ско́лько, не́сколько сўзларидан тузилган бирикма орқали ифодаланса, кесим бирлик сонда келади, масалан: *Мно́го ученико́в собра́лось на стадио́не. Не́сколько футбо́листов игра́ло хоро́шо каби;*

г) эга қисқартма от билан ифодаланган бўлса, кесим қисқартма отнинг таркибидаги кейинги сўз билан мослашади, масалан: *Райко́м вызвал секретаря́ партийной организа́ции (яъни райо́нный комите́т вызвал), ЦК постано́вил (яъни Центра́льный Комите́т постано́вил), МК вы́дал путе́вку в дом о́тдыха (яъни ме́стный комите́т вы́дал)* каби;

д) эга саноқ сон билан родительный келишигидаги от бирикмаси орқали ифодаланса, кесим кўплик сонда ҳам, бирлик сонда ҳам келиши мумкин, масалан: *Де́сять ученико́в получи́ло отлiчно ёки де́сять ученико́в получи́ли отлiчно.*

ВТОРОСТЕПЕННЫЕ ЧЛЕНЫ ПРЕДЛОЖЕНИЯ. ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БУЛАКЛАРИ.

§ 200. Дополнение. Тўлдирувчи.

Предмет маъносини англадиб, гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан боғланган иккинчи даражали гап бўлаги **тўлдирувчи** дейилади. Тўлдирувчи кимни? нимани? кимдан? нимадан? кимга? нимага? каби воситали келишиқларнинг сўроқларидан бирига жавоб бўлиб келади.

Тўлдирувчи кўпинча воситали келишиқларда ишлатиладиган от орқали ифодаланеди. Лекин бошқа сўз туркумлари (сифат, сон, олмош каби) билан ҳам ифодаланиши мумкин. Феълнинг ноаниқ формаси ҳам тўлдирувчи бўлиб келади.

Тўлдирувчи феълнинг турли формалари билан боғланиб келиши мумкин.

Тўлдирувчи икки турли бўлади: 1) прямое дополнение — воситасиз тўлдирувчи ва 2) косвенное дополнение — воситали тўлдирувчи.

§ 201. Прямое дополнение. Воситасиз тўлдирувчи.

Олд кўмакчисиз винительный келишиги орқали ифодаланган тўлдирувчи **воситасиз тўлдирувчи** деб аталади. Воситасиз тўлдирувчи когó? ёки что? сўроғига жавоб бўлиб, иш-ҳаракатни тўғридан-тўғри ўз устига олган шахс ёки предметни билдиради, масалан: *Я читаю книгу. Он пишет письмо. Пулат ждал тебя. Поэму «Кому на Руси жить хорошо» Некрасов закончил в 1877 году* каби.

§ 202. Косвенное дополнение. Воситали тўлдирувчи.

Олд кўмакчи билан келадиган винительный келишиги ҳамда олд кўмакчили ёки олд кўмакчисиз келган бошқа воситали келишиқлар орқали ифодаланган тўлдирувчи **воситали тўлдирувчи** дейилади.

Воситали тўлдирувчи феъл билангина эмас, бошқа мустақил сўз туркумлари билан боғлиқ бўлиб, воситасиз тўлдирувчинини ифода этувчи сўз туркумлари орқали ифодаланеди. Воситали тўлдирувчи иш-ҳаракатнинг сабабчиси ва воситаси бўлган предметни, иш-ҳаракатни қисман ўз устига олганлигини, иш-ҳаракатнинг йўналишини, кимга ё нимага қаратилганлигини англади, масалан: *Писать карандашом. Он написал Пулату. Ответить на письмо* каби.

Воситали келишиклар орқали ифодаланган тўлдирувчи:

Воситали келишиклар	М и с о л л а р
Олд кўмакчисиз родительный келишиги	<i>Чтѣние кнѣги. Он рабѣтает лѹчие меня. Егѡ заинтересовала красота природы. В нашей стране нет безработицы. Я выпил стакан чаю. Сабѣр купѣл килограмм мяса.</i>
Дательный кели- шиги	<i>Принеси мне кнѣгу. Дай ученику тетрадь. Полѣзен родине. Они дали обещание коллективу работать еще лучше. Мне хочется поехать в колхоз. Ему нездоровится.</i>
Творительный келишиги	<i>Расписание составлено мною. Мой отец руководит стройкой. Я написал карандашом. Доказывай не словами, а делом.</i>
Предложный келишиги	<i>Он рассказal о своей жизни, о работе на заводе.</i>

§ 203. Дополнение в действительном и страдательном оборотах речи. Аниқ ва мажҳул гапларда тўлдирувчи.

1	2
<i>Я читаю кнѣгу. Он готовит урок. Рабочие строят здание. Запах сирѣни на- полнил комнату.</i>	<i>Кнѣга прочитана мною. Урок приготовлен им. Здание построено рабочими. Комната наполнена запахом сирѣни.</i>

Кесим мажҳул феъл билан ифодаланса, гапнинг эгаси творительный келишигидаги тўлдирувчига, воситасиз тўлдирувчи эса гапнинг эгасига айланади.

§ 204. Определение. Аниқловчи.

Предметнинг белгисини англатувчи ва кақой? котой? чей? сколько? суроқларига жавоб бўлиб келувчи иккинчи даражали бўлак **аниқловчи** дейилади.

Аниқловчи от билан боғланган бўлади. Аниқловчи томонидан аниқланган от аниқланмиш — определяемое деб аталади.

Аниқловчи турланадиган сўз туркумлари (от, сифат, олмош, сон) ҳамда феълнинг ноаниқ формаси, равиш ва турли сўз бирикмалари билан ифодаланади.

Аниқловчи от, олмош ва от маъносида ишлатиладиган бошқа сўз туркумлари билан боғланган бўлади. Аниқловчи аниқланмиш сўзларга боғланиши томонидан икки турли бўлади:

- 1) согласованное определение — мослашган аниқловчи ва
- 2) несогласованное определение — мослашмаган аниқловчи.

§ 205. Согласованное определение. Мослашган аниқловчи.

Предметнинг белгисини англатиб, аниқланмиш билан род, сон ва келишикда мослашадиган аниқловчи **мослашган аниқловчи** дейилади. Мослашган аниқловчи одатда аниқланмишдан олдин келиб, сифат, сифатдош, олмош ва тартиб сон билан ифодаланади.

Мисоллар	Аниқловчини ифодаловчи сўз
<p><i>Моя родина велика и могуча.</i> <i>Наша школа больша́я.</i> <i>Зелёный о́азис показáлся перед устáлыми пúтниками.</i> <i>Бёлый снег покрýл поля́.</i> <i>Пёрвый со́лнечный день мы провели́ в саду́.</i> <i>Сидя́щий человек пёредал мне билёт.</i> <i>Пёрвый экза́мен я сдал на отлúчно.</i></p>	<p><i>Моя́, на́ша</i> — олмош. <i>Зелёный, бе́лый</i> — сифат. <i>Уста́лый</i> — сифатдош. <i>Пёрвый</i> — тартиб сон. <i>Со́лнечный</i> — сифат. <i>Сидя́щий</i> — сифатдош. <i>Пёрвый</i> — тартиб сон.</p>

Сифат билан ифодаланган мослашган аниқловчини қўшма кесим таркибидаги сифатдан фарқ қилиш керак.

Сифат — аниқловчи	Сифат — кесим
<p><i>Толстая</i> кнiга лежит на столé.</p> <p><i>Большой</i> дом выстроили колхозники.</p> <p><i>Хорошая</i> погода наступила.</p>	<p><i>Эта</i> кнiга толстая.</p> <p><i>Этот</i> дом большой.</p> <p><i>Погода</i> сегодня хорошая.</p>

§ 206. Несогласованное определение. Мослашмаган аниқловчи.

Мослашмаган аниқловчи воситали келишиқлардаги от ёки олмош ҳамда феълнинг ноаниқ формаси, равиш, равишдош ва турли сўз бирикмалари билан ифодаланади.

Мисоллар	Мослашмаган аниқловчининг ифодаланиши
<p><i>Кабинет директора</i> находится на первом этажé.</p> <p>Мы построили шалаш из ветвей.</p> <p>В первом ряду сидел мальчик в шапке.</p> <p>Привычка к труду похвальна.</p> <p>Чтение про себя я люблю больше, чем чтение вслух.</p> <p>Чтение лёжа вредно.</p> <p>Меня одолевала страсть путешествовать.</p> <p>Мы шли по траве, ещё мокрой от росы.</p>	<p><i>Директора</i> — олд кўмакчисиз родительный келишигидаги от.</p> <p><i>Из ветвей</i> — олд кўмакчили родительный келишигидаги от.</p> <p><i>В шапке</i> — олд кўмакчили предложный келишигидаги от.</p> <p><i>К труду</i> — олд кўмакчили дательный келишигидаги от.</p> <p><i>Вслух, про себя</i> — равиш.</p> <p><i>Лёжа</i> — равишлош.</p> <p><i>Путешествовать</i> — феълнинг ноаниқ формаси.</p> <p><i>Ещё мокрой от росы</i> — сўз бирикмаси.</p>

§ 207. Управление. Бошқарув.

Бошқарув эргаш боғланишнинг бир туридир. Бундай боғланишда бир сўз бошқа сўзнинг талабига кўра маълум келишиқда келади. Ҳоким сўз упрвяляющее слóво — бошқарувчи, тобе бўлак эса упрвяляемое слóво — бошқарилувчи сўз саналади.

Рус тилида бошқарув беспредложное управление — предлогсиз бошқарув (ёки непосредственное управление — воситасиз бошқарув) ва предложное управление — предлогли бошқарув (ёки посредственное управление — воситали бошқарув) бўлиши мумкин. Бошқарувчи сўзнинг турига кўра, яъни бошқарувчилик ролини бажарувчи бўлакнинг қайси сўз туркумига (от, сифат, равиш, феълга) оид эканлигига кўра, бошқарув турлича бўлади: а) примённое (присубстантивное) управление — от бошқаруви, б) приадъективное управление — сифат бошқаруви, в) принаречное (приадвербальное) управление — равиш бошқаруви, г) приглагольное управление — феъл бошқаруви.

§ 208. Примённое (присубстантивное) управление. От бошқаруви.

От бошқарувида ҳоким сўз от билан ифодаланади. Рус тилида от бошқаруви икки турли: а) беспредложное примённое (присубстантивное) управление — предлогсиз от бошқаруви ва б) предложное примённое (присубстантивное) управление — предлогли от бошқаруви.

1. Предлогсиз от бошқаруви:

Мисоллар	Предлогсиз от бошқарувининг ифодаланиши
<p><i>Задание учителя.</i> <i>Поручение секретаря.</i> <i>Распоряжение начальника.</i> <i>Приказ командира.</i></p>	<p>Бажарувчи шахснинг номини ифодаловчи родительный келишиги.</p>
<p><i>Чтение книги.</i> <i>Выполнение задания.</i></p>	<p>Тўлдирувчи вазифасида келувчи родительный келишиги.</p>
<p><i>Книга ученика.</i> <i>Поля колхоза.</i> <i>Брат Турсуна.</i></p>	<p>Хосликни (эгаликни) билдирувчи родительный келишиги.</p>
<p><i>Два ученика.</i> <i>Три килограмма.</i> <i>Килограмм хлеба.</i> <i>Стакан молока.</i> <i>Польза делу.</i> <i>Задание ученику.</i> <i>Торговля фруктами.</i></p>	<p>Миқдорни билдирувчи родительный келишиги.</p> <p>Йўналишни ифодаловчи дательный келишиги.</p> <p>Творительный келишиги.</p>

2. Предлогли от бошқаруви, қаранг: «Предлоги».

§ 209. Приглагольное управление. Феъл бошқаруви.

Феъл бошқарувида ҳоким сўз феълдан бўлади. Рус тилида феъл бошқаруви икки турли: а) беспредложное приглагольное управление — предлогсиз феъл бошқаруви ва б) предложное приглагольное управление — предлогли феъл бошқаруви.

1. Предлогсиз феъл бошқаруви:

Мисоллар	Предлогсиз феъл бошқарувининг ифодаланиши
<p><i>Купи бума́ги.</i> <i>Принеси́ хлеба́.</i> <i>Дай мо́лока́.</i> <i>Ждать то́варища́.</i> <i>Мне не спя́тся.</i> <i>Ему́ не хо́чется.</i> <i>Дай бра́ту кни́гу.</i> <i>Принеси́ мне тетра́дь.</i></p> <p><i>Писа́ть письмо́.</i> <i>Чита́ть кни́гу.</i> <i>Де́лать докла́д.</i></p> <p><i>Всю доро́гу разговáривал.</i></p> <p><i>Выбрали секретарём.</i> <i>Е́хать по́лем. Писа́ть карандашóм.</i></p>	<p>Бутуннинг бўлагини ифодаловчи родительный келишиги.</p> <p>Мақсадни ифодаловчи родительный келишиги.</p> <p>Шаҳснинг номини билдирувчи дательный келишиги.</p> <p>Воситали тўлдирувчи вази-фасида келадиган дательный келишиги.</p> <p>Воситасиз тўлдирувчи вази-фасига келадиган винительный келишиги.</p> <p>Ўринни билдирувчи винительный келишиги.</p> <p>Творительный келишиги.</p>

2. Предлогли феъл бошқаруви, қаранг: «Предлоги».

§ 210. Приложение. Изоҳловчи.

Изоҳловчи аниқловчининг бир туридир. От билан ифодаланган аниқловчи **изоҳловчи** деб аталади. Изоҳловчилар қандай ва қандай? нима? нима? сўроқларига жавоб бўлиб келади. Улар изоҳланган отдан ё олдин, ё кейин келиши мумкин.

Изоҳловчи предметни бошқа бир ном бериш йўли билан аниқлаб келади, масалан: *Инженёр-механик ви́ехал в колхо́з. Около шко́лы устано́влен телефо́н-автомáт. Дирéктор Ахмéдов.*

Изоҳловчи ўзининг билдирган маъноларига кўра турлича бўлади.

1. Изоҳловчи предметнинг сифати ва хусусиятини билдириб келиши мумкин, масалан: *Я познако́мился с музыкан́том-самоу́чкой. Вступíл в строй заво́д-гига́нт. Краса́вица-зоро́рка в небе загорéлась. Шалю́н-мальчи́шка бы́стро пробежа́л по́ двору. В это́м колхо́зе откры́та изба́-чита́льня. В магази́не прода́ются ча́сы-хбдики.*

2. Изоҳловчи кишининг амали ва унвонини, касби ва машгулотини, ёши ва миллатини билдириши мумкин, масалан: *Стару́ха-мать поджида́ла своего́ сы́на. Стари́ка-отца́ я нашёл бо́дрым и энерги́чным. Стáрик-почта́льон по́дал мне телегра́мму. Стари́шнá Егоро́в был в то вре́мя в разведке. Же́нщин-враче́й до револю́ции бы́ло кра́йне ма́ло.*

Мой брат рабо́тает в ка́честве чертёжника-констру́ктора. Депу́тáт Ка́римов въе́хал в колхоз. В ко́мнату вошла́ телефо́нистка, моло́денькая де́вушка. Студе́нт Ка́римов торопи́лся на за́нятия.

3. Изоҳловчилар баъзан сўзнинг маъносини аниқлаб бериши мумкин, масалан: *Фольклóр, ўстное наро́дное творчество, по́истине явля́ется ма́терью худо́жественной литерату́ры.*

4. Газета, журнал, адабий асар ҳамда колхоз, завод, фабрика номларини билдирувчи изоҳловчилар ҳам ишлатилади, масалан: *колхо́з «Мая́к», фа́брика «Большеви́к», газе́та «Пра́вда»; От Оде́ссы мы е́хали на парохо́де «Гру́зия»; Рома́н Айбе́ка «Наво́й».*

§ 211. Обстоятельства и их выражение. Ҳол ва унинг ифодаланиши.

Иш-ҳаракатнинг қандай бажарилганлигини ёки унинг бажарилишидаги турли ҳолатларни билдириб келган иккинчи даражали гап бўлаклари ҳол дейилади.

Ҳол одатда феълга боғланиб келади. Ҳоллар ўзларининг билдирган маъноларига кўра турличадир.

§ 212. Обстоятельство места. Ўрин ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг ўрнини англатувчи ҳол ўрин ҳоли дейилади. Ўрин ҳоли где? куда? откуда? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлиб, равиш, олд кўмакчи билан келган от, сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Ўрин ҳолининг ифодаланиши
<i>Напра́во была́ высокая́ ска́ла, нале́во — пропа́сть. Здесь́ будет общежи́тие институ́та.</i>	<i>Напра́во, нале́во, здесь́ — равиш.</i>

Мисоллар	Ўрин ҳолининг ифодаланиши
<p><i>У окна стоит стол. Внутри дома были люди. Он проёхал мимо школы. Из-за горы вышло солнце. Мы доехали до колхоза.</i></p> <p><i>Карандаш лежал под книгой.</i></p> <p><i>Над городом пролетел самолёт.</i></p> <p><i>Дорога идёт горами и лесом.</i></p> <p><i>В горах раздался раскаты грома.</i></p> <p><i>При институте имеется хорошая столовая.</i></p> <p><i>По дороге мы шли три часа.</i></p> <p><i>К реке подошли поздно.</i></p> <p><i>Через поля проходит просёлочная дорога.</i></p> <p><i>Мы двинулись на запад.</i></p> <p><i>Солнце спряталось за тучи.</i></p> <p><i>Недалеко от озера расположен пионерский лагерь.</i></p>	<p><i>У окна, внутри дома, мимо школы, из за горы, до колхоза — олд кўмакчи билан келган розительный келишигидаги от.</i></p> <p><i>Под книгой, над городом, горами, лесом — олд кўмакчи билан ва олд кўмакчисиз келган творительный келишигидаги от.</i></p> <p><i>В горах, при институте — предложный келишигидаги от.</i></p> <p><i>По дороге, к реке — олд кўмакчи билан келган дательный келишигидаги от.</i></p> <p><i>Через поля, на запад, за тучи — олд кўмакчи билан келган винительный келишигидаги от.</i></p> <p><i>Недалеко от озера — сўз бирикмаси.</i></p>

§ 213. Обстоятельство времени. Пайт ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг пайтини англатиб, коғда? как дўлго? за сколько времени? на сколько времени? с какйх пор? до какйх пор? к какому сроку? каби сўроқларга жавоб бўлиб келадиган ҳол пайт ҳоли дейилади.

Пайт ҳоли равиш, олд кўмакчили келишикларда келган от, равишдош ҳамда сон билан от, сифат билан отдан иборат бўлган сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Пайт ҳолининг ифодаланиши
<p><i>Вчера я приехал из Москвы.</i></p>	<p><i>Вчера — равиш</i></p>

Мисоллар	Пайт ҳолининг ифодаланиши
<p>Сегўдња приступаю к ра- боте.</p> <p>До вѣчера мы были в горах.</p> <p>Он не сомкнул глаз до утра.</p> <p>С сáмого рáнного утра пионеры отпра́вились удить рыбу.</p> <p>В пѣрвой половíне XIX вѣка жили Пушкин и Лѣр- монтов.</p> <p>В том же году я посту- пил в педагогический инсти- тут.</p> <p>Колхозники кáждый вѣ- чер собираются в клубе.</p> <p>Он крúглый год занима- ется физкультурой.</p> <p>Два́дцать дней мы про- вели в доме отдыха.</p> <p>Со вчерáшнего дня на- чались занятия в школе.</p> <p>Уцепíвшись за гриву, он провóрно вскочил на лошадь.</p> <p>Подня́вшись с постѣли, он сделал зарядку.</p>	<p>Сегўдња — равнш.</p> <p>До вѣчера, до утра, с сá- мого рáнного утра — олд кў- макчи билан келган родитель- ный келишигидаги отдан ибор- рат сўз бирикмаси.</p> <p>В пѣрвой половíне XIX вѣ- ка, в том же году — сўз би- рикмалари.</p> <p>Кáждый вѣчер, крúглый год — винительный келишигидаги от- ва олмош ҳамда сифатдан ибор- рат сўз бирикмаси.</p> <p>Два́дцать дней — сон билан родительный келишигидаги от- дан иборат сўз бирикмаси.</p> <p>Со вчерáшнего дня — роли- тельный келишигидаги от билан сифатдан иборат сўз бирик- маси.</p> <p>Уцепíвшись, подня́вшись — равншдош.</p>

§ 214. Обстоятельство образа действия. Равиш ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ёки қандай бў-
лишини билдириб, как? какým образом? в какой
мѣре? насколько? сколько раз? как много?
каби сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол **равиш ҳоли** деб ата-
лади.

Равиш ҳоли одатда равиш, олд кўмакчили ёки олд кўмакчи-
сиз келган воситали келишиклардаги от, равншдош ҳамда сон
билан отдан иборат бирикма орқали ифодаланади.

Мисоллар	Рашиш ҳолининг ифодаланиши
<p><i>Ранним утром протяжно прогудёл гудок.</i> Он был чрезвычайно доволен. Он с усилием открыл глаза. Жил я в одиночестве.</p> <p>Искоса глядя на меня, он продолжал свой рассказ.</p> <p>Я уже два раза был в театре. Так и поехали втроем в дальнюю дорогу.</p>	<p><i>Протяжно, чрезвычайно — рашиш.</i></p> <p><i>С усилием, в одиночестве — олд кўмакчи билан ва олд кўмакчисиз келган турли келишиклардаги отлар.</i></p> <p><i>Искоса глядя на меня — таркибида рашишдош бўлган сўз бирикмаси.</i></p> <p><i>Два раза — сон билан от бирикмаси.</i> <i>Втроем — рашиш.</i></p>

§ 215. Обстоятельство причины. Сабаб ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг сабабини англатиб, почему? отчего? из-за чего? вследствие чего? по какой причине? каби сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол сабаб ҳоли дейилади.

Сабаб ҳоли асосан феълга боғланиб келади. (Лекин от, сифат ва рашишдошга ҳам боғланиб келиши мумкин.) Сабаб ҳоли рашиш, из, от, из-за, с, вследствие, ввиду каби олд кўмакчилар билан келган родителъный келишигидаги от, рашишдош ва сўз бирикмалари орқали ифодаланади.

Мисоллар	Сабаб ҳолининг ифодаланиши
<p><i>Старик заплакал от радости.</i> Они поссорились из-за пустяка.</p> <p>Почему вы не решились задáчу?</p>	<p><i>От радости, из-за пустяка — олд кўмакчи билан келган родителъный келишигидаги отлар орқали ифодаланиб, заплакал, поссорились феълларига боғланиб келади.</i></p> <p><i>Почему — сўроқ рашиши орқали ифодаланиб, не решились феълга боғланиб келади.</i></p>

Мисоллар	Сабаб ҳолининг ифодаланиши
<p><i>Так ты делаешь всё это из любви к искусству?</i></p> <p><i>Отстав от экспедиции по болезни, я догнал своей товарищей только через месяц.</i></p>	<p><i>Из любви к искусству — сўз бирикмаси орқали ифодаланиб, делаешь феълига боғланиб келади.</i></p> <p><i>По болезни — олт кўмакчи билан келган даталый келишигидаги орқали ифодаланиб, отстав равишдошига боғланиб келади.</i></p>

§ 216. Обстоятельство цели. Мақсад ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг мақсадинг англантиб, за чé м? для чéго? с какой целью? ради чéго? каби сўроқларга жавоб бўлиб келадиган ҳол мақсад ҳоли деб аталади.

Мақсад ҳоли феъл, қисқа сифат, сифатдош, равишдошларга боғланиб келиб, феълнинг ноаниқ формаси ёки олт кўмакчилн от орқали ифодаланади.

Мисоллар	Мақсад ҳолининг ифодаланиши
<p><i>Приехал вас проведать.</i></p> <p><i>Перед отъездом, забежав проститься, Турсун не застал меня дома.</i></p> <p><i>У дверей стоял Турсун, пришедший проститься перед отъездом.</i></p>	<p><i>Проведать — феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланиб, приехал феълига боғланиб келади.</i></p> <p><i>Проститься — феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланиб, забежав равишдошига боғланиб келади.</i></p> <p><i>Проститься — феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланиб, пришедший сифатдошига боғланиб келади.</i></p>

§ 217. Обстоятельство условия. Шарт ҳоли.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш шартини билдириб, в каком случае? при каком условии? деган сўроқларга жавоб бўлиб келган ҳол шарт ҳоли дейилади.

Шарт ҳоли кесимга боғланиб келади.

Мисоллар	Шарт ҳолини ифодаловчи воситалар
<p><i>В таком случае я завтра выезжаю в колхоз. В случае болезни пришлите своего брата.</i></p> <p><i>При наличии свободного места он выдаст вам билет.</i></p>	<p><i>В таком случае, в случае болезни — сўз бирикмалари орқали ифодаланиб, выезжаю, пришлите феълларига боғланиб келади.</i></p> <p><i>При наличии свободного места — сўз бирикмаси орқали ифодаланиб, выдаст феълга боғланиб келади.</i></p>

ТИПЫ ПРОСТОГО ПРЕДЛОЖЕНИЯ. СОДДА ГАПНИНГ ТУРЛАРИ.

§ 218. Полные и неполные предложения. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.

Гаплар тузилиш жиҳатидан полные предложения — тўлиқ гаплар ва неполные предложения — тўлиқсиз гапларга бўлинади.

Гап бўлаklarининг бирортаси ҳам туширилмаган гап **тўлиқ гап** дейлади. Нутқ мазмунидан осонгина аниқланадиган бирор бўлаги туширилган гап **тўлиқсиз гап** деб аталади, масалан:

Кто пришёл — брат или сестра? — Брат. (Иккинчи гапнинг кесими *пришёл* туширилган.)

Мы получили русские и узбекские книги. Некоторые ученики получили только русские. (Иккинчи мисолда гапнинг тўлдирувчиси *книги* туширилган.)

Тўлиқсиз гаплар кўпинча икки ёки бир неча кишининг ўзаро гаплашишида учратилади.

— *Напишешь письмо?* (Гапнинг эгаси *ты* туширилган.)

— *Напишут.* (Гапнинг эгаси *я* ҳамда тўлдирувчиси *письмо* туширилган.)

— *Когда?* (Гапнинг эгаси *ты*, кесимп *напишешь* ҳамда тўлдирувчиси *письмо* туширилган.)

— *Сейчас.* (Гапнинг эгаси *я*, кесими *напишут* ҳамда тўлдирувчиси *письмо* туширилган.)

§ 219. Назывные предложения. Атов гаплар.

Тўлиқсиз гаплардан атов гапларни фарқ қилиш керак. Бирор предмет ёки ҳодисани эслатиб, аташ йўли билан айтилган гаплар **атов гап** дейлади. Атов гапларда одатда кесим туширилган бўлади, масалан: *Ночь. Ярко светит луна.* (Биринчи

гапнинг кесими йўқ, бунда туширилган кесим нутқ мазмунидан ҳам аниқланмайди.)

Китоб, газета, журнал номлари ва ҳоказо номлар атов гаплар саналади, масалан: *Пушкин*, «*Евгений Онегин*». *Айбёк*, «*Навой*».

§ 220. Личные и безличные предложения. Шахсли ва шахссиз гаплар.

Эгаси мавжуд бўлган ёки эгасини аниқлаб бўладиган гаплар **шахсли гап**, эгасини аниқлаб бўлмайдиган гаплар **шахссиз гап** дейилади, масалан: *Темнѐет. В домѧх зажгли свет. Светѧет. Трамваи уже пошли.*

Темнѐет, светѧет гапларида иш-ҳаракатнинг ким ёки шмага боғлиқ эканлиги номаълум.

Шахссиз гапларнинг кесими қуйидагича ифодаланади.

Мисоллар	Шахссиз гаплар кесимининг ифодаланиши
<i>Мне второй день нездоровится.</i> <i>Вечерѐет. Морозит. Замѣтно похолодало.</i>	<i>Нездоровится, вечерѐет, морозит, похолодало</i> — шахссиз феъллар.
<i>Сегодня хорошо работается.</i> <i>Мне не спится. Хочется воды.</i> <i>Так мне думается.</i>	<i>Работается, не спится, хочется, думается</i> — шахсли феъллар шахссиз формада ишлатилган.
<i>Что мне делать, как мне быть?</i> <i>Двум смертям не бывать, а одной не миновать.</i> <i>Быть грозѣ.</i> <i>Сегодня холодно. Здесь тихо.</i>	<i>Дѣлать, быть, не бывать, не миновать</i> — феълнинг ноаниқ формаси орқали ифодаланган.
<i>Как прекрасно здесь!</i> <i>Было холодно и сыро.</i>	<i>Холодно, тихо, холодно и сыро</i> — о билан тамомланувчи равишлар орқали ифодаланган.
<i>Будет сделано. Решено и сделано.</i> <i>Не сказано лишнего слова.</i> <i>В газѣте было написано.</i>	<i>Сдѣлано, решено, не сказано, было написано</i> — мажхул сифатдошнинг қисқа формаси орқали ифодаланган.
<i>На дворѣ метѣт.</i> <i>В пекарне приятно пахнет свежим хлебом.</i>	<i>Метѣт, пахнет</i> — учинчи шахс феъллари.

Мисоллар	Шахсиз гаплар кесимининг ифодаланиши
<p><i>Надо написать Турсуну. Нельзя нарушать правила уличного движения. Необходимо решить эту задачу. Можно подписаться на журнал.</i></p> <p><i>У меня нет денег. У него нет сына. Нам некогда заниматься пустяками. Некому об этом подумать.</i></p>	<p><i>Надо, нельзя, необходимо, можно — каби сўзлар билан феълнинг ноаниқ формасидан иборат сўз бирикмалари орқали ифодаланган.</i></p> <p><i>Нет (не было, не будет) — феъли орқали ифодаланган некогда, некому каби равиш ва олмошлар билан феълнинг ноаниқ формасидан иборат сўз бирикмалари орқали ифодаланган.</i></p>

§ 221. Обобщённо-личные предложения. Шахси умумлашган гаплар.

Маълум бир шахсга қаратилмай, мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлган фикрни билдирадиган гап шахси умумлашган гап дейилади. Бундай гапларнинг кесими одатда ҳозирги ва келаси замон феълнинг иккинчи шахси орқали ифодаланadi, масалан: *Что посеешь, то и пожнёшь.* (Мақол.) *Семь раз отмерь, один раз отрежь.* (Мақол.) *Из песни слова не выкинешь.* (Мақол.)

§ 222. Неопределённо-личные предложения. Шахси ноаниқ гаплар.

Форма жиҳатидан кўпликнинг учинчи шахсига тааллуқли бўлса ҳам, мазмунан аниқ бир шахсни кўрсатмайдиган гаплар шахси ноаниқ гаплар дейилади, масалан: *Так не делают. В коридоре разговаривают и шумят. Здесь не курят. В лес дров не вьзят.*

§ 223. Однородные члены предложения. Гапнинг уюшиқ бўлаклари.

Бир гапда бир неча эга, бир кесим ёки бир эга ва бир неча кесим бўлиши мумкин. Гапда бўлган бир неча эга, кесим ва бошқа бир хилдаги иккинчи даражали бўлақлар гапнинг уюшиқ бўлаклари дейилади. Гапнинг уюшиқ бўлаклари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, гапнинг бир бўлагига боғланиб келади.

Мисоллар	Гапнинг уюшиқ бўлаклари
<p><i>Инженёры, шукатуры, укладчики, шофёры пришли на стройку.</i></p> <p><i>Я утром встал, умылся, оделся, выпил чай и вышел из дома.</i></p> <p><i>Пулат пошёл в магазин и купил книги, тетради, карандаши.</i></p> <p><i>Летом на клумбе много красных, синих и жёлтых цветов.</i></p> <p><i>Мне пишут из Москвы, Ленинграда, Баку, Фрунзе, Алма-Аты.</i></p> <p><i>Он писал правильно, аккуратно, красиво.</i></p>	<p><i>Инженеры, шукатуры, укладчики, шофёры — бир неча уюшиқ эга.</i></p> <p><i>Встал, умылся, оделся, выпил чай, вышел — бир неча уюшиқ кесим.</i></p> <p><i>Книги, тетради, карандаши — бир неча уюшиқ тўлливчи.</i></p> <p><i>Красных, синих, жёлтых — бир неча уюшиқ аниқловчи.</i></p> <p><i>Из Москвы, Ленинграда, Баку, Фрунзе, Алма-Аты — бир неча уюшиқ ўрин ҳоли.</i></p> <p><i>Правильно, аккуратно, красиво — бир неча уюшиқ равиш ҳоли.</i></p>

Гапнинг уюшиқ бўлаклари ўзаро турли боғловчилар ёрдами билан боғланиши мумкин.

§ 224. Однородные и неоднородные определения.

Бир турдаги ва ҳар хил турдаги аниқловчилар.

Бир аниқланмиш билан келадиган аниқловчилар бир турда ва ҳар хил турда бўлиши мумкин. Бир турдаги аниқловчилар **уюшиқ аниқловчи** дейилади. Бундай аниқловчилар предметнинг бир турга оид белгиларини аниқлайди, масалан: *Наступили долги́е, скучные зимние вечера́.*

Ҳар хил турдаги аниқловчилар эса уюшиқ аниқловчи саналмайди. Бундай аниқловчилар бирор предметни турли томондан аниқлайди, масалан: *К ста́нции подошёл ско́рый пассажирский поезд.* Бу гапта *ско́рый, пассажирский* сўзлари ҳар хил турдаги аниқловчилар. Бундай аниқловчиларни боғловчи ёрдами билан боғлаш мумкин эмас.

§ 225. Союзы при однородных членах предложения.

Уюшиқ бўлақларда боғловчиларнинг ишлатилиши.

Уюшиқ бўлақлар ўзаро уч турли боғловчи ёрдами билан боғланади:

1) **соединительные союзы** — бириктирувчи боғлов-

чилар, масалан: *и, да (и маъносида), ни — ни, как... так и, не то́лько... но (и), не то́лько... сколько;*

1) противительные союзы — зидловчи боғловчилар, масалан: *а, но, да (но маъносида), одна́ко, хотя́, то́лько, зато́;*

3) разделительные союзы — айирувчи боғловчилар, масалан: *или, ли́бо, то — то, не то — не то.*

Мисоллар	Уюшиқ бўлақларни боғлайдиган боғловчилар
<p><i>Я купил кни́гу, тетради́ и карандаши́. Каждый́ трудя́щийся имеет́ право́ на учёние, отды́х и на труд. Он не бо́ится ни хо́лода, (и) ни жары́. Прилетели́ перепелá да бекáсы. Как студéнты, так и преподавáтели дру́жно собира́ли хло́пок. Маши́ны нужны́ не то́лько в го́роде, но и в дере́вне.</i></p> <p><i>Он не расслы́шал, но кивну́л головой́ утвер́дительно. Хоро́шо всё де́лает, да ме́дленно. Конь не скáчет, а летит. Я писáл внимáтельно, одна́ко сде́лал две оши́бки.</i></p> <p><i>Ме́дленно или́ бы́стро. Он сейча́с в Нама́нгáне или́ в Андижа́не. Долго́ ль мне гуля́ть на све́те то́ в коля́ске, то́ верхом, то́ в кибитке, то́ в карéте, то́ в теле́ге, то́ пешко́м? (Пушки́н.)</i></p>	<p><i>И, ни — ни, да, как... так и, не то́лько... но и ка́би сириктирувчи боғловчилар.</i></p> <p><i>Но, да, а, одна́ко ка́би зидловчи боғловчилар.</i></p> <p><i>Или, то — то ка́би айирувчи боғловчилар.</i></p>

§ 226. Обобщающие слова в предложениях с однородными членами. Уюшиқ бўлақларда ишлатиладиган умумлаштирувчи сўзлар.

Уюшиб келган предмет, белги, иш-ҳаракатни бирлаштириб гапнинг уюшиқ бўлақларидан олдин ёки кейин келадиган сўз умумлаштирувчи сўз дейилади.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келса, уюшиқ бўлаклардан илгари икки нуқта қўйилади, масалан: *Де-ти веселілись: играли, танцевали, пели песни. На сбор хлопка выехали все: рабочие, служащие, студенты, учащиеся.*

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан кейин келса, ундан олдин тире қўйилади, масалан: *Рабочие, служащие, студенты, учащиеся — все выехали на сбор хлопка.*

Умумлаштирувчи сўз билан уюшиқ бўлаклар орасида на-примёр, а именно, как-то каби сўзлар келса, шу сўзлардан олдин вергул, сўнг икки нуқта қўйилади, масалан: *Колхоз приобрёл разные машины, а именно: тракторы, сёялки, косилки.*

Протоколларда ва умуман, расмий қозғоларда умумлашти-рувчи сўз бўлмаса ҳам, уюшиқ бўлаклардан олдин икки нуқта қўйилиши мумкин, масалан: *На заседании присутствовали: Тур-сунов (председатель), Петров, Каримов, Гулямов и Сидоров (секретарь).*

§ 227. Слова, грамматически не связанные с членами предложения. Гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар.

Гапда бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташқари, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай сўзлар гап составида бўлса ҳам, лекин гап бўлаги бўла олмайди. Булар:

1) о б р а щ ё н и е — ундалма, 2) в в о д н ы е с л о в а — кириш сўзлар, 3) м е ж д о м ё т и я — ундовлар, 4) с л о в а да и нет — да ва нет сўзлари.

§ 228. Обращение. Ундалма.

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни бил-дирган сўз ундалма дейилади.

Ундалма гап бошида келса, ёзувда ундалмадан кейин вер-гул ёки ундов белгиси қўйилади, масалан: *Сабир, ты когда вер-нёшься домой? Товарищи! Слово для приветствия делегатов предоставляется Каримову.*

Хат ва табрикномаларда ундалма одатда хат бошида келиб, ундалмадан кейин ундов белгиси қўйилади, масалан: *Дорогой Алексей Максимович!*

Ундалма гапнинг ўртаепада келса, унинг икки томонига вер-гул қўйилади, масалан: *Припомните, товарищ Камалов, наш последний разговор.*

Ундалма гапнинг охирида келса, ундан олдин вергул қўйи-лади, масалан: *Приезжайте к нам, товарищ Камалов.*

Ундалма одатда именительный келишигидагн от ёки отлаш-ган сифат орқали ифодаланади. Ундалма сўз бирикмаси орқа-ли ҳам ифодаланиши мумкин, масалан: *Пролетарии всех стран, соединяйтесь!*

§ 229. Вводные слова и группы слов. Кириш сўз ва кириш иборалар.

Сўзловчининг ўзи баён этган фикрга муносабатини билдирган сўзлар **кириш сўз** дейилади.

Кириш сўзлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин. Кириш сўз гап бошида келса, кириш сўздан кейин, гапнинг охирида келса, кириш сўздан олдин, гап ўртасида келса, икки томонига вергул қўйилади, масалан: *Словом, всё будет хорошо. Сегодня, кажется, прохладно. К вечеру, пожалуй, и дождь пойдёт. Он, вероятно, приедет только завтра.*

Кириш сўзлар бирор сўз бирикмаси ёки гапдан иборат бўлса, икки томонига вергул ё тире қўйилиши, ёки қавс ичига олиниши мумкин. Масалан: *Исключения, вы знаете, подтверждают правила. Однажды вечером (это было в начале октября 1773 года) сидел я один, слушая вой осеннего ветра.* (Пушкин.) *Без него — я так думаю — мы не сможем выехать сегодня.*

Кириш сўзлар турли маъноларни англатиб келади.

Кириш сўзларнинг маънолари	Энг кўп ишлатиладиган кириш сўзлар
1. Ачиниш, таажжуб, шодлик маъносини билдиради.	<i>К сожалению, к счастью, к несчастью, к (моему) стыду, к (моему) удивлению, к (моему) удальству каби.</i>
2. Ишонч ва тасдиқни билдиради.	<i>Несомненно, безусловно, наверно, конечно, очевидно, бесспорно, понятно, действительно, разумеется, подлинно, без сомнения, в самом деле каби.</i>
3. Гумон, тахмин ёки умидни билдиради.	<i>Вероятно, по всей вероятности, может быть, быть может, кажется, казалось, видимо, по видимому, видно, как видно, должно быть, пожалуй, верно каби.</i>
4. Баён этилган бирор фикрнинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини билдиради.	<i>По-моему, по вашему, на мой взгляд, по мысли, по мнению... по сведениям, по слухам, говорят, передают, дескать, мол каби.</i>

Кириш сўзларнинг маънолари	Энг кўп ишлатиладиган кириш сўзлар
5. Айтилган фикрнинг олтинги фикр билан боғлиқ эканлигини англатади.	<i>Следовательно, итак, значит, словом, стало быть, одним словом, таким образом, впрочем, наоборот, напротив, например</i> каби.
6. Айтилган фикрнинг тартибини кўрсатади.	<i>Во-первых, во-вторых, в-третьих, наконец, в конце концов</i> каби.

Санаб ўтилган кириш сўзлардан оҳангдош сўзларни ҳамда гап бўлаклари билан боғланиб, бош ва иккинчи даражали гап бўлаклари сифатида келадиган сўзларни фарқ қилиш керак.

Кириш сўзлар	Оҳангдош сўзлар
<i>Вы, говорят, недавно из Москвы?</i> <i>Одним словом, на этот раз я ошибся.</i> <i>Наоборот, ваша статья мне очень понравилась.</i> <i>Ты, значит, не написал Петрову.</i> <i>Признаюсь, он меня очень смутил.</i> <i>Яблоко, правда, красивое, но безвкусное.</i>	<i>Что говорят о поездке в Москву?</i> <i>Эту мысль нельзя выразить одним словом.</i> <i>В вашей статье всё изложено наоборот.</i> <i>Что значит твоё молчание?</i> <i>Я признался во всём.</i> <i>Правда в огне не горит и в воде не тонет. (Мақол.)</i>

§ 230. Да и нет в начале предложения. Гап бошида келган да ва нет сўзлари.

Тасдиқ ва инкор маъносида келадиган да ва нет сўзлари гап бошида келиб, бошқа гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Ёзувда да ва нет сўзларидан кейин вергул ёки ундов белгиси қўйилади, масалан: *Нет, собрания сегодня не будет. Да, завтра я уезжаю в командировку. Да! Он всё знает. Нет! Этому не бывать!*

Да ва нет сўзлари маълум бир фикрни маъқуллаб ёки инкор этиб, гап ўрнида ҳам келиши мумкин. Бунда да ва нет сўзларидан кейин нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси қўйилади, масалан:

- Ты читал этот рассказ?— Да.
- А брат твой?— Нет.
- Да! Это моё право.

Да ва нет сўзлари билан бирга келадиган о юкламаси вер-гул билан ажратилмайди, масалан:

О да, я обязательно придё. О нет, постараюсь не забыть.

ТИПЫ СЛОЖНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ. ҚУШМА ГАПНИНГ ТУРЛАРИ.

§ 231. Сложное предложение. Қўшма гап.

